

АКРАМ ДЕҲҚОНОВ

**МУҲАЙЙИР
ВА УНИНГ
АДАБИЙ МЕРОСИ**

*АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ*

АКРАМ ДЕҲҚОНОВ

**МУҲАЙЙИР ВА УНИНГ
АДАБИЙ МЕРОСИ**



ZIYO NASHR

Тошкент
2021

УЎК: 821.512.133.09
КБК 83.3г(5Ў)
Д 85

Дехқонов, Акрам.

Д 85 **Муҳаййир ва унинг адабий мероси:** [Матн] / А. Дехқонов. –
Т.: „Ziyo nashr“ нашриёти, 2021. – 160 б.

ISBN 978-9943-6440-7-6

Ушбу монография ҳаёт йўли ва адабий мероси яхши ўр-
ганилмаган сиймолардан бири – соҳиби девон шоир, хушнавис
хаттот, моҳир таржимон Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли
Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижодий мероси тадқиқига бағишланган.

УЎК: 821.512.133.09
КБК 83.3г(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Н. Жабборов,
филология фанлари доктори

Такризчилар:

О. Тожибоева,
филология фанлари номзоди
О. Жўрабоев,
филология фанлари номзоди

Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили
ва адабиёти университети Илмий-техникавий кенгашининг 2020 йил
24 октябрдаги 3-сонли мажлис баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6440-7-6

© А. Дехқонов.
© „Ziyo nashr“ нашриёти, 2021.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|--|-----|
| МУҚАДДИМА | 4 |
| I БОБ. МУҲАЙЙИРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ | 10 |
| 1.1. Муҳаййирнинг ҳаёт йўли, ижоди ва унинг ўрганилиши | 10 |
| 1.2. Шоир адабий меросининг манбалари ва уларнинг тадқиқи | 30 |
| II БОБ. МУҲАЙЙИР ЛИРИКАСИНИНГ МАВЗУ МУНДАРИЖАСИ ВА БАДИИЯТИ | 46 |
| 2.1. Муҳаййир ижодининг мавзу кўлами | 46 |
| 2.2. Муҳаййир ижодида анъана ва ўзига хослик | 74 |
| III БОБ. МУҲАЙЙИРНИНГ ТАРЖИМОНЛИК ФАОЛИЯТИ | 105 |
| 3.1. Муҳаййир таржима қилган «Қирқ ҳадис» ва арбаинчилик анъанаси | 105 |
| 3.2. «Салоти Масъудий» Муҳаййир таржимасида | 129 |
| ХУЛОСА | 144 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати | 148 |

МУҚАДДИМА

Ўтган асрнинг 50-йилларидан бошлаб ўзбек адабиёт тарихини даврларга бўлиб ўрганиш, шунингдек, муайян адибларнинг ҳаёти ва ижоди бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган кўплаб шоирларнинг ҳаёти ва ижоди махсус тадқиқ қилинди¹. Лекин айрим адибларнинг шоирлик маҳорати ва салмоқли ижодий мерос қолдиргани эътироф этилгани ҳолда, уларнинг ҳаёти ва ижоди турли сабабларга кўра махсус ўрганилмади. Мана шундай ижодкорлар сирасига қўқонлик истеъдодли зуллисонайн шоир Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир ҳам киради.

Бугунги кунда кўп асрлик адабиётимиз тарихининг ҳали ўрганилмаган ёки яхши очиб берилмаган қиррала-

¹ Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари доктори... дисс. – Т., 1961; Шу муаллиф: Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1970; Холид Расул. Фурқат. Танқидий-биографик очерк. – Т., 1959; Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. – Т.: Ўзбекистон ФА нашриёти. 1961; Шу муаллиф: Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976; Шу муаллиф: Зокиржон Фурқат (ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1977; Юсупов Ш. Фурқат йўлларида. – Т., 1984; Шу муаллиф: Хуфия қатламлар. – Т., 1999; Раззоков Ҳ. Завкий ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1953; Шу муаллиф: Завкийнинг ҳаёти ва ижоди. – Т., 1955. Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1967. Раҳматова Д. Муқимий издошлари (Писандий, Ғурбат, Рожий). Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1967. Ва бошқалар.

рини кўрсатиб бериш, нотўғри нуқтаи назардан талқин қилинган жиҳатларини янгича назардан ўтказиш давр талабига айланди.

Ушбу монография ҳаёт йўли ва адабий мероси яхши ўрганилмаган сиймолардан бири – соҳиби девон шоир, қилқалам хаттот, моҳир таржимон Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари адабиётимиз тарихидаги энг кўп ўрганилган даврлардан биридир. Муҳаййир ҳам айнан шу даврда яшаб ижод қилди. Лекин бу даврга оид йирик тадқиқотларнинг бирортасида Муҳаййир ҳақида кенг тўхтаб ўтилмаган. Шоир ҳақидаги айрим маълумотларни Ҳ. Раззоқов, Ғ. Каримов, А. Азизов (Анисий), А. Ҳайитметов, Э. Шодиев, А. Абдуғафуров, П. Қайюмов, М. Хайруллаева каби олимларнинг тадқиқотларида учратиш мумкин¹. Бу маълумотлар аннотацион характерда ёки бошқа ижодкорлар ҳақида қилинган ишларнинг ичида келгани учун уларда Муҳаййир ҳақида батафсил маълумотлар берилган эмас.

Тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад Муҳаййир ижодини ишончли ва биринчи манбалар асосида ўрга-

¹ Раззоқов Ҳ. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номз... дисс. – Т., 1953. – Б. 8; Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари доктори... дисс. – Т., 1961. – Б. 4; Муҳаййир. Танланган шеърлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А.Азизов. – Т.: Фан, 1967. – Б. 3-11; Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 199-210; Шодиев Э. Нозилнинг «Зарбулмасал» асари топилди // Адабий мерос, 1989, № 4 (50), – Б. 74-79; Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат (Ҳаёти ва ижоди) – Т.: Фан, 1977, – Б. 17-134; Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий, – Б. 549; Хайруллаева М. Муҳаййир девони қўлёзмаси ҳақида // Адабий мерос. 1984. №2. – Б. 70-73; Муҳаййирнинг қўлёзма девонлари // Адабий мерос. 1988. №1. – Б. 45-47.

ниш, ҳаёт йўли ва ижодий фаолиятини ёритиб бериш, меросини тўплаб, ҳажмини белгилаш, шоирнинг ўзига хос санъаткорлиги ва таржимонлик фаолиятига муносиб баҳо беришдир. Шунингдек, Муҳаййирнинг кўп асрлик мумтоз адабиётимиз анъаналарини изчил давом эттирганлигини унинг ижодий мероси, хусусан ғазал ва рубоийлари мисолида кўрсатиб, асослаш, шоирнинг давр адабий муҳотидаги ўрнини аниқлаштириш ҳам ишнинг мақсадлари доирасига киритилгандир.

Муҳаййирнинг ўз даври адабий ҳаётидаги муносиб ўрнини аниқлаш, унинг шоирлик истеъдодини адабий мезонлар билан холис баҳолаш ушбу ишнинг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисобланди. Шунингдек, тадқиқотда қуйидаги вазифаларни ҳал қилиш кўзда тутилди:

- Муҳаййирнинг таржимаи ҳолини тўлиқ тиклаш;
- шоирнинг адабий меросини тўлиқ жамлаш, ҳажмини аниқлаш, жанр таркибини белгилаш;
- унинг девони нусхаларини қиёслаб, матний фарқларни аниқлаш;
- шоир шеърларининг мавзу мундарижаси ва поэтик жиҳатларини тадқиқ этиш;
- унинг ўзига замондош шоирлар билан бўлган ижодий муносабатларига ойдинлик киритиш;
- Муҳаййир шеърлятидаги анъана ва ижодий ўзига хослик масаласини текшириш;
- таржимонлик фаолиятини ўрганиш ва баҳо бериш.

Муҳаййир девонининг шоир қўли билан 1917 йилда настаълиқ хатида кўчирилган нусхаси тадқиқотнинг асосий манбаи бўлди. Бу қўлёзма Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида (инв. № 241) сақланмоқда. Шоир девонининг 1898 йилда кўчирилган нусхаси ҳам

ёрдамчи манба вазифасини ўтади. Бу қўлёзма ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида (инв. №7493) сақланыпти. Шунингдек, тадқиқот жараёнида асримиз бошларига оид тошбосма мажмуа-баёзларга, давр ижтимоий-сиёсий ҳаётини, тарихий воқеа-ҳодисаларни ёритувчи архив материаллари ва илмий ишларга, вақтли матбуот материалларига, жорий алифбода 1967 йилда А.Азизов нашрга тайёрлаган Муҳаййирнинг «Танланган шеърлар» китобига ва 2000 йилда «Университет» нашриётида «Девон» номи билан чоп этилган шеърлар тўпламига ҳам мурожаат қилинди. Шу билан бирга, Муҳаййирга замондош шоирларнинг шеърларида унинг номи зикр этилган шеъринг мактублари ва Муҳаййир ғазалларига боғлаган мухаммасларидан ҳам қўшимча манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий-назарий янгилиги шундан иборатки, унда Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг ҳаёти, ижодий мероси ва унинг қўлами ҳақида биринчи манбаларга, шоир дастхатида битилган қўлёзмаларга асосланган ҳолда аниқ маълумотлар берилди. Унинг форсий мероси ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилди. Шунингдек, Муҳаййирнинг давр адабий ҳаётида тутган мавқеи ҳам аниқлаштирилди. Ишда Муҳаййир адабий меросининг мумтоз шеърятимизнинг йирик намояндалари ижоди билан ғоявий-бадиий уйғун жиҳатлари текширилди. Муҳаййирнинг улуғ устозларга нисбатан ҳурмат ва эҳтиром мақомида турганлиги шоирнинг ўз эътирофлари мисолида кўрсатилди.

Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди, у таржима қилган асарлар ҳозиргача махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Ваҳоланки, у соҳиби девон шоир бўлиб, ўз қўли билан кўчирган мукамал девони мавжуд. Шундай бўлса ҳам, Муҳаййир ижоди бўйича амалга оширилган

айрим ишларда шоир ижодини холис баҳолашга ҳаракат қилинганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Муҳаййир ижоди бўйича амалга оширилган дастлабки иш профессор А. Ҳайитметовга тегишли. У 1960 йилда тўрт томлик «Ўзбек адабиёти»нинг тўртинчи томи, биринчи китобига Муҳаййирнинг энг яхши шеърларидан намуналарни нашрга тайёрлаган эди. Шундан буён ўтган ярим асрга яқин вақт ичида Муҳаййир ижоди бўйича айрим изланишлар амалга оширилди, шоир асарларининг иккита нашри юзага чиқди. Бу ишларда Муҳаййирнинг истеъдодли шоир эканлиги таъкидлаб ўтилган бўлса-да, унинг ижоди яхлит монографик кўламда ўрганилган эмас

Муҳаййирнинг ижодий мероси яхлитлигича илк бор бирламчи манбалар асосида жамланди¹ ва илмий тадқиқ этилди, ғоявий-бадий мундарижаси белгиланди, шоирнинг санъаткорлик маҳорати имкон даражасида тадқиқ этилди, унинг ғазаллари салаф шоирлар ва замондошлари асарларига қиёсан таҳлил қилиниб, илмий хулосалар чиқарилди.

Монографияда Муҳаййир ижодий фаолиятининг олим – таржимонлик ҳамда хаттотлик соҳалари ҳам ишончли манбалар асосида очиб берилди.

Тадқиқотни амалга оширишда мумтоз адабий меросни холис илмий мезонлар асосида баҳолашга ҳаракат қилдик. Изланиш давомида мумтоз адабиётимиз тарихи бўйича амалга оширилган эътиборли илмий тадқиқотлардан самарали фойдаланилди. Академиклар Иззат Султон, А. Қаюмов, А. Рустамов, филология фанлари докторлари Ғ. Каримов, А. Ҳайитметов, А. Абдуға-

¹ Шоирнинг ўз дастхати билан кўчирган девони транслитерация қилиб, нашрга тайёрланди ва 2010 йилда «Муҳаррир» нашриётида чоп этилди.

фуров, Б. Қосимов, Н. Комилов, Б. Саримсоқов, И. Ҳаққулов, Ҳ. Болтабоев, Ҳ. Ҳамидов, шунингдек, Ё. Исоқов, Л. Зоҳидов, М. Ҳамидова, Қ. Эргашев, С. Рафиддинов каби олимларнинг илмий-амалий тажрибаларига суянган ҳолда иш олиб борилди. Диссертацияда Е.Э.Бертельс, Д.С.Лихачёв, Х.К.Баранов, Маҳмуд Асъад Жўшон, Меҳмет Эмре, Ҳасан Ҳусну Ардам каби хорижлик олимларнинг тадқиқотлари хулосаларидан ҳам истифода этилди.

Муҳаййир асарларини биринчи манбага асосланган ҳолда тадқиқ этиш жараёнида юртимизда нашр этилган адабиёт тарихи ва адабиётшуносликка оид илмий нашрлардан, Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф таржималаридан ҳам фойдаландик.

І БОБ. МУҲАЙЙИРНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ ВА АДАБИЙ ФАОЛИЯТИ

1.1. Муҳаййирнинг ҳаёт йўли, ижоди ва унинг ўрганилиши

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Қўқон адабий муҳитида етишиб чиққан истеъдодли ижодкорлардан бирidir. Унинг ҳаёти ниҳоятда нотинч даврга тўғри келди. Муҳаййир сўнгги Қўқон хонларининг ҳукмронлиги даврини кўрди, чоризмнинг юртимизга бостириб келиши ва бу истилонинг фожиали оқибатларига гувоҳ бўлди. Шунингдек, у большевикларнинг ҳокимият тепасига чиқиши ва бу қонли салтанатнинг дастлабки йилларини ҳам кўриб улгурди¹.

Муҳаййирнинг туғилган йили хусусида турлича маълумотлар мавжуд. А.Азизов ва профессор А.Ҳайитметов шоирнинг туғилган санасини 1842 йил деб кўрсатишади².

¹ Шоир умрининг охирларида шундай суронли даврлар келаётганини кўриб:

*Эй Муҳаййир, эмди сен бир гўшани қил ихтиёр
Ким, сенингдекларни хуш кўрмас замона одами, –*

каби мисраларини битган бўлса, ажаб эмас. Қаранг: Муҳаййир. Девон. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи, қўлёзма-лар фонди. Инв. № 241. – В. 140. (Бундан кейин шу қўлёзмадан олинган иқтибосларга «Девон» деб, саҳифасини кўрсатиб кетамиз).

² Қаранг: Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960. – Б. 199; Муҳаййир. Танланган шеърлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Азизов. – Т.: Фан, 1967. – Б. 4.

Профессор Ғ.Каримов 1850 йил деб¹ ва Пўлатхон Қайюмов 1845 йил деб² белгилайди. Бизнингча, Муҳаййирнинг туғилган йили масаласида А. Азизов ва А. Ҳайитметовларнинг фикрлари тўғрироқдир. Бунинг сабаби шуки, А. Азизов шоирнинг шеърлар тўпламини нашрга тайёрлаш ва у ҳақда маълумот тўплаш жараёнида (1960-йилларда) уни кўрган, яхши билган одамлар билан учрашиб, улардан аниқ маълумотлар олади. Бу хусусда А.Азизов Муҳаййирнинг «Танланган шеърлар» китобига ёзган сўзбошида шундай дейди: «Унинг (яъни Муҳаййирнинг – А.Д.) биографиясини тиклаш ва ижодига доир маълумотларни мукамаллаштирамоқ ниятида Қўқон ва Андижон шаҳарларида махсус илмий командировкада бўлдик. Муҳаййирга замондош бўлган, ҳозир ҳам ҳаёт кекса шоирлардан «Ҳофиз» тахаллусли Абдулмажид қози, Ўз ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси Абдулла Насриддинов (Бокий) ва бошқалар билан учрашиб, бирмунча жузъий хабарлар тўплашга муваффақ бўлдик»³.

Профессор А. Ҳайитметов ҳам Муҳаййир ижоди билан маълум муддат жиддий шуғулланган⁴. Профессор

¹ Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. 1-том. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ғ.Каримов – Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти.1960. – Б. 354.

² Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкирани Қайюмий. – Т., 1998. 3-дафтар, – Б. 548-550.

³ Муҳаййир. Танланган шеърлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Азизов. – Т.: Фан, 1967. – Б. 3-4.

⁴ Суҳбатлардан бирида проф. А. Ҳайитметов аспирантлик пайтларида (50-йилларда) унга Муҳаййир ижоди бўйича илмий иш қилишни тавсия этишганини ва у Муҳаййир ижоди билан маълум муддат жиддий шуғулланганини сўзлаб берган эди. А. Ҳайитметов Муҳаййир девони билан танишиб чиккач, унинг шеърлари ичида:

Нотавон, мискин Муҳаййир, қил Бухоро сори азм,

Русиё давринда ўлгунча қариндош олдиди, –

каби ўша давр учун қалтис ҳисобланган мисралар ҳам борлиги ва ижодида диний оҳанглар кучли бўлгани учун мавзуни ўзгартиришга тўғри келганини айтган эди.

Ғ. Каримов эса Муҳаййир номи билан Муқимий ҳаёти ва ижоди юзасидан изланиш олиб бориш жараёнидагина тўқнашган, алоҳида шуғулланмаган. Шунинг учун ҳам А.Азизов ва А.Ҳайитметовларнинг маълумотларини аниқроқ деб ҳисоблаймиз.

Шоир бошланғич таълимни отасидан ва маҳалласидаги мактабдан олади. Бу ҳақда «Тазкираи Қайюмий»да шундай маълумот берилади: «...Номи Муҳаммадкул бўлиб, отаси феодализм даврида девонсарой илмий ҳодимларидан Мулло Муҳаммад Расул Мирзо номли котибдур. Сўнгра мирзабошилиқ рутбаси берилмишдир. Шоир бошланғич мактабни маҳалла масжидидаги мактабда тугатиб, сўнг мадрасада ўқуб, таҳсили илми арабий ҳосил этмишдир»¹.

Бу маълумотдан шу нарса англашиладики, шоирнинг отаси Қўқон хонлигининг давлат бошқаруви тизимида, аниқроқ қилиб айтганда, хонлик канцеляриясида ишлаган, кейинчалик ҳатто хоннинг канцеляриясини бошқарган. Бу маълумот Муҳаййир ҳаёти ва ижодининг совет даврида нима учун жиддий ўрганилмаганлигини қайсидир даражада изоҳлайди. Чунки ўша пайтда ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда уларнинг ижтимоий келиб чиқиши асосий мезон сифатида олинар эди.

Отасидан ёшлигида ҳаттотлик санъатини мукаммал ўрганган Муҳаййир Қўқон мадрасаларида ўқиб юрган пайтларидаёқ истеъдодли шоир ва билимли зиёли сифатида танилади. Адабиётшунос Ҳошимжон Раззоқов 1870-1871 йилларда Мадрасаи Мирда ўқишни бошлаган Убайдулло Завқийнинг ўша пайтларда кенг танил-

¹ Пулатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий – Т., 1998. 3-дафтар. – Б. 348.

ган Муқимий ва Муҳаййир билан танишиб, дўстлашганини ёзади¹.

Муҳаййир 1874-1875 йиллар оралиғида ўқиш учун Бухорога кетади. У ўн йилдан кўпроқ вақт мобайнида, тахминан 1885 йилларгача Бухоро мадрасаларида таҳсил олади. Афсуски, биз шоир ҳаётининг Бухоро даврини ёритувчи бирор-бир маълумотни қўлга киритишга муваффақ бўлмадик.

Муҳаййир 1885–1886 йиллар оралиғида Бухородан она шаҳри Қўқонга қайтиб келади.

Шоир Бухородан қайтгач, Қўқон шаҳрида узоқ турмайди. 1886 йилда Қўқонда тарқалган вабо туфайли унинг хотини ва бешта фарзанди вафот этади. Шундан сўнг Муҳаййир Қўқондан 40-50 чакирим узоқликдаги Оқер деган қишлоққа (ҳозирги Риштон туманига қарашли) кўчиб кетади. Шу нарсани айтиб ўтиш керакки, руслар истилосидан кейин ҳам то XX асрнинг 30-йилларигача суд-маҳкама тизимида фуқаролик масалаларини жойлардаги қозихоналар ҳал қилган. Жумладан, туманлардаги қозихоналарга қозиларни тайинлаш, жомеъ масжидларига имом-хатибларни қўйиш маҳаллий ҳукумат ихтиёрига берилган. Муҳаййирни ҳам Қўқон шаҳридан Риштон туманининг Оқер қишлоғидаги «Қаландархона» жомеъ масжидига имом-хатиб қилиб тайинлаб ишга жўнатишади. Шу бўйича шоир то умрининг охиригача Оқер қишлоғида яшаб қолади. Бу ҳақда «Тазкираи Қайюмий»да шундай дейилади: «Ҳаётининг ярмидан кўпи деярли шаҳардан ташқарида ўтмишдир. Ҳаётининг сўнггида Рошидон районида Оқ ер номли машҳур ўзбек қишлоғи Буюк масжидида

¹ Раззоков Х. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номз... дисс. – Т., 1953. – Б. 8.

узоқ муддат имом-хатиб ва мударрис бўлиб туруб, 1918 йилда 78 ёшинда вафот этмишдир»¹. Пўлатхон Қайюмов нима учундир Муҳаййир имом қилиб тайинланган масжид номини бошқачароқ қилиб «Буюк масжиди» деб номлайди.

Шоир Оқерда иккинчи марта уйланиб, бола-чақали бўлган. Ундан тўрт ўғил ва бир қиз қолган².

Фарғона водийсидаги миллий истиқлолчилик ҳаракатларини ўрганган олим, тарих фанлари доктори Қаҳрамон Ражабовнинг берган маълумотларига кўра, шоир Муҳаййир Октябрь тўнтаришидан кейин бошланган халқ озодлик ҳаракатининг йирик раҳбарларидан бири Эргаш кўрбошининг шахсий котиби бўлиб хизмат қилган. Набираларининг ҳикоя қилишича, 1918 йилнинг охирларида Эргаш кўрбоши мағлубиятга учраган жанглارнинг биридан сўнг шоир кечаси отда ўз уйига кириб боради ва 3-4 кун бетоб бўлиб ётиб, сўнг вафот этади. Бизнингча, совет даври учун жуда хавфли саналган бу факт унинг ижодий меросини кенг миқёсда омалаштиришга монеълик қилган сабаблардан биридир.

Биз Муҳаййир ҳаёти ва ижодини ўрганиш жараёнида тўпланган маълумотларни шартли равишда қуйидагича туркумладик:

1. Муҳаййир ҳаёти ва ижоди бўйича алоҳида амалга оширилган ишлар.

¹ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий, – Б. 549.

² Ўғилларининг исми Зуҳриддин, Насриддин, Фаҳриддин ва Аҳмаджон, қизининг исми Шамсуннисо бўлган экан. Ўғилларидан иккитаси: Насриддин ва Фаҳриддин урушдан кейинги йилларда Қирғизистоннинг Қизилқия туманидаги Тожик қишлоғига кўчиб кетиб, ўша ерда яшаб қолибди. Оқерда қолган бир ўғли ва қизи анча эрта вафот этган бўлиб, Аҳмаджон исмли кенжа ўғли узоқ умр кўриб, 1999 йилда қазо қилган. Ҳозирда Оқер қишлоғида Муҳаййирнинг икки невараси – Холматжон ва Иномжон Аҳмаджоновлар яшайпти.

2. Турли муносабатлар билан Муҳаййир ижоди ҳақида билдирилган фикрлар.

3. Муҳаййирга замондош шоирларнинг эътирофлари ва унинг ўз асарларида учраган баъзи маълумотлар.

4. Шоир набираларининг хотиралари.

Биз аввал юқорида санаб ўтганимиз туркумлар бўйича қайси тадқиқотчилар қандай ишларни амалга оширгани ҳақида маълумот берамиз, сўнг у ишларнинг таҳлилига киришамиз.

1. Муҳаййир ҳаёти ва ижоди бўйича алоҳида амалга оширилган ишлар қаторига:

1) «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясидаги Абдуқодир Ҳайитметовнинг Муҳаййир шеърларидан тайёрлаган намуналарини ва шоир ҳақидаги аннотацион мақоласини;¹

2) Абдулахад Азизов нашрга тайёрлаган Муҳаййирнинг «Танланган шеърлар» китобини ва унинг сўзбоши – мақоласини;²

3) Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» асаридаги Муҳаййир ҳақидаги мақолани;³

4) «Университет» нашриётида «Девон» номи билан чоп этилган Муҳаййирнинг шеърлар тўпламини;⁴

5) Мастура Хайруллаеванинг Муҳаййир девонининг кўлёзмалари ҳақида маълумот берувчи иккита мақоласини⁵ киритиш мумкин.

¹ Қаранг: Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 199-210.

² Муҳаййир. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Азизов. – Т.: Фан, 1967. – Б. 3-11.

³ Пўлатжон Домулло Қайюмов. Тазкираи Қайюмий, – Б. 549.

⁴ Муҳаййир. Девон. Нашрга тайёрловчи М. Хайруллаева. – Т.: Университет, 2000.

⁵ Хайруллаева М. Муҳаййир девони кўлёзмаси ҳақида // Адабий мерос. 1984. №2. – Б. 70-73; Муҳаййирнинг кўлёзма девонлари // Адабий мерос. 1988. №1. – Б. 45-47.

2. Турли муносабатлар билан Муҳаййир ижоди ҳақида билдирилган фикрлар жумласига:

1) Профессор Ҳошимжон Раззоқовнинг Завқий ижоди ҳақидаги тадқиқотида¹ Муҳаййир ҳақида билдирилган фикрларни;

2) Профессор Ғ. Каримовнинг Муҳаййир хусусидаги айрим қайдларини;²

3) Профессор Абдурашид Абдуғафуровнинг айрим кузатишларини;³

4) Профессор Эргашали Шодиевнинг Муҳаййир кўчирган баёз ҳақидаги мақоласини;⁴

5) Филология фанлари номзоди Мавжуда Ҳамидованинг тадқиқотидаги Муҳаййирга оид ўринларни;⁵

6) Б. Абдуллаева ва Р. Ҳожиёваларнинг мақолаларини⁶ киритдик.

3. Муҳаййирга замондош шоирларнинг эътирофлари ва унинг ўз асарларида учраган маълумотлар сирасига:

1) Зокиржон Фурқатнинг Муқимий ва Завқийга ёз-

¹ Раззоқов Ҳ. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1953. – Б. 8-23.

² Қаранг: Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. Биринчи том. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Каримов Ғ. Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 3-7-54; Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари доктори... дисс. – Т., 1961. – Б. 158-159.

³ Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат (Ҳаёти ва ижоди). – Т.: Фан, 1977. – Б. 17-134; Абдуғафуров А. «Тилим лолу сиришким қон» // Алишер Навоий (ғазаллар, шарҳлар), – Т.: Камалак, 1991, – Б. 146.

⁴ Шодиев Э. Нозилнинг «Зарбулмасал» асари топилди // Адабий мерос, 1989. № 4 (50), – Б. 74-79.

⁵ Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. – Т.: Фан, 1981, – Б. 21-22-40-45.

⁶ Абдуллаева Б. Тошбосма баёзларининг илмий тавсифи // Адабий мерос. – 1989. №4 (50) – Б. 37-44; Ҳожиёва Р. Тошбосма баёзлар – ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба // Адабий мерос. 1988. № 1 (13) – Б. 87-96.

ган шеърӣ мактубларидаги Муҳаййир номи зикр этилган ўринларни¹;

2) Муҳаййирнинг шогирди, ЎзФА мухбир аъзоси, йирик олим ва шоир Мирзо Абдулло Насриддинов (Бокӣ)нинг Муҳаййир ҳақидаги шеърини²;

3) Шунингдек, Муҳаййирнинг ўз асарларидаги шоир ҳаёти ва ижодига оид маълумотлар жумласига унинг ўз девони дебчасидаги, шеърларидаги айрим ўринларни ва Муҳаййир томонидан таржима қилинган «Салоти Масъудий» китобига ёзган дебчасидаги баъзи маълумотларни киритдик.

4. Шоир набираларининг хотиралари. Бу қисмга Муҳаййирнинг кенжа ўғли Аҳмаджон буванинг ўғиллари – Холматжон Аҳмаджонов ва Иномжон Аҳмаджоновларнинг ўз оталаридан эшитган хотиралари киритилди.

1. Муҳаййир ҳаёти ва ижоди бўйича алоҳида амалга оширилган ишлар.

Бу қисмга, юқорида санаб ўтганимиздек, биринчи бўлиб профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг ишини киритиш лозим. У 1960 йилда тўрт томлик «Ўзбек адабиёти» хрестоматияси учун Муҳаййирнинг энг сара шеърларидан ўн биттасини нашрга тайёрлаб берди. А. Ҳайитметовнинг ушбу китобдаги Муҳаййир ҳақидаги аннотацион мақоласи ҳам шоир ҳаёти ва ижоди бўйича маълумот берувчи энг дастлабки манбадир. А. Ҳайитметов Муҳаййирнинг туғилган ва вафот этган саналарни (1842–1918 йиллар деб) аниқ кўрсатиб беради. Шунингдек, у Муҳаййирни «...Фарғона водийсида яшаб

¹ Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. Иккинчи том. – Т.: Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 110-111. Завқий. Танланган асарлар. – Т.: Ўзбекистон Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 102-103.

² Муҳаййир. Танланган шеърлар. – Т.: Фан, 1967. – Б. 11.

ижод қилган шоирларнинг орасида кўзга кўринганларидан эди»¹, деб тўғри таърифлайди, аммо шоир девони нусхалари ҳақидаги фикрларига аниқлик киритмайди.

А. Ҳайитметов бу китобга Муҳаййирнинг бадиий жиҳатдан етук бўлган ўн битта ғазалини киритган. Ушбу иш Муҳаййир ижоди билан китобхонни таништириш йўлидаги дастлабки қадам сифатида эътиборга моликдир.

1967 йилда Абдулаҳад Азизов (Анисий) томонидан нашрга тайёрланиб, чоп этилган Муҳаййирнинг «Танланган шеърлар» номли китоби ҳам шоир ижоди бўйича қилинган салмоқли ишлардандир. Бу китобга шоир девонидаги 400 ғазалдан 109 таси, 36 мухаммасдан учтаси, шунингдек, битта мусаддаси, иккита мураббаъси ва ўн олтита рубойиси, жами 2100 мисра шеъри киритилган. Китобдаги А. Азизов ёзган сўзбоши ҳам Муҳаййир ҳаёти ва ижоди ҳақида нисбатан кенгроқ маълумот берувчи манба сифатида эътиборлидир. А. Азизов китоб сўзбошисида Муҳаййир ҳаёти ва ижодига оид қимматли маълумотларни беради. Лекин у ҳам шоир девони нусхалари хусусида ноаниқ фикрни айтиб, жумладан шундай дейди: «Шоир Муҳаййирдан бизга уч девон етиб келган, ундаги шеърларнинг ҳаммаси икки тилда – ўзбек ва тожик тилларида ёзилгандир. У девонлардан иккитаси мукамал бўлиб, учинчиси чалароқ. Ҳар учала девон ҳам шоирнинг ўз қалами билан настаълиқ хатида ёзилган»².

Бу сўзлардан Муҳаййирнинг учта мустақил девони мавжуд бўлган, деган мазмун келиб чиқяпти. Изланишлар натижасида эса Муҳаййирнинг фақат битта девон тузгани маълум бўлди. А. Азизов санаб ўтган нусхалар-

¹ Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 199.

² Муҳаййир. Танланган шеърлар. – Т.: Фан, 1967. – Б. 5.

дан бири шу девоннинг қораламаси, иккинчиси унинг оққа кўчирилган варианты, учинчиси эса девон эмас, балки Муҳаййир тарафидан тузилган ва кўпроқ унинг шеърларидан таркиб топган баёз экани ойдинлашди.

А. Азизов нашрга тайёрлаган Муҳаййирнинг ушбу шеърлар тўплами юксак илмий савияда амалга оширилганини таъкидлаган ҳолда, ундаги баъзи камчиликларни ҳам қайд қилиб ўтиш лозим. Масалан, ушбу нашрдан жой олган:

1. *Гар тамошо қилмасун бог ичра раъно оразинг,
Кўринур гуллар кўзумга, эй гули бехор, хор...*
2. *Шавқ юзланди олиб қўлга шижоат тигини,
Юз ёшурой сабр шамишинг кўтарма бегилоф...*
3. *Десалар: ишқингни собит қил топиб икки гувоҳ,
Кўзда кўз ёшум тонукдур, ёна ранги зардлиг...*
4. *Билмайин ўртанмоқу, куймоқлигингни боисин,
Чун Муҳаййир доим, эй шам, ҳайронлиқдаман*¹–

байтлари дастхат девондаги каби:

1. *Гар тамошо қилмасам бог ичра раъно оразинг,
Кўринур гуллар кўзумга, эй гули бехор, хор...*
2. *Шавқ юзланди олиб қўлга шижоат тигини,
Юз яшур, эй сабр, шамишинг кўтарма бегилоф...*
3. *Десалар: «Ишқингни собит қил топиб икки гувоҳ!»
Кўзда қон ёшум тонукдур, ёна ранги зардлиг...*
4. *Билмайин ўртанмоқу куймоқлигингни боисин,
Чун Муҳаййир доимо, эй шамъ, ҳайронлиқдаман,*²–

шаклида бўлиши керак эди.

¹ Муҳаййир. Танланган шеърлар. – Т., Фан, 1967. – Б. 27-40-38-50.

² Муҳаййир. Девон. – В. 65-77-7-103.

Баъзи бир жузъий камчиликларга қарамай, А. Азизовнинг ушбу нашри Муҳаййир асарларини халққа етказиш борасида ҳозиргача амалга оширилган ишларнинг энг салмоқлиси эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Пўлатжон Қайюмовнинг «Тазкираи Қайюмий» аса-ридаги Муҳаййир ҳақидаги мақола ҳам мавзуимизга алоқадор ишлар ичида ўзига хос ўрин тутаети. Чунки П. Қайюмов шоирни ўз кўзи билан кўрган ва шу жиҳатдан унинг маълумотлари бу мавзудаги энг диққатга мо-лик фикрлардан биридир. У Муҳаййирни ўз кўзи билан кўргани учун унинг қиёфасини қуйидагича аниқ тасвирлаб беради: «Шоир тўла гавдали, буғдой рангли, қора гирдоб соқолли, хомуш, виқорли, фикрчан, кам-сухан киши эди...¹». П. Қайюмовнинг ушбу китобдаги мақоласида Муҳаййир таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотлар берилган бўлиб, уларни келтириб ўтдик. П. Қайюмов ўз мақоласининг охирида: «Муқимий дав-рида шухрати бўлмаса ҳам, Завқий ва Муҳйига яқин эди...»² дейди. Изланишлар эса Муҳаййирнинг нафақат Завқий ва Муҳйига, балки Муқимий ва Фурқатга ҳам жуда яқин бўлганини кўрсатди³.

2000 йилда «Университет» нашриёти томонидан «Девон» номи билан нашр этилган Муҳаййирнинг шеърлар тўплами ҳам шу мавзудаги ишлардан биридир. Бу китобга шоирнинг 43 та ғазали, 6 та мухаммаси ва битта мураббаъси, жами 940 мисра шеъри киритилган. Китобни Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунос-

¹ Пўлатжон Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. – Т., 1998. Нашриётсиз, 3-дафтар. – Б. 549.

² Пўлатжон Қайюмов. Тазкираи Қайюмий. – Т., 1998. Нашриётсиз, 3-дафтар. – Б. 549.

³ Бу мавзуни ўз ўрнида ёритиб берамиз.

лик институти ходимаси М. Хайруллаева нашрга тайёрлаган, сўзбошини Ҳ. Исломий ёзган.

Шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, 1967 йилги нашр билан ушбу китоб нашри орасида ўттиз йилдан ошиқроқ вақт ўтганига қарамай, бу китобга ёзилган сўзбошида Муҳаййир ҳаёти ва ижодига оид деярли ҳеч қандай янги маълумотлар киритилмаган. Китобнинг номланиши ҳам ичидаги берилган шеърларга мос эмас. Ҳар қандай тўпламга ҳам «Девон» деб ном қўйиш тўғри келмайди. «Девон» деб ном қўйилиши учун ўзига хос шартлар, талаблар мавжуд. Бу китоб у талабларнинг ҳеч қайсига жавоб бермайди. Унга Муҳаййир девонидаги шеъринг меросининг бор-йўғи ўн фоизга яқини киритилган, холос. Китобдаги 43 та ғазалдан 29 таси эса 1967 йилда нашр этилган Муҳаййирнинг «Танланган шеърлар» тўпламида эълон қилинган ғазаллардир.

Бундан ташқари, ушбу нашрдаги ғазалларда умуман маъно англаб бўлмайдиган даражада хато берилган ўринлар жуда кўп. Биз улардан баъзиларини келтириш билан чекланамиз:

Тажалли гоҳ ҳақ бўлғай Муҳаййир, (?)
Кўнгул кўзгусида бўлса сафо кўп¹ –

байти аслида:

Тажаллигоҳи Ҳақ бўлғай, Муҳаййир,
Кўнгул кўзгусида бўлса сафо кўп –

шаклида, шунингдек:

Кетмоқ ярогин қилким, бўлмас мурод илкидин (?)
Исо каби афлокка чиққони билан озод...

¹ Муҳаййир. Девон. – Т.: Университет, 2000. – Б. 10.

*Нафсга бўлуб голиб, шайтонга зафар топмас,
Тотимаса (?) соликга тангри саридин имдод¹ –*

мисралари дастхат қўлёзма девонда битилганидек:

*Кетмоқ ярогин қилким, бўлмас биров илкидин
Исо каби афлокка чиққони билан озод...
Нафсга бўлуб голиб, шайтонга зафар топмас,
То етмаса соликга Тангри соридин имдод –*

шаклида бўлиши керак эди.

Бундан ташқари, ушбу нашрдаги ғазалларда жуда кўп имло хатолари ўтиб кетган. Ҳатто баъзи бир ғазалларда ўнтагача имло хатолари учрайди.

Ушбу китобчанинг нашри Муҳаййир ижоди юзасидан мустақилликдан сўнг амалга оширилган жиддий бир иш бўлганини эътироф қилган ҳолда, унинг илмий савияси талаб даражасида эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ҳамид Сулаймонов номидаги собиқ Қўлёзмалар институтининг ходимаси Мастура Хайруллаева ҳам Муҳаййир ижоди бўйича айрим изланишлар олиб борган. Унинг Муҳаййир девони қўлёзмалари ҳақида маълумот берувчи иккита мақоласи эълон қилинган.² М. Хайруллаева 1984 йилда эълон қилинган мақоласида асосан собиқ Қўлёзмалар институтидаги 241-рақамли Муҳаййир девони ҳақида сўз юритади. Девонни тўлиқ тавсифлаб, бирмунча зарур маълумотларни беради. Лекин у девоннинг кўчирилган йилини ҳижрий 1315 (мелодий 1898) йил деб кўрсатади. Ваҳолонки, девон охи-

¹ Муҳаййир. Девон. – Т.: Университет, 2000. – Б. 14.

² Хайруллаева М. Муҳаййир девони қўлёзмаси ҳақида // Адабий мерос. – 1984. – №1 (29). – Б. 70-74; Хайруллаева М. Муҳаййирнинг қўлёзма девонлари // Адабий мерос. – 1988 – № 1 (43). – Б. 45-47.

рида кўрсатилган сана ҳижрий 1335 (мелодий 1917) йилдир¹.

Унинг 1988 йилда «Адабий мерос» журналида чоп этилган мақоласи ҳам Муҳаййир девони кўлёмалари ҳақидадир. М. Хайруллаева ушбу мақоласида А.Азизов янглиш ҳолда Муҳаййир девони деб санаб кетган, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида 682-инвентарь рақами билан сақланаётган кўлёманинг аслида шоир қўли билан кўчирилган баёз эканини айтиб, хатони тўғрилайди. У ўз мақоласида Муҳаййир девонининг ҳар икки нусхасини тўлиқ тавсифлайди, баъзи фарқли жиҳатларни айтиб ўтади. Лекин М. Хайруллаева бу мақоласида ҳам таянч нусха ҳисобланган 241-рақамли кўлёмма девонни 1898 йилда кўчирилган, деб хато белгилайди.

М.Хайруллаеванинг ҳар икки мақоласи ҳам Муҳаййир девони кўлёмалари ҳақида дастлабки зарур маълумотларни ўзида акс эттирганлиги билан эътиборга лойиқдир.

2. Турли муносабатлар билан Муҳаййир ҳақида билдирилган фикрлар.

Профессор Ҳошимжон Раззоқов Завқий ҳаёти ва ижодига бағишланган номзодлик ишида Муҳаййир ҳақида айрим қайдлар қилиб ўтган эди. У 1870–1871 йилларда Кўқондаги Мадрасаи Мирда ўқишни бошлаган Убайдулло Завқийнинг Муқимий ва Муҳаййир билан яқиндан танишиб, дўстлашганини ёзади². Бу маълумот Муҳаййирнинг XIX аср 70-йилларининг бошидаёқ шоир ва маърифатли зиёли сифатида эътироф этилганини билдиради. Шунингдек, Ҳ. Раззоқов «Бўлма

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 158.

² Раззоқов Ҳ. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1953. – Б. 8.

ўлинг» радифли Завқий мухаммаси Муҳаййир билан ҳамкорликда ёзилганини таъкидлаб ўтади, лекин бу мухаммас мавжуд манбани кўрсатмайди. Бу мухаммасни, афсуски, Завқий асарлари нашрларида ҳам, Муҳаййир девони нусхаларида ҳам учратмадик. Ҳ. Раззоқовнинг Муҳаййир ҳақидаги ушбу қайдлари шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида яхлит маълумот бермаса ҳам, хронологик жиҳатдан дастлабки маълумотлардан бири сифатида аҳамиятлидир.

Ушбу туркумдаги маълумотлар сирасига профессор Ғ.Каримовнинг айрим фикрларини ҳам қўшиш мумкин. У Муқимий ҳақидаги тадқиқотида Муҳаййирни Муқимий, Фурқат, Завқий ва Нодим Намангонийлар қаторидаги шоир сифатида санаб ўтади¹. Лекин у Муҳаййирнинг туғилган ва вафот этган йиллари хусусида 1850–1920 йиллар деб янглиш маълумот беради².

Профессор А. Абдуғафуровнинг тадқиқотларида ҳам Муҳаййирга оид ўринлар учрайди. У ўша давр шоирлари ҳақида сўз юритар экан: «Муқимий, Фурқат, Завқий, шунингдек, Нодим, Муҳаййир, Нисбатлар ижодида мазмун ва талқин жиҳатидан бир-бирига яқин, вазн, қофия, радифлар эса бир хил бўлган ғазал, мухаммаслар анча-мунча учрайди...³», – деб тўғри таъкидлайди. Шунингдек, у Фурқатнинг «Сайдинг кўябер, сайёд» мусаддаси устида тўхталар экан, Муҳаййирнинг ҳам шу мусаддас таъсирида яратилган:

*Ёрим кўзига ўхшар оҳу кўзи, эй сайёд!
Раҳм айла, тузогиндан бечорани қил озод! –*

¹ Каримов Ғ. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари доктори... дисс. – Т., 1961. – Б. 4.

² Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. 1-том. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 354.

³ Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Т.: Фан, 1977. – Б. 17.

матласи билан бошланувчи ғазали мавжуд эканлигига эътиборни қаратади¹.

Профессор Э.Шодиев ҳам Нозил Хўжандийнинг «Зарбулмасал» асари топилганлиги ҳақидаги мақола-сида Муҳаййир номини зикр қилиб ўтади². Унинг маълумот беришича, баёз типидagi бу қўлэзма Муҳаййир қўли билан кўчирилган бўлиб, XIX асрнинг иккинчи ярмига оид. Баёзга турли шоирлар, хусусан, Муқимий, Завқий ва Муҳаййир шеърларидан намуналар киритилган. Э. Шодиев мазкур қўлэзманинг топилгани ҳақида хабар берар экан: «Қўкон шаҳридаги шахсий кутубхоналардан бирида Нозил Хўжандий «Зарбулмасал»ининг яна бир нодир нусхаси борлигини аниқладик...» деб жуда ноаниқ маълумот бериб ўтади.

Э.Шодиевнинг мақоласида сўз асосан баёздан жой олган Нозил Хўжандийнинг «Зарбулмасал» асари хусусида боради. Шунинг учун муаллиф ушбу қўлэзманинг Муҳаййир қўли билан кўчирилгани ва унда Муҳаййирнинг ҳам шеърлари мавжудлиги ҳақидаги ахборотдан бошқа ҳеч нарса демайди. Бу факт Муҳаййирнинг хат-тотлик фаолияти билан шуғулланганини кўрсатувчи яна бир ишончли далилдир.

Филология фанлари доктори М.Ҳамидова «Қўлэзма баёзлар – адабий манба» номли тадқиқотида XIX асрга оид баёзлар ҳақида сўз юритиб, айнан бизнинг мавзунимизга алоқадор шундай кузатишларни баён қилади: «...шоирлар ўз шеърлари ва ўзига яқин бўлган айрим шоирлар шеърларини узоқ вақт тўплаб, кейинчалик баёз ҳолига келтириб, Ўрта Осиё ва Шарққа хос бўлган анъанага қўра, буюк классикларнинг айрим шоҳ асар-

¹ Шу китоб, – Б. 134.

² Шодиев Э. Нозилнинг «Зарбулмасал» асари топилди // Адабий мерос. 1989 № 4 (50). – Б. 74-79.

ларини киритган ҳолда баёз тузганлар. Бу тип баёзлар бевосита шоир дунёқарашини ифодалайди. Чунки баёзнинг асосий қисми мазкур шоирнинг шеърларидан ташкил топади. Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 682–IV рақами билан сақланаётган баёз шоир Муҳаййир томонидан тўпланган бўлиб, фикримизни қўлёзманинг 20-б варағидаги Муҳаййир ғазалига қўйилган сарлавҳа ҳам исботлайди:

«Ушбу китобни таҳрир қилган шикаста қалам Муҳаййирнинг бадоеълари». Муҳаййир баёзга ўз шеърлари билан бир қаторда, Имод, Мавлоно Музаффар, Носир Бухорий, Убайд Зоконийларнинг ҳам шеърларини киритган. Демак, баёз шоир Муҳаййирнинг автографи бўлиши билан бирга, ундаги шеърлар шоирнинг ижтимоий дунёга бўлган муносабатини ҳам белгилайди»¹.

Шунингдек, Б. Абдуллаева ва Р. Ҳожиевалар ҳам тошбосма баёзлар ҳақидаги мақолаларида XX аср бошларида чоп этилган бир қанча баёзларда Муҳаййирнинг шеърлари мавжудлигини кўрсатиб ўтишган². Биз ушбу мақолаларда кўрсатилган ўнга яқин баёзни кўриб чиқдик. Дарҳақиқат, уларда Муҳаййирнинг шеърлари мавжудлигини аниқладик. Лекин бу баёзларда берилган шеърларнинг деярли ҳаммаси Муҳаййир девонида мавжуддир.

3. Муҳаййирга замондош шоирларнинг эътирофлари ва унинг ўз асарларида учраган маълумотлар.

Бу туркумга, аввало, Зокиржон Фурқатнинг Муқи-

¹ Ҳамидова М. Қўлёзма баёзлар – адабий манба. – Т.: Фан, 1981. – Б. 21-22.

² Абдуллаева Б. Тошбосма баёзларнинг илмий тавсифи // Адабий мерос. – 1989. № 4 (50) – Б. 37-44; Ҳожиева Р. Тошбосма баёзлар – ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда муҳим манба // Адабий мерос. 1988. № 1 (13). – Б. 87-96.

мий ва Завқийга ёзган мактубидаги Муҳаййир номи зикр этилган ўринларни киритиш лозим. Фурқат Тошкентдан Муқимийга ёзган мактубида жумладан шундай дейди:

*Салом, эй менга ёру ошнолар,
Қадрдонлар, замири пурзиёлар.
Муқимий, Ҳожи Муҳиддин, Завқий,
Муҳаййир – барча заккию расолар.
Фасоҳат гулшанида мисли булбул,
Навосанжу зиҳи наъмасаролар...¹*

Кўриниб турибдики, Зокиржон Фурқат Муҳаййирни ўз даврининг етакчи шоирлари – Муқимий, Муҳйи ва Завқийлар билан бир қаторда, жуда юксак эҳтиром билан зикр қилиб ўтган.

Фурқат чет элдан Завқийга ёзган мактубида ҳам Муҳаййирни энг яқин дўстлари қаторида санаб, жумладан шундай дейди:

*...Муҳйи, Муқимий, Нусрат, аҳбобимиз Муҳаййир,
Фурқат чекар қомуя чўх иштиёқ, Завқий².*

Зокиржон Фурқатнинг бу эътироф-йўқловлари Муҳаййирнинг давр адабий муҳитида эътиборли мавқега эга бўлганини кўрсатувчи далиллардан биридир.

А.Азизов Муҳаййир «Танланган шеърлар»ига ёзган сўзбошида Муҳаййирнинг шогирди, ЎзФА мухбир аъзоси Бокий (Абдулла Насриддинов)нинг бир шеърини келтириб ўтади. Унда жумладан шундай дейилади:

¹ Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. 2-том. – Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 110.

² Завқий. Танланган асарлар. – Т.: Ўзбекистон Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 103.

*Гарчи эрди ул Муҳаммадқул Муҳаййир қоп-қаро,
Шеър аҳлин оқсоқоли, барчага қўлдошдек.
Икки девонини кўрдим, кўрмадим девонининг
Ғайри девони Навоий, Лутфийга ўхшошдек...¹*

Бокийнинг Муҳаййирни «Шеър аҳлин оқсоқоли...» деб сифатлаши бежиз эмас. Унинг бу таърифини ёш маъносида тушуниш ҳам мумкин. Чунки Муҳаййир Қўқон адабий муҳитидаги XX аср бошларида таниқли бўлган шоирлар ичида ёши улуғларидан эди. Бизнингча, Бокийнинг ушбу таърифини шеър илмининг билимдонни маъносида тушунилса ҳам тўғрироқ бўлади. Чунки Муҳаййир ўз шеърларида бир неча ўринларда ўзининг шеър илмига моҳирлигини фахр билан айтади.

Муҳаййирнинг ўз ижодида ҳам унинг биографиясига оид баъзи маълумотлар учрайди. Масалан, шоир девони дебчасида шундай ёзади: «Расо назарлардин илтимос буким, агар каминани девонида баъзи ғазалларда нуксон зоҳир бўлса, маъзур тутгайлар. Чунки баъзиси ёшлик замонида ва баъзиси йигитлик давронида ва бир нечаси қарилиғ авонида ёзилғондур...»² Бу эътирофдан билинадики, шоир шеър ёзишни жуда ёш пайтлариданоқ бошлаган ва умрининг охиригача давом эттирган.

Шоир бир умр ёзиш, ўқиш билан машғул бўлган. Буни унинг ўзи таржима қилган «Салоти Масъудий» китобига ёзилган дебчасида ҳам қайд қилиб ўтади: «Лекин мунча ношойиста афъол ва нобойиста аҳвол бирла гоҳи китоб бирла умрум ўтуб, бир гўшада элдин канора тутар эрдим. Филжумла китобат химматидин форсий лафзларни туркий тилида ёзмокқа қодир ва туркий ка-

¹ Муҳаййир. Танланган шеърлар. Т.: Фан, 1967. – Б. 11.

² Муҳаййир. Девон. – В. 8.

лималарни форсий иборатиға табдил қилмоққа моҳир бўлдум...»¹.

4. Шоир набираларининг хотиралари. Бу туркумга Муҳаййирнинг кенжа ўғли Аҳмаджон буванинг ўғиллари – Холматжон Аҳмаджонов ва Иномжон Аҳмаджоновларнинг ўз оталаридан эшитган хотираларини киритдик.

Муҳаййир умрининг охирларида Эргаш кўрбоши кўлида котиб бўлиб хизмат қилганини набираларидан эшитганимизни ушбу фаслнинг бошида айтиб ўтдик. Яна уларнинг айтишича, Муқимий ва Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий Риштон томонларга келса, албатта Муҳаййирнинг уйига тушиб, уч-тўрт кун меҳмон бўлиб, кейин кетишар экан. Ҳатто, бир сафар Муқимий Муҳаййирни кига тушмай, бир қозининг уйига тушганда, Муҳаййир ундан аразлаб, анчагача гина сақлаб юрибди.

Гарчи юқорида айтилганлар тафсилотларсиз, умумий характердаги маълумотлар бўлса-да, шоир авлодларининг хотираси сифатида маълум аҳамиятга эга.

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг ҳаёт йўли, ижоди ҳақидаги маълумотлар яхши сақланмаган, айниқса, шоир ҳаётининг Бухорода ўтган ўн йиллик даври ҳақида умуман ҳеч қандай манба ва маълумот йўқ. Шоирнинг ҳаёти ва ижоди юзасидан қилинган ишларни умумлаштириб, куйидаги хулосаларга келинди:

- Муҳаййир 1842 йилда Қўқон шаҳрида туғилган;
- у отасидан бошланғич таълимни олиб, сўнг Қўқон мадрасаларида таҳсил кўргач, 1875-1885 йилларда Бухорода ўқийди;
- 1885 йилда Қўқонга қайтиб келади;
- 1886 йилда Риштоннинг Оқер қишлоғига кўчиб кетади ва умрининг охиригача ўша ерда яшайди;

¹ ЎзФАШИ Босма китоблар фонди. Инв. № 19111. – В. 4.

– Муҳаййир давр адабий муҳотида ўз овозига эга шоир эди. Унинг шоирлик маҳорати Фурқат, Муқимий ва Завқийлар тарафидан эътироф этилган;

– шоир ижоди ҳақида кўпгина ишлар амалга оширилган, лекин унинг ҳаёти ва ижодий меросини яхлит ҳолда қамраб олган ишлар қилинган эмас.

1.2. Шоир ижодий мероси манбалари ва уларнинг тадқиқи

Муҳаммадкул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида яшаб ўтган ижодкорлар ичида ижодий мероси нисбатан яхлит ҳолда етиб келган шоирлардан биридир. Шоирнинг ўз кўли билан кўчирилган девонининг икки нусхаси Давлат Адабиёт музейи ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланмоқда.

Улардан бири қоралама нусха бўлиб, 1897 (1315 ҳижрий) йилда кўчирилган, 162 варақдан иборат. Бу нусха 7493 инвентарь рақами остида ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланыпти. Унинг 1-10-варақларида «Қирқ ҳадис» таржимаси, 10-13-варақларида эса девон дебочаси берилган. 13-158-варақларда шоирнинг ғазал, мухаммас, мураббаъ, мусаддас ва рубойилари жойлашган. 158-162-варақларда девон хотимаси жойлашган. Қўлёзма Қўқон қоғозига сафсар рангли сиёҳ билан ўртача настаълиқ хатида ёзилган. Муқоваси қаттиқ яшил картондан ишланган. Ўлчовлари 16, 5X 25, 5см.

Девонда 400 та ғазал, 37 та мухаммас, 70 та рубойий, 2 та мусаддас, 2 муаммо, 2 таркиббанд ва 4 та мураббаъ бор.

Бу нусхани қоралама нусха дейишимизнинг сабаби шуки, ундаги ҳар бир радифли ғазалдан кейин бўш варақлар қолдирилган. Янги ёзилган ғазал кейинчалик ўша бўш жойга кўчириб қўйилган. Баъзи варақларда жой қолмаганидан ғазаллар ҳошияга ёзилган. Ғазалларнинг хати ҳам уларнинг турли вақтларда, турли ҳолатларда ёзилганини кўрсатади.

Девоннинг иккинчи нусхаси эса юқоридаги нусханинг оққа кўчирилган варианты бўлиб, 241-инвентарь рақами билан Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланыпти. Бу қўлёзма ҳижрий 1335 (мелодий 1917) йилда кўчирилган. 158 варақ. Новвотранг Кўкон қоғозига қора сиёҳ билан майда настаълиқ хатида битилган. Бу қўлёзманинг Муҳаййир девонининг оққа кўчирилган варианты эканлигини шундан аниқладикки, ундаги ғазаллар қатъий тартиб билан, ўз ўрнига ёзилган. Бирор-бир ғазал ҳошияга битилмаган. Қоралама нусхадаги баъзи хатолар тузатилган. Бунда 400 та ғазал (Шундан 77 таси форсча), 36 та мухаммас (шундан 17 таси форсча), 71 та рубоий, 2 та мусаддас, 2 та муаммо, 4 та мураббаъ, 1 та таржеъбанд, 1 та таркиббанд мавжуд. Қўлёзманинг 1-3-варақларидан девон дебачаси, 4-7-варақлардан «Қирқ ҳадис» нинг таржимаси, 8-158-варақлардан эса шеърый асарлар ўрин олган.

Муҳаййир асарларининг яна бир ноёб манбаси унинг ўз қўли билан ёзилган баёздир. У 1893 (1311 ҳижрий) йилда кўчирилган бўлиб, 190 варақдан иборат. Баёзнинг 20-59-варақларида Муҳаййирнинг шеърлари берилган, 10-20-варақлардан «Қирқ ҳадис» таржимаси ўрин олган. Бу баёзнинг Муҳаййир қўли билан кўчирилганлигига қўлёзманинг 20-варағидаги биринчи ғазал тепасига ёзилган қуйидаги жумлалар ҳужжатдир: «Ушбу китобни таҳрир қилғон (яъни кўчирган – А.Д.) шикаста

калам Муҳаййирнинг бадоеълари». Шуни айтиб ўтиш керакки, шоир девони нусхаларида уларни Муҳаййирнинг ўз қўли билан кўчирилганлиги ҳақидаги маълумот учрамайди. Биз ушбу баёзда ёзилган жумлага суяниб, унинг хатини девон нусхаларига солиштирганимизда, уларнинг ҳаммасини бир киши, яъни шоирнинг ўзи кўчиргани маълум бўлди.

Баёзнинг кейинги бетларида Носир Бухорий, Хусрав Дехлавий, Жомий, Рожий, Муҳйи, Хислат каби шоирларнинг шеърлари берилган.

Изланишларимиз давомида Алишер Навоийнинг бир терма девонини ҳам Муҳаййир ўз қўли билан кўчиргани маълум бўлди. Бу қўлёзма 226-инвентарь рақами билан Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейида сақланмоқда. Девон охирида хаттотнинг қўйидаги сўзлари мавжуд: «Тамом ёфт ин нусхаи шарифи девони латифи мунтахаб, таснифи орифи комил ва мукаммал Мир Алишер Навоий лақаби Навоий – қуддиса сирруху – бадасти каминаи камтарин Мулло Муҳаммадқули ибн Мулло Муҳаммадрасул... Бар замойири аҳли дониш хофий ва сатир мабодки, ҳар сахве ва хатое дар хомаи нисён рафта бошад, бамувофиқи ояти карима:

رَبَّنَا لَا تُؤَاخِذْنَا إِنْ نَسِينَا أَوْ أَخْطَأْنَا

амал намуда, басатру афву карам онро пўшанд ва ҳар нуқсон ва нисёне, ки дар ин мусаввада бавужуд омад, бақалами таҳрир-ро дар тасҳиҳи он пўшанд. Зероки, хо-тири башарий холий нест аз сояи нуқс».¹

Таржимаси: «Орифи комил ва мукаммал Навоий лақабли Мир Алишер – унинг сирри муқаддас бўлсин – таснифи бўлмиш латиф танланган девоннинг ушбу ша-

¹ Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди, Инв. №226. – В. 176.

риф нусхаси каминаи камтарин Мулло Муҳаммадкул ибн Мулло Муҳаммадрасул қўли билан итмомига етди. Дониш аҳлининг замирларидан махфий ва яширин эмаски, «Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама!» ояти қаримасига мувофиқ, унутиш қаламидан юзага келган ҳар қандай саҳву хато афву қарам билан ёпишга, яъни кечирришга лойиқдир. Ва ушбу мусаввадада мавжуд бўлган ҳар қандай нуқсон ва камчиликни таҳрир қалами билан тўғрилашга ҳаракат қилсинлар. Зероки, инсон хотири нуқсон соясидан холи эмасдир».

Алишер Навоийнинг ушбу танланган девони чиройли настаълик хатида 1870 йилда кўчирилган. Девон «Ашрақат...» ғазали билан бошланган, 177 варак. Матн ўлчови 9,5x20. Қўлёзма ўлчови – 15x26. Девондан 537 ғазал, 2 та мустазод, 2 та мусаддас, 5 та мухаммас, 3 та таржеъбанд, 8 та қитъа, 80 та рубоий ва 10 та туюқ ўрин олган. Қўлёзмадаги ғазалларнинг баъзиларига қора қаламда белгилар кўйилган. Шунга асосан биз Муҳаййир бу девонни ўзи ўқиб, фойдаланиши учун кўчирган бўлса керак, деган хулосага келдик.

Бу девоннинг хатини ҳам Муҳаййир девони нусхаларига солиштирганимизда, уларнинг ҳаммаси битта дастхат билан ёзилгани маълум бўлди. Мана шу қатъий ва ишончли далилларга асосланиб туриб, биз Муҳаййир девони нусхалари шоирнинг ўз қўли билан кўчирилганини айтдик.

Биз Алишер Навоий девонининг Муҳаййир тарафидан кўчирилганини заҳматкаш олим М.Ҳақимовнинг «Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» китобидаги котиблар исмлари кўрсаткичи ёрдамида аниқладик¹.

¹ Ҳақимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. – Т.: Фан, 1983. – Б. 188-189.

Эҳтимол, Муҳаййирнинг хаттотлик фаолияти ўз девонининг икки нусхаси, иккита баёз ва Алишер Навоий девонини кўчириш билангина чекланган эмасдир. Мамлакатимиз китоб фондларида ва халқимиз кўлида сақланаётган нодир қўлёзмалар ичида Муҳаййир қўли билан кўчирилган асарлар ҳам бўлса, ажаб эмас.

Биз тадқиқотимиз учун Муҳаййир девонининг Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондида 241-инвентарь рақами остида сақланаётган дастхат нусхасини асос қилиб олдик. Ушбу нусхани таянч нусха қилиб олишимизга, аввало, унинг шоир умрининг охирларида кўчирилгани, ниҳоят даражада яхши сақланганлиги, хатининг жуда чиройли эканлиги ва тузатишларнинг камлиги асос бўлди. Шунингдек, зарур ўринларда девоннинг Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзма асарлар фондида 7493-инвентарь рақами остида сақланаётган нусхасига ҳам муносабат қилдик.

Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фондидаги 241-инвентарь рақамли қўлёзмининг, яъни биз таянч нусха қилиб олган нусханинг тавсифи: Матн ўлчови 9x17, қўлёзма ўлчови 13x22. Қорасиёҳда майда настаълиқ хати билан кўчирилган. Баъзи варақларнинг ҳошиясида асосий матнга тузатишлар қилинган. Тузатишлар – муаллифники. Пойгир кўйиб борилган. Муқоваси қаттиқ картондан, 158 варақдан иборат. Ҳижрий 1335 (мелодий 1917) йилда кўчирилган. Китоб жуда яхши сақланган. Ҳамма варақлари бутун. Ҳеч қаери таъмирланмаган.

Шунингдек, ўтган аср бошларида чоп этилган бир неча тошбосма баёзларда ҳам Муҳаййир шеърлари мавжудлигини аниқладик. Лекин бу баёзларга кирган шеърини асарларнинг деярли ҳаммаси шоир девонида мавжуддир.

Муҳаййир «Салоти Масъудий» номли фикҳ илмига оид китобни форс тилидан туркийга ўгирган. Бу мўътабар китоб Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандий қаламига мансуб бўлиб, XV асрда ёзилган. У шариатда мавжуд бўлган барча масалаларни ўз ичига олган. Китоб 1906 йилда Тошкентда чоп этилган. Биз бу таржима хусусида ишимизнинг учинчи бобида батафсил тўхталамиз. Шуни айтиб ўтиш лозимки, Муҳаййир бу китоб таржимасига батафсил дебоча ва хотима ёзган. Дебоча ва хотима назм ва насрда битилган бўлиб, мутаржим бу китобни таржима қилишга ундаган сабабларга тўхталиб ўтади. Бу дебоча ва хотима ҳам Муҳаййирнинг шеърий ва насрий услубини ўзида акс эттирган манбалар сифатида маълум аҳамиятга эга.

Биз изланишларимиз давомида аниқланган Муҳаййир асарларининг манбаларини аҳамиятига кўра қуйидагича тартибладик:

1. Шоирнинг «Девон» и;
2. «Девон» нинг қоралама нусхаси;
3. Муҳаййир қўли билан кўчирилган ва аксарият унинг шеърларидан тузилган баёз;
4. Муҳаййир шеърлари мавжуд бўлган тошбосма баёзлар;
5. «Салоти Масъудий» таржимасига ёзилган дебоча ва хотима.

Муҳаййир ижодий меросининг манбалари хусусида гапирганда, аввало унинг ўзи кўчирган «Девон» ининг фавқулодда аҳамиятини таъкидлаб ўтиш жоиз. Матн-шунослик илмида ҳар қандай асарнинг муаллиф қўли билан ёзилган нусхаси энг ишончли манба бўлиши таъкидланган. Худди шу нуқтаи назардан олганда, биз бирламчи манбалар билан ишлашга муваффақ бўлганимизни айтиб ўтишимиз керак.

Маълумки, анъанавий девон тузиш тартибларига кўра олдин алифбо тартибида ғазаллар, ундан кейин эса бошқа турдаги шеърлар – мухаммас, мурабба, мусаддас, мустазод ва ҳоказолар келади. Муҳаййир девонида бу тартиб бир оз ўзгарган. Унда олдин ғазаллар, ҳар бир ҳарф билан тугаган ғазаллардан кейин эса шу ҳарф билан тугалланган мухаммас, мусаддас ва мураббаълар жойлашган. Рубойилар ҳаммаси девон охирида берилган.

Муҳаййир девонидаги жами 323 та ўзбекча ғазалнинг алифбо тартибида жойлашиши ва уларнинг умумий сони қуйидагичадир:

| | |
|----------------|----------------|
| ا – 24 та | ط – 2 та |
| ب ва پ – 21 та | ظ – 1 та |
| ت – 12 та | ع – 5 та |
| ث – 2 та | غ – 10 та |
| ج – 3 та | ف – 4 та |
| ح – 2 та | ق – 11 та |
| خ – 4 та | ك ва گ – 10 та |
| د – 8 та | ل – 8 та |
| ذ – 1 та | م – 21 та |
| ر – 36 та | ن – 23 та |
| ز – 11 та | و – 6 та |
| س – 12 та | ه – 34 та |
| ش – 7 та | ى – 32 та |
| ص – 1 та | |
| ض – 3 та | |

Изоҳ: Муҳаййир араб алифбосида битта ҳарф билан ифодаланадиган «б» ва «п», «к» ва «г», «в» ва «у» ҳамда «и» ва «й» ҳарфлари билан тугаган ғазалларни бир-биридан ажратмасдан, аралаш ҳолда жойлаштирган.

Муҳаййир девонидаги ғазаллар байтларининг сони-
га кўра куйидагичадир:

- 6 байтли ғазаллар – 5 та
- 7 байтли ғазаллар – 111 та
- 8 байтли ғазаллар – 64 та
- 9 байтли ғазаллар – 84 та
- 10 байтли ғазаллар – 30 та
- 11 байтли ғазаллар – 20 та
- 12 байтли ғазал – 1 та
- 13 байтли ғазаллар – 3 та
- 14 байтли ғазал – 1 та
- 15 байтли ғазаллар – 2 та
- 17 байтли ғазал – 1 та
- 24 байтли ғазал – 1 та

Кўриниб турибдики, Муҳаййирнинг аксар ғазаллари 7 ва 9 байтlidir. Мумтоз адабиётда Навоий ва бошқа шоирлар ғазалларининг кўп қисми 7 ва 9 байтдан иборат бўлгани қайд қилинган¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, Муҳаййир девонининг оққа кўчирилган нусхаси мавжуд эканлиги девон қоралмасининг аҳамиятини бутунлай йўқотмайди. Чунки ҳар икки нусхада маълум фарқлар мавжуд бўлиб, улар девоннинг илмий-танқидий матнини тузишда асқотади. Биз икки нусхани солиштириб чиқиб, шундай хулосага келдикки, ҳар икки нусханинг ҳажмида катта фарқлар мавжуд бўлмаса-да, баъзи тафовутлар бор. Масалан, А нусхада (бундан кейин девоннинг оққа кўчирилган нусхасини шартли равишда шундай атаймиз) «Гул очилди, ғунча кулди, бўлди хуррам боғлар...» деб бошланувчи ғазал йўқ, Б нусхада (девоннинг қоралама нусхасини бундан кейин шартли равишда шундай деймиз) эса бу ғазал мавжуд. Б нусхада «Ҳар гадоеким, жаҳонда бир

¹ Қаранг: Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – Б. 52-53.

мувофиқ ёри бор...» деб бошланувчи Навоий ғазалига боғланган мухаммас мавжуд, А нусхада эса бу мухаммас йўқ. Ва, аксинча, А нусхада мавжуд бўлган икки ғазал, яъни «Худовандеки, айлар абр дудидин шарар пайдо...» ва «Не сонёсанки, айлаб қудратинг арзу само пайдо...» мисралари билан бошланувчи ғазаллар Б нусхасида мавжуд эмаслиги аниқланди. Шунингдек, шоир А нусхага ғазалларни кўчириб ёзиш жараёнида баъзи ўзгартиришлар киритган, хатоларни тузатган. Масалан, Б нусхада баҳор васфида ёзилган мураббанинг такрорланувчи тўртинчи мисраси «Қил иноят, эй бегим, лутфу тараххум чоғидур» деб берилган. А нусхада эса шу мисра шоир тарафидан «Қил иноят, эй бегим, лутфу муруват чоғидур» деб ўзгартирилган. Бизнингча, бу ўзгартириш жуда ўринли бўлган, чунки тараххум (рахм) лутфгача қилинади, лутфдан кейин эмас, лутфдан кейинги босқич эса муруват этишдир. Чунки дунёда ҳамма нарса пояма-поя, босқичма-босқич юз беради. Ва яна мисра бошидаги «иноят» сўзига ҳам «тараххум»дан кўра «муруват» сўзининг муносабати кўпроқдир. Муҳаййир девонни оққа кўчириш жараёнида мана шу дақиқ фарқни илғай билган ва, бизнингча, жуда ўринли тузатиш киритган.

Баъзи бир хатолар оққа кўчириш жараёнида тузатилган. Масалан, Б нусхада:

*Қиё боқиб кўз учи зор айладингиз,
Асиру шефтау беқарор айладингиз, –*

байтидаги тушиб қолган сўз А нусхада ёзилиб, қуйидагича тузатилган:

*Қиё боқиб кўз учи **бирла** зор айладингиз,
Асиру шефтау беқарор айладингиз.*

Бунга ўхшаш фарқлар ҳар икки нусхада кўплаб учрайди. Ҳар икки нусха бирга олинган тақдирда уларнинг илмий қиймати янада ошади. Ва, энг муҳими, шоир асарларининг илмий-танқидий матнини тузишга асос бўлиб хизмат қилади.

Муҳаййир асарларининг яна бир нодир манбаси шоирнинг ўз қўли билан кўчирилган баёздир. Бу баёзда мавжуд бўлган шеърларнинг ҳам деярли ҳаммаси девонда мавжуддир. Баёздаги фақат битта «Ёғасен» радифли юмористик ғазал девоннинг ҳар икки нусхасида ҳам учрамади. Бу ғазал 1960 йилда нашр этилган «Ўзбек адабиёти» хрестоматиясининг тўртинчи томи, биринчи китобига киритилган¹. Қолган барча ғазаллар девонда мавжуд бўлган ғазаллардир. Бу баёзнинг яна бир ўзига хос жиҳати шуки, Муҳаййир таълиф қилган «Арбаин»га асос бўлган ҳадисларнинг форсча таржимаси фақат шу баёздагина келтирилган. Девон нусхаларида эса ҳадисларнинг форсий матни йўқ. Бу баёзда ҳадисларнинг аввал арабча асл матни, сўнг форс тилига Муҳаммад Пуруний томонидан қилинган таржимаси, сўнг эса Муҳаййирнинг ўзбек тилига қилган таржимаси келтирилган. Муҳаййир шеърини йўлда таржима қилган ҳадисларни форсчасига солиштиришимизда мана шу баёз биз учун ягона манба бўлди. Биз бу ҳақда ишимизнинг учинчи бобида батафсил тўхталиб ўтамиз. Бу баёз ҳам Муҳаййир асарларининг мукамал нашрини тайёрлашда ёрдамчи манба вазифасини бажариши мумкин.

Маълумки, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида юртимизда кўплаб баёзлар литография усулида чоп этилган. Бу баёзларнинг тузилиши турлича бўлган. Баъзилари битта шоирнинг шеърларидан ташкил топ-

¹ Қаранг: Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: ЎзССР Давлат Бадиий Адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 210.

ган бўлса, баъзилари кўплаб шоирларнинг шеърларини ўзида жамлаган. Бу баёзлар кўпроқ баёз тузувчининг таъбини намоён этган. Литография, яъни тошбосма усулида китоб нашр этила бошланиши билан қўлёзма мажмуалар тузиш ўз аҳамиятини йўқота бошлади. Биз ўша даврда чоп этилган бир неча баёзларга Муҳаййирнинг шеърлари ҳам киритилганини аниқладик. Муҳаййир шеърларидан намуналар берилган 16 та баёзни кўриб чиқдик¹. Бу баёзларда нашр этилган шеърларни Муҳаййир девонига солиштирганимизда, уларнинг деярли барчаси девонда мавжудлиги маълум бўлди. Лекин 665-инвентарь рақами остидаги баёзда Муҳаййирнинг Хислат ғазалига мухаммаси нашр этилган. Бу мухаммас девоннинг ҳар икки нусхасида ҳам, Муҳаййирнинг ўзи тузган қўлёзма баёзда ҳам мавжуд эмас. Мухаммаснинг тепасига «Мухаммаси Муҳаййир бар ғазали Хислат эшон» деб сарлавҳа қўйилган. Мухаммаснинг дастлабки банди қуйидагидир:

*Фигонким, оқибат агёр ёримдин аюрдилар,
Лаби майгун, жамоли лозоримдин аюрдилар,
Даҳони гунча, зулфи мушкборимдин аюрдилар,
На деб қон йигламай, ё Раб, нигоримдин аюрдилар,
Суманбар, сарв қад, кўзи хуморимдин аюрдилар.*

Бу факт ҳам тошбосма баёзларнинг Муҳаййир асарларининг манбаси сифатида маълум аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

1907 йилда Тошкентдаги Ғуломжон Орифжонов матбаасида «Баёзи Мулла Ўтаб» номли шеърлар мажмуаси чоп этилади. Бу мажмуага Абдурахмон Жомий, Лутфий,

¹ ЎзФА Шарқшунослик институти босма китоблар фонди. Инв. № 170, 2407, 3929, 2853, 4029, 333, 3980, 12555, 665, 334, 346, 310, 10184, 325, 2561, 347,

Фузулий, Амирий, Мунис, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Мухйи, Мухаййир, Камий ва бошқа шоирларнинг шеърларидан намуналар киритилган¹. Шу китоб муносабати билан «Туркистон вилоятининг газети»да Иброҳим Давроннинг «Ташоир масаласи» деб номланган мақоласи эълон қилинган. Мақола газетанинг 1908 йилги 47-сонида чоп этилган. Мақоланинг номланишидаёқ муаллифнинг салбий муносабати билиниб турибди. «Ташоир» сўзи араб тили морфологиясидаги «тафоул» бобидан бўлиб, сўз бу бобга кўчирилиши билан ўзида йўқ бўлган сифатни бор қилиб кўрсатиш маъносини беради². Демак, «Ташоир масаласи»нинг маъноси «Ўзини шоирликка олувчилар масаласи» ёки «Ўзини шоир деб билувчилар масаласи» дегани бўлади. Ушбу мақолада баёздаги шеърлар ва уларнинг муаллифларига нисбатан жуда кескин муносабат билдирилади. Хусусан, баёздаги шеърлардаги «май», «шароб», «майхона», «соқий», «ёр», «дилдор» каби истилохларни рўқач қилиб, муаллифларни шаробхўрлик ва ахлоқсизликни ташвиқ қиладиган, халқни йўлдан оздирадиган бузгунчилар, уларнинг шеърларини эса «...Сафсатагўйлар оғзидан муболағалашиб мавж урган беҳуда кўпиклардир»³, – деб қаттиқ танқид-ҳажв остига олинади. Мақоладаги асосий зарба Муқимий, Мухаййир ва Камийларга қаратилган эди. Маълумки, бу вақтда Муқимий вафот этган, шундай бўлса ҳам мақола муаллифи унинг шаънига анча ноҳақ гапларни ёзади.

Мусулмон Шарқда шоирлар устидаги баҳс жуда қадимдан мавжуд. Бу баҳслар кўпроқ Куръони Каримнинг

¹ ЎзФАШИ. Босма китоблар фонди. Инв.№333.

² Жаноҳ ут-толиб. Араб тили сарф фанидан дарслик. – Т.: Мовароуннаҳр, 2004. – Б. 32.

³ Туркистон вилоятининг газети, 1908 йил. 47-сон.

«Шоирларга йўлдан озганлар эргашур...»¹ деб бошланувчи ояти каримасини нотўғри тушуниш ва бузиб талқин қилиш туфайли юзага келган.

Ҳамма шоирларни бирдек мазаммат қилувчилар шоирларга оид оятларнинг бош қисмини маҳкам ушлаб, давомидаги оятларга эътибор бермайдиган кишилардир.

Муҳаййир шоирлар ҳақидаги мунозара хусусида ўзи таржима қилган «Салоти Масъудий» китобига ёзган дебочада ҳам қисман тўхталиб ўтади. Унда шоир бир дўстининг тилидан шундай деб ёзади: «Бир кун бир дўстким, киши анинг жисмидаги жон деса бўлғай айдики: «Эй шеър бобида сўз нуктапардози, агарчи сенинг жонфизо шеърингдин аҳли ҳолға завқ ва шавқ етар ва лекин қол аҳлиға (зоҳирга қараб баҳо берувчиларга – А.Д.) онча мақбул ва дилпазир тушмагай. Алар шеърни ва шуарони «Ашшуароу яттабиъухумул ғовун...» («Шоирларга йўлдан озганлар эргашур...» – А. Д.) мазмуни била ҳақир санарлар. Оят истисносидин хабарлари йўқтур...»²

Бу сатрлар Иброҳим Давроннинг мақоласи чиқишидан йигирма икки йил аввал, яъни 1886 йилда битилган эди. Демак, ўша йилларда ҳам шоирларга муносабат масаласи кун тартибидаги жиддий масалалардан бири бўлган.

Шоирларни даъво аҳли деб қараш, худбинлик ва

¹ Шоирлар ҳақидаги оятларнинг тўлиқ шакли: «Шоирларга йўлдан озганлар эргашур. Уларнинг (сўз водийларидан) хар водийда дайдишларини (яъни ўзларига ёқиб қолган энг тубан кимса ё нарсаларни ҳам кўкка кўтариб, ёқтирмаганларини тупроққа коришларини) ва ўзлари қилмайдиган нарсаларни айтишларини кўрмадингизми?! Магар иймон келтирган ва яхши амаллар қилган ҳамда доим Оллоҳни ёдда тутган ва (илгари) мазлум бўлганларидан кейин (Ислом зафар топгач) ғолиб бўлган кишилар (яъни шоирлар) йўлдан оздиргувчи эмаслар. Золим кимсалар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб қолурлар». Шуаро сураси. 224-227-оятлар. Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 340.

² ЎзФАШИ. Тошбосма китоблар фонди. Инв. № 19111. – В. 5.

мақтанчоқликни касб қилиб олганлар, деб муносабатда бўлиш қадимдан бор. Шунинг учун улуғ мутасаввифлар, авлиёлар ўз ҳолатларини элдан шоирлик номи билан яширганлар. Бу жумлага Фаридиддин Аттор, Ҳофиз Шерозий ва Абдурахмон Жомий каби улуғ адибларни киритиш мумкин. Алишер Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин»да Жомийнинг илми ботин – тасаввуфдаги ҳолатини яшириш учун олимлик ва шоирлик қилгани ҳақида шундай ёзади: «Аммо толиби илмлик ва шоирлик суратидаким, бу шариф илм (яъни тасаввуф – А. Д.) сатр ва китмониға бу икки ишдек (шоирлик ва олимликдек – А. Д.) парда мумкин эрмас топилмоқ, невчунким дарвешлик фано касбидур, балки фанойи маҳздур ва бу икки иш (шоирлик ва олимлик – А. Д.) маҳз даъвою жадал ва анонияту худписандлиқдур»¹.

Хуллас, шоирларга салбий муносабатда бўлиш узоқ тарихга эга бўлиб, биз ўрганаётган давримиз XIX аср охири ва XX аср бошларида ҳам бу муаммо кун тартибида турган. Нафақат кун тартибида турган, балки янада долзарблашган, кескинлашган эди. Адабиётимиз тарихида Убайдулло Завқий ва Тошкент муфтийси Мақсудхўжа ўртасида 1916 йилда «Ал-ислоҳ» журнали орқали бўлиб ўтган кескин мунозаралар ҳам маълум. Шу баҳс-мунозараларнинг маҳсули ўлароқ, Завқийнинг «Афандилар» номли ҳажвий шеъри ёзилади. Завқий ушбу шеъри билан бу масалага ўз даври учун нуқта қўяди. Лекин Иброҳим Даврон ва Муҳаййирнинг мунозараси бундан анча олдин, 8-9 йилча илгари бўлиб ўтган.

Иброҳим Давроннинг Муқимийдек адаб ва андиша соҳиби бўлган назм устозини, Камийдек дарвеш шоирни, Муҳаййирдек фақиҳ ва олим шоирни ғайри шаръий

¹ Алишер Навоий. МАТ. Йигирма томлик. Ўн бешинчи том. – Т.: Фан, 1999. – Б. 12.

шеърлар ёзади, деб айблаши мутлақо асоссиз, янада аниқроғи, тухмат эди.

Иброҳим Давроннинг ушбу мақоласи муносабати билан Муҳаййир ҳам жуда кескин мазмунда жавоб мақоласи ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»га жўнатади. Мақола газетанинг 1909 йил биринчи январдаги дастлабки сониди босилиб чиқади. Муҳаййир ўз жавобида Иброҳим Давронни шеърдаги мажозий мазмунни тушунмасликда айблади, уни халқ мазамматидан тилини тиймайдиган, «муддаийи ғалаткор», яъни «хато қилувчи даъвогар» деб атади. Унда жумладан шундай сўзларни ўқиймиз: «Ушбу 1908 йилда газетангизга дарж бўлгон Хўқанд Даврон (Иброҳим Давроннинг тахаллуси – А.Д.) сўзини хўб бошдин-оёқ ўқуб билдимки, у мусулмонияни ҳамма мазҳаб аҳлидин паст даражага ташлаб ярамас ва на хўб ишларга нисбат берибдур... Яқин фурсатда Хўқанд Даврон деб ёзган муддаийи ғалаткор 47-газетда (47-сонда демоқчи – А.Д.) Сизни (Камийни, хат Каримбек Камийга адресланган – А.Д.) «шаробдин сўзлайдур» деб ва бизни «Муғаййир» деб ва бошқаларга ҳар қайдоқ таън қилгон экан. Кўрган замон газетхона мирзосиға бир қоғоз юбориб эрдим. Тегдиму ё тегмадиму, маълум бўлгон йўқ. Ушбуни сизга юбордимки, газетга жойландурсангиз»¹.

Мактуб мазмунидан маълум бўляптики, Иброҳим Давроннинг мақоласи чоп этилиши биланок Муҳаййир унга жавобан мақола ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»га юборади. Бу мақоланинг тақдири номаълум бўлиб қолгач, Муҳаййир икинчи марта хат ёзиб, ўша вақтда газетда хизмат қилиб турган Каримбек Камийга жўнатади².

¹ Туркистон вилоятининг газети», 1909 йил, 1-сон.

² Бу мақола ҳақидаги маълумотни бизга тақдим қилган Олим Тўлабоевга миннатдорчилик билдирамыз – А. Д.

Бу факт Муҳаййирнинг чет бир қишлоқда яшаса ҳам ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларга ўз муносабатини билдириб турганини, вақтли матбуот саҳифаларини кузатиб борганини билдиради.

Муҳаййир асарларининг манбалари юзасидан олиб борилган кузатишларимиз натижаларини қуйидагича хулосалаш мумкин:

– Муҳаййир шеърлари ҳажм жиҳатидан анча салмоқли бўлиб, ўн бир минг мисрадан кўпни ташкил этади;

– Муҳаййир шеърлари унинг ўз қўли билан ёзилган манбаларда (девон нусхаларида ва қўлёзма баёзида), шунингдек, тошбосма баёзларда сақланмоқда;

– бу манбалар Муҳаййир асарларининг илмий-танқидий матнини тузиш учун етарли асос бўла олади;

– унинг хаттотлик фаолияти ҳам эътиборга лойиқ. Ҳозирча бизга Муҳаййир дастхати билан кўчирилган бешта китоб (ўз девонининг икки нусхаси, қўлёзма баёзи, Алишер Навоий девони ва Нозил Хўжандийнинг «Зарбулмасал» асари) маълум бўлди. Мамлакатимиз қўлёзма фонларида ва халқимиз қўлидаги қўлёзмалар ичида Муҳаййир дастхати билан кўчирилган бошқа китоблар ҳам бўлиши мумкин;

– Муҳаййир XX аср бошларидаги вақтли матбуот саҳифаларида ҳам қатнашган. Ўша даврга оид газета ва журналларда Муҳаййирнинг ҳозирча бизга маълум бўлмаган мақолалари ҳам бўлиши эҳтимоли бор.

Соҳиби девон шоир бўлган ва девони бизгача тўлиқ ҳолда етиб келган Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир асарларининг мукамал нашрини тайёрлаш адабиётшунослигимиз ва манбашунослигимиз олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

II БОБ. МУҲАЙИР ЛИРИКАСИНИНГ МАВЗУ МУНДАРИЖАСИ ВА БАДИИЯТИ

2.1. Муҳаййир ижодининг мавзу кўлами

XIX аср охири ва XX асрнинг бошларида яшаб ўтган Кўқон адабий муҳитидаги шоирлар, хусусан, Муқимий, Фурқат ва Завқийлар ижоди мавзулар кўламининг ранг-баранглиги билан характерланади¹. Улар ижодида диний руҳдаги шеърлардан тортиб, сайлов можароларини тасвирлаган асарларгача, ишқий мавзудаги лирик шеърлардан тортиб, печка, фонус, коляска ва пашша ҳақидаги юмористик асарларгача учратиш мумкин. Зокиржон Фурқат эса рус-япон урушию афғон халқининг инглизларга қарши олиб борган миллий озодлик ҳаракатини ҳам назардан четда қолдирмайди.

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир уларга даврдош ва сафдош шоир эди, бинобарин, Муҳаййир

¹ Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980; Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира. – Т.: Фан, 1961; Шу муаллиф. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976; Шу муаллиф. Зокиржон Фурқат. – Т.: Фан, 1977; Жалолов А. Ўзбек маърифатпарвар демократик адабиёти (1905 – 1917 йиллар). – Т.: Фан, 1978; Каримов Ф. Ўзбек демократ шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти. Филол. фанлари доктори... дисс. – Т., 1961; Шу муаллиф. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1987; Раззоқов Ҳ. Завқийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1953; Тожибоев Р. Шуаро назмида Худоёрхон тақдири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1994. 22 апр; Шу муаллиф Андижон зилзиласи Кўқон шоирлари назмида. // Адабий мерос – 1998. №3–4. – Б. 68–73; Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.: Шарк, 1995; Қосимов Б. Излай – излай топганим. Рисола. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983 ва бошқалар.

ижодининг мавзу доираси ҳам бу шоирлар ижодининг мавзу доираси билан бирмунча муштарак жиҳатларга эга. Муҳаййир Муқимий, Завқий ва Фурқатлар билан доимий ижодий муносабатда бўлган, уларнинг ғазалларига мухаммаслар боғлаган, назиралар қилган. Муҳаййир ҳам улар каби ижтимоий ҳаётда рўй бераётган воқеаларга ўзининг ижодий муносабатини билдириб турган.

Муҳаййирнинг шеърларини шартли равишда куйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ишқий;
2. Ахлоқий-маърифий;
3. Диний (қисман тасаввуфий);
4. Ижтимоий мазмундаги шеърлар.

Муҳаййир, юқорида айтиб ўтганимиздек, сиёсий бўҳронлар кучайган, халқнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётида кескин ўзгаришлар рўй бераётган бир даврда яшаб ўтди. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошлари халқимиз ҳаётидаги энг изтиробли даврлардан бири бўлди. Албатта, бу ҳодисалар Муҳаййир ижодига таъсир қилмасдан қолмади. Унинг ижодида ижтимоий-сиёсий воқеаларга муносабат, Муқимий ва Фурқатлар даражасида фаол бўлмаса ҳам, муайян даражада мавжуд эди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, Муҳаййир умрининг кейинги ўттиз йилдан кўпроқ қисми саноат ва маданият марказларидан йироқ бўлган чекка бир қишлоқда ўтганидир. Иккинчидан, шоирнинг Оқерда диний хизмат билан машғуллиги (у Оқердаги Жомеъ масжидида имомлик қилган) бўлди. Лекин биз Муҳаййир ижодини кузатиб, унинг рўй бераётган воқеаларнинг моҳиятини зийраклик билан кўра олганига, уларга аниқ баҳо берганига ишонч ҳосил қилдик. Ғазаларидан бирини Муҳаййир шундай байт билан якунлайди:

*Нотавон, мискин Муҳаййир, қил Бухоро сори азм,
Рӯсиё давринда ўлгунча қариндош олдиди ¹.*

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Муҳаййир 1875 йилда Бухорога ўқиш учун кетади. Ўн йил Бухорода таҳсил олгач, 1885 йилда Қўқонга қайтади. Ўтган ўн йил ичида жуда кўп воқеалар юз берган, Қўқон хонлигига қарашли ерларни чор Россияси тўлиқ босиб олган, мустамлака сиёсатининг излари ҳамма соҳада сезилар эди. Шоир она юртининг истилочилар эгаллагандан кейинги ҳолатини кўриб, юқоридаги ҳасратли мисраларни битганлиги аниқ. Қуйидаги байтларда ҳам Муҳаййир ўз юртида аҳли фазлнинг хор бўлаётганидан, пасткаш ва жоҳил одамларнинг иззат-мартаба топиб бораётганидан сиқилади, сўзнинг қадрига етадиган заршунослар қолмаётганидан таассуф чекади:

*Бу нечук даврки, бир жоҳили мумсик қадри
Ақлу ҳушу хираду фазлу ҳунардин ўтадур.
Қани ул оқилу доно, суҳан саррофи
Ки суҳан қадри анга ганжу гуҳардин ўтадур...²*

*Муҳаййир, фазлдин дам урма, дун бўл истасанг дунё,
Ки дунлар давлатини боиси гардуни дун бўлди³.*

Муҳаййир ўз шеърларида инсонни улуғлайди, унинг дунёдаги жонзотлар ичида энг муқаррам, энг азиз хилқат эканини таъкидлайди:

*Ўзга гулларни иси ҳар нечаким жонбахидур,
Барчасидин руҳпарварроқ эрур инсон иси⁴.*

¹ Девон. – В. 16.

² Девон. – В. 51.

³ Девон. – В. 136.

⁴ Девон. – В. 139.

«Коинот гултожи инсондир азал...» деб ёзган эди бир шеърида Абдулла Орипов. Дарҳақиқат, Худо инсонни ўзининг ер юзидаги халифаси қилди, унга маърифат чироғини бериб, икки дунё саодатига эришиш йўлларини кўрсатди. «Жаҳон боғи»да «навъи инсон»ни улуғлаган Муҳаййир ўз шеърларидан бирида шундай дейди:

*Бир чамандур бу жаҳонни боғи, анда ўзгалар
Чун тикан келдилар анда, навъи инсон бўлди гул¹.*

Муҳаййир юксак инсоний ахлоқларни мадҳ этади, дилозор бўлмасликка, дили синиқ – ғарибларнинг кўнглини кўтаришга чакиради:

*Филмасал, бўлса агар аҳли Хито ёхуд фаранг,
Сўзлама қаттиғ юзига, марди беозор бўл...²*

*Каъбани қилмоқ зиёрат гар муяссар бўлмаса,
Эй Муҳаййир, айлагил вайрон кўнгулларни тавоф...³*

*Бўлмаса сизда дирам, ўзни сотинг ҳар етим
Кўнглини олмоқ учун бир-ики ёнгоқа сиз⁴.*

Мумтоз адабиётимизда баъзи сўзларни ўзининг асл луғавий маъносидан ўзгача, мажозий маънода талқин қилиш ҳодисаси бор. Кўпгина мумтоз адибларимиз «ватан» сўзининг олдига «асл» сифатини қўйиб, «асл ватан», «аслий ватан» тарзида қўллашган.

Шариат истилоҳида ҳам «ватани аслий», «ватани иқомат» деган тушунчалар бор⁵. Унинг мазмуни шуки,

¹ Девон. – В. 100.

² Девон. – В. 89.

³ Девон. – В. 78.

⁴ Девон. – В. 62.

⁵ Қаранг: Мухтасар (Шариат конунларига қисқача шарҳ). Нашрга тайёрловчилар: Р. Зоҳид, А. Деҳқон. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 50.

кишининг туғилиб ўсган юрти, келиб чиқиш жойини «ватани аслий» дейилади. Кейинчалик бориб яшаётган ёки вақтинчалик яшаб турган жойини «ватани иқомат» дейилади. Мана шу шарият истилоҳида қўлланадиган «аслий ватан» тушунчасига мумтоз адибларимиз унинг луғавий, шаръий-истилоҳий маъносига билвосита тааллуқи бўлган янги мажозий маъно юклашиб, ундан, яъни «аслий ватан»дан мурод инсон танасининг қайтиб борар жойи – тупроқни ёки руҳининг қайтиб борадиган ери – даргоҳи илоҳийни назарда тутишган. Бу дунёдаги ҳаётни эса «ватани иқомат» – вақтинчалик ватан, дунёнинг ўзини эса бир мусофирхона – карвонсарой деб тушунишган. Ўлимни эса асл ватанга кўчиш олдидаги бир босқич – жараён деб талқин қилишган. Бу мазмунни Хожа Аҳмад Яссавий:

1. *Бу ҳолатда амири карвон етиб келгай,
Юругил деб асл ватан ҳукмин айтиб.
Савдо қилмай мунча ўтдунг нетак ётиб,
Озуқ олмай йўлга кириб елдингизму?..¹*
2. *Биздин бурун телим карвон кўчиб турур,
Боқиб турсак бизга навбат етиб турур.
Малакул-мавт қадаҳ шарбат тутуб турур,
Навбат келса ул шаробдин ичарбизо...² –*

деб ўзига хос тарзда ифодаласа, улуғ сўфий шоир Сўфи Оллоёр «Саботул ожизин» манзумасида «асл ватан» тушунчасини бир неча ўринларда юқоридаги маънода қўллайди:

¹ Аҳмад Яссавий. Девони хикмат. ЎзФА Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 178. – В. 32.

² Аҳмад Яссавий. Девони Ҳикмат. ЎзФА Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. №178. – В. 366.

1. *Билур ҳар Одам ўгли бўлса уйғоқ,
Ватанни аслидур бизларга туфроғ...*
2. *Баногоҳ корвон султони етса,
Санго аслий ватаннинг ҳукмин айтса,
Улуғ йўлга кирарсан хоҳ-нохоҳ,
На қилгойсен вале бетўшаи роҳ?!.*
3. *Кейин қайтай деса бўлмас мажоли,
Кетар аслий ватанга даст холи...¹*

Кўриниб турибдики, Аҳмад Яссавий ва Сўфи Оллоёр ватан тушунчасини жуда чуқур фалсафий маънода, мажозан талқин қилишган. Муҳаййир ҳам кўпгина шеърларида ватан сўзини айнан шундай маънода қўллайди:

*То ватан фикри бошингга тушти, эй кўнглум, сени
Бир замон, бир соату бир лаҳза хуррам топмадим...*

Инсон аслида сафардан ўз ватанига қайтиш фикрига тушганда севинади, у ерда уни бола-чақаси, қариндош-уруғи, ёр-биродарлари кутиб туради, ҳаммаси бир-бири билан дийдор кўришиб севинади. Бу байтда назарда тутилган «ватан фикри» эса бутунлай бошқа ватан, яъни албатта унга қайтиб бориладиган ва у ердан қайтиб сафарга чиқилмайдиган ватандир. Бу мисолда мажозий «ватан» назарда тутилганининг исботи ҳам шоир кўнглининг ғамгин бўлишидир. Чунки Муҳаййир Бухорода туриб Қўқонни соғиниб ёки Оқерда яшаб Қўқонни соғиниб шеър ёзганда, сира бундай демаган бўлар эди. Бу ерда шоир аниқ қайтиб борар ерни назарда тутган. У ернинг натижаси Яратувчидан бошқасига маълум эмас ва шунинг учун ҳам шоирнинг кўнгли ғамга тўлган.

¹ Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. – Т.: Меҳнат, 1991. – Б. 69-32-71.

*Муҳаййир, бир ғариби бенавомен,
Ватан фикридадур ҳолим паришон...*

*Кўнглида ватан ёди ўтгучи мусофирдур,
Тутгуси Муҳаййирни йўлда ложарам уйқу¹.*

Бу мисолларда ҳам шоир «ватан» сўзини мажозан ишлатиб, унда тупрокни ёки ўлимни назарда тутган. Чунки Муҳаййир қўллаган «ватан» сўзини асл маънода тушунишга бу ерда асос йўқ. Уни доимий қайғуга солган, ўйга чўмдирган бу – «асл ватан» туйғуси, ўлим қайғуси эди. Айниқса, учинчи мисолда «Тутгуси Муҳаййирни йўлда ложарам уйқу» мисрасидаги «уйқу» дан мурод ўлимдир. Яъни шоир айтмоқчики, «Асл ватанга (тупроққа) кўчиш олдидан йўлда Муҳаййирни албатта бир уйқу (ўлим) элтади».

Инсон баданининг асли тупроқдир, руҳининг асли эса даргоҳи илоҳийдандир. Бинобарин, «ватани аслий» деганда бадан учун тупроқни, руҳ учун эса даргоҳи илоҳийни назарда тутилади². Ватани аслийга сафар эса йўлдаги бир босқич, яъни ўлимсиз бўлиши мумкин эмас³.

¹ Девон. – В. 97, 120.

² «Ватан» сўзини мажозий маънода қўллаш фақатгина бадиий адабиётга хос эмас, илмий асарларда ҳам айна талкин мавжуддир. Масалан, Абу Ҳомид Ғаззолий «Кимёи саодат» асарида шундай ёзади: «Рух ҳақиқати Одамийдур. Бас, руҳ ўз ватани аслийсидин инсонни вужуд шахристониға сафар ихтиёр қилибдурким, яна ўз ватани аслийсига ёнғусидир». «Рух ҳақиқати Ҳақ таоло даргоҳидин келгандур, яна ул макони кудсга ёнғусидур». «Вақтики, бу тарика амал қилмоқдин ўзини ранжур ва малол кўрса, билгайким, Одамий бу оламда сафардадур. Ватани аслийси охиратдурким, сафардаги киши малолатдин холи бўлмас. Ва лекин ўзига тасалли бергайким, бот ва яқин фурсатда ватани аслийда роҳати жовидона кўргумдур деб». Абу Ҳомид Имом Муҳаммад Ғаззолий. Кимёи саодат. С. Рафъиддиновнинг шахсий кутубхонаси – Т.: В.М. Ильин типо-литографияси, 1902. – Б. 77-155-161.

³ Бу ҳақда батафсилроқ маълумот учун қаранг: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор. Табаррук рисоалар. – Т.: Адолат, 2004. – Б. 21-25.

Муҳаййирни ҳам мунтазам қайғуга, ташвишга солган нарса ана шу «ватан фикри» эди. Шоир бир куни албатта рўй беражак «асл ватан» сафарини доимо ёдда тутуди, ундан кўрқади, унга талпинади:

*Кўнглида ватан ёди, ўтгучи мусофирдур,
Тутгуси Муҳаййирни йўлда ложарам уйқу...*

Бунга ўхшаш шаръий истилоҳларга янгича мажозий мазмун юклаб, бадиий кашфиётлар яратиш ҳодисасини чуқурроқ таҳлил қилиш яхши натижалар бериши мумкин. Масалан, Алишер Навоий «Ҳайратул аброр» достонида «кўнгил таҳорати»¹, «Насойимул муҳаббат»да эса «тариқат закоти»² ҳақида сўзлайди.

Муҳаййирнинг ижтимоий руҳ акс этган асарларидан бири – Қўқон хонлигининг охириги ҳукмдори бўлган Худоёрхон ҳақида ёзилган «Муҳаммас бар ҳоли хони марҳум ин аст» деб сарлавҳаланган каттагина муҳаммасидир.

Маълумки, адабиётимизда Қўқон давлатининг охириги ҳукмдори Худоёрхоннинг тахтдан кетиши ва фожиали тақдири муносабати билан туркум муҳаммаслар ёзилган. Ҳозиргача адабиётшунослигимизда шу мавзуда ёзилган тўртта муҳаммас маълум эди. Булар жумласига Завқийнинг «Чекиб ҳасрат демиш хон...» деб бошланувчи муҳаммаси, Зокиржон Фурқатнинг «Қаён қолди?» радифли муҳаммаси, Зорий қаламига мансуб «Айрилдим» радифли муҳаммас ва Мулла Сиддиқ Котиб томонидан ёзилган муҳаммаслар киради.

Буларнинг биринчиси, Убайдулла Завқий муҳаммаси илк бор 1958 йилда чоп қилинган бўлиб, уни фило-

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Еттинчи том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 112.

² Қаранг: Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Ўн еттинчи том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 17.

логия фанлари доктори Ҳошимжон Раззоқов нашрга тайёрлаган эди¹.

Зокиржон Фуркатнинг мухаммаси инкилобдан кейин биринчи марта 1971 йилда «Меҳнат ва турмуш» ойномасининг 5-сонида филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимов томонидан эълон қилинган². Филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров «Зокиржон Фурқат» китобида Фурқат мухаммаси, шунингдек, Мулла Сиддиқ Котиб мухаммаси хусусида махсус тўхталиб ўтади³.

Зорий қаламига мансуб мухаммас филология фанлари номзодлари Аҳмаджон Мадаминов ва Рустам Тожибоевларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида 1994 йилда эълон қилинган⁴. Мулла Сиддиқ Котиб томонидан битилган тўртинчи мухаммас эса филология фанлари доктори Шариф Юсупов томонидан нашрга тайёрланиб, аввал «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, сўнгра «Худоёрхон ва Фурқат» китобида чоп этилган⁵.

Биз бу ерда мухаммасларнинг фақат Октябрь тўнтраишидан кейинги нашрларини эслатиб ўтиш билан чекландик, чунки зикр этилган тадқиқотчилар ўз текширишларида ушбу мухаммасларнинг олдин қачон ва қайси манбада нашр қилинганини батафсил баён этишган.

Кейинги изланишлар давомида шу мавзуда ёзилган яна бир мухаммас маълум бўлди. Бу – мавжуд мухам-

¹ Завкий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ҳ. Раззоқов. – Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 98-99.

² Иброҳимов С. Ҳасратнома // Меҳнат ва турмуш. 1971. – №5. – Б. 20-21.

³ Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Т.: Фан, 1977. – Б. 126-127.

⁴ Тожибоев Р. Шуаро назмида Худоёрхон тақдири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1994. – 22 апр.

⁵ Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.: Шарқ, 1995. – Б. 53-55.

масларнинг муаллифларига даврдош ва фикрдош бўлган яна бир кўқонлик шоир Муҳаммадкул Муҳаммадра-сул ўғли Муҳаййирнинг «Қачонким шоҳимиз Фарғона мулкига қадам чекти...» деб бошланувчи мухаммасидир.

Айтиб ўтиш лозимки, Муҳаййир Алишер Навоийнинг «Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти...» деб бошланувчи машҳур ғазалига тахмис боғлаган. Муҳаййир Худоёрхон фожиасига бағишланган мухаммасида ҳам Навоийнинг ана шу ғазали вазнини, қофия ва радифини ўз даврининг ижтимоий воқеасини ёритишда қўллаган.

Муҳаййир саккиз бандли мухаммасида Худоёрхон ҳукмронлигининг қандай бошлангани, қай тарзда давом этгани ва қай йўсинда барҳам топгани хусусида маълумот бериб ўтади.

Мухаммас мазмунидан маълум бўладики, шоир са-ноат ва маданият маркази бўлган шаҳарлардан йироқ-даги бир қишлоқда яшаганига қарамай, давр адабий муҳити билан боғлиқ бўлган, ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларни кузатиб борган. Муҳаййир мухаммасининг юқоридаги тўрт мухаммас билан муштарак томонлари ҳам бор, фарқланиб турувчи ўзига хос жиҳатлари ҳам мавжуд.

Маълумки, Завқий, Зорий ва Фурқатлар ўз мухам-масларини хон тилидан ёзганлар, Мулла Сиддиқ Котиб билан Муҳаййир эса муаллиф тилидан баён қилган. Муҳаййир мухаммаси шундай бошланади:

*Қачонким шоҳимиз Фарғона мулкига қадам чекти,
Саодат кавкаби эл бошига гўё алам чекти,
Бўлуб аҳбоблар шод, душман хайли гам чекти,
Чалинди найи хуррамлик, муғанний зеру бам чекти,
Фалак андуху шиддат рахтини сўйи адам чекти¹.*

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 155.

Мухаммаснинг биринчи банди Худоёрхон ҳукмдорлигининг дастлабки даврини ёритади. Салтанатининг дастлабки даврларида адолат билан иш кўриш кўпчилик ҳукмдорларга хос одат. Аммо кейинчалик уларда салтанат ғурури ғолиб келиб, халққа зулм қилишга ўтадилар. Худоёрхон ҳам шу тоифага мансуб ҳукмдор бўлганлиги Муҳаййир мухаммасида бадиий ифодалаб берилган.

Муҳаййир мухаммаси Мулла Сиддиқ Котиб мухаммаси билан шаклан ҳамоҳанглик касб этган бўлса-да, мазмун жиҳатидан бу икки асар орасида жиддий фарқлар мавжуд. Бу фарқларнинг асосийси – Котиб тўлиқ хон тарафини олиб, салтанатнинг таназзулига сабабчи қилиб хоннинг атрофидаги амалдорларни кўрсатади, уларни риёкорлик ва соткинликда айблайди, шу жиҳатдан хон атрофидаги амалдорларнинг мазамматига бутун мухаммасни бағишлайди, десак ҳам хато бўлмайди.

Муҳаййир эса бошқачароқ йўл тутаяди. Унинг мухаммасида Худоёрхон доим диққат марказида туради. Хоннинг дастлабки фаолиятини маъқуллаган Муҳаййир кейинчалик унинг мамлакат ҳолидан хабар олмай, халққа зулм қилишга ўтганини айтади. Шоир биринчи навбатда, ҳақли равишда, бутун кўргиликларга хоннинг ўзини бош айбдор қилиб кўрсатади. Муҳаййир юртга юзланган фалокатларнинг асосий сабаби – хонликда зулмнинг ҳаддан ошганлигидир, деган қатъий хулосага келади ва бу жиддий ижтимоий фикр баёнига бутун бир бандни бағишлайди:

*Ҳилолосо қилиб ҳар лаҳза оламга алам тигин,
Кўярга эл бошига қилди сар то сар қадам тигин,
Жафодан сув бериб, ғам чархидин айлаб дудам тигин,
Неча мазлумларни бошига сурди ситам тигин,
Замона илки охир анга ҳам тиги ситам чекти.*

Айни замонда, Муҳаййир ҳам туркумнинг бошқа муаллифлари каби бевафо кишиларнинг хиёнатини назардан четда қолдирмайди. Одатда, бирор ҳукмдор салтанатдан кетганда, ундан кўпчиликнинг юз ўгириши табиий бир ҳол бўлгани учун Муҳаййир ҳам бунда ортиқча баёнчиликка берилмай:

*«Фидо жоним» деганлар аҳди ёлгон ўлдигин билди,
Ишонганларга чунким нуқси паймон ўлдигин билди, –*

дейиш билан кифояланиб қўя қолади.

Шу билан бирга Муҳаййир мухаммаси туркумдаги асарлар ичида кўпроқ Усмонхўжа Зорий мухаммасига мазмунан яқин туришини ҳам қайд этиш лозим. Чунки Муҳаййир ҳам, Зорий ҳам ҳокимият таназзулига асосий сабаб – хоннинг фуқаро ғамини емаганлиги, зулмнинг кучайганлиги, деган фикрда яқдил бўлишган¹.

Биз бу фикрни юқорида Муҳаййир мухаммасидан келтирилган мисолда шоир тилидан баён қилинганини кўрдик. Зорий эса айни маънони хоннинг ўз номидан куйидаги мисраларда ифодалайди:

*Умр ўтди, Худоё, қилганим ҳойи-ҳавас бўлдум,
Ҳамият йўқидин ўрус элига бир магас бўлдум,
Мажозий подшоҳ эрдим, ҳақиқат урди, хас бўлдум,
Ўрусни домига туштум, гирифтори қафас бўлдум,
Ўтубон бу ғариблик эмди (ки) жонимдин айрилдим².*

Ҳамиятсизлик хорликнинг бошланишидир. У инсоннинг назардан қолишига, ўз хорлигига рози бўлишига

¹ Зорий мухаммаси ҳақида қаранг: Абдуллаева Д. Усмонхўжа Зорий ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 2003. – Б. 100-103.

² Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти, 1995. – Б. 43.

олиб келади. Бу маънони Эркин Воҳидов шундай ифодалаган эди:

*«Кимки беҳамиятдур, четдадур назардан ҳам,
Чунки беҳамиятга солганинг назар зое».*

Ҳамият масаласи турганда жону мол кўзга кўринмай каттиқ туриш ҳақида Сўфи Оллоёр ёзади:

*Ва лекин бу таҳаммул айлаган нос,
Ҳамиятда керак чун қаттиқ олмос.
Ҳамият бобини ўткармагай мард,
Агарчандики, ул иш бўлса бир гард¹!*

Ва лекин подшоҳларнинг, пешволарнинг, юрт бошлиқларининг пинҳона ёки ошкора қилган ҳамиятсизликлари янада оғирдир. Уларнинг бир марта қилган ҳамиятсизликлари сабаб бутун бошли халқлар, миллатлар асрлар давомида истибдод ва қарамлик исканжасида қолади. Ҳамиятсизликни одат қилиб олган подшонинг халқи қай аҳволга тушишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Муҳаййир ва унинг замондошларининг мухаммаслари баҳона XIX асрнинг иккинчи ярмидаги халқимиз тарихига бир қур назар ташлар эканмиз, Абдулла Қодирийнинг «...тарихимизнинг энг кир, энг қора кунлари бўлган кейинги хон даврлари...» деган эътирофи барибир ҳақ эканини тан олишга мажбурмиз.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, Муҳаййир тақдир зарбасига учраган хон ҳақида жуда андиша билан ёзади, уни ҳаддан ортиқ айблашга берилмайди. «Аввал азиз бўлиб, кейин хор бўлган кишига раҳм қилинлар» мазмунидаги ҳадиси шарифга биноан, Муҳаййир му-

¹ Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин. – Т.: Мехнат, 1991. – Б. 86.

хаммасидан унинг хонга раҳми келгани, ачингани сезилиб туради:

*Назар қилгил, фалак они нечук ошуфтаҳол этти,
Ватан фикридаги тўти каби нутқини лол этти,
Бағир қонин – гизо, рангин – сариг, ашқини ол этти,
Тушуб йўлга маконлардин маконга интиқол этти,
Етарда дайрға тақдир они сўйи Ҳарам чекти.*

Мухаммаснинг бу бандида Худоёрхоннинг тахтдан кетгандан кейинги бутун сарсонлик-саргардонликлари ўзининг ихчам баёнини топган, дейиш мумкин.

Муҳаййир мухаммасини Завқий мухаммасидан ажратиб турувчи асосий жиҳати – Муҳаййирнинг хон тақдирига ачиниши, унинг Завқийга ўхшаб бешафқат ҳажвга ўрин бермаслигидир.

Маълумки, Завқий бутун ижодида бўлганидек, Худоёрхон ҳақидаги мухаммасида ҳам кескин салбий муносабатда туради, ҳамма бало-фалокатларга сабабчи Худоёрхоннинг ўзи, унинг қилмишидир, деган қатъий хулосага келади, хонни ўз тилидан фош қилади:

*Кўриб давлат гурурин, юрту элдин беҳабар бўлдум,
Заволини кўруб, дўстлар, хазондек ғам билан сўлдим,
Гуноҳсиз нечалар мўю сақолин тердириб юлдим,
Мукофотин кўриб дўстлар, ажал келмай тирик ўлдим,
Қолиб бу ерда ғамлар бирла хурсандимдин айрилдим¹.*

Муҳаййир мухаммасининг шу мавзуда қалам сурган бошқа муаллифлар асарларидан яна бир фарқли жиҳати – у ижтимоий ҳаётдаги воқеа-ходисалардан фалсафий хулоса чиқаришга, дунё ишларига ортиқча бетоқат

¹ Завқий. Танланган асарлар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 98.

бўлмасликка, алал-оқибат, «тақдирга тағйир йўқ» маъносидаги ҳикматни ўзига ва одамларга яна бир бор эслатишга ҳаракат қилади:

*Муҳаййир, истасанг роҳатни бедод этмагил ҳаргиз,
Фалакни илкидин афғону фарёд этмагил ҳаргиз,
Етушса жавр элдин, дилни ношод этмагил ҳаргиз,
Неки йўқтур, анга шукр айлау ёд этмагил ҳаргиз,
Ки бу қисматни ул «наҳну қасамно...»¹ да қалам чекти.*

Худоёрхон фожиаси ҳақидаги мухаммаси Муҳаййир ижодида ва давр адабиётида муҳим ўрин тутадиган асарлардан биридир. Бу асарда шоирнинг бадий маҳорати билан бирга, унинг ижтимоий қарашлари, дунёқараши, ахлоқий-фалсафий нуқтаи назари ҳам намоён бўлган, дейиш мумкин.

Муҳаййир ижодида ишқий мавзу ҳам алоҳида ўрин тутади. Унинг энг яхши ғазаллари, мухаммаслари ишқий мавзуда ёзилгандир. Айниқса, Алишер Навоийнинг «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб» мисраси билан бошланган, Муқимийнинг «Айлаб келинг» ва «Ёлғуз», Зокиржон Фурқатнинг «Камкам бўлур» радифли ғазалларига боғлаган мухаммасларини XIX асрнинг иккинчи ярмида яратилган энг яхши асарлар сирасига киритиш мумкин.

Муҳаййирнинг Навоий ғазалига боғлаган мухаммасларидан бирининг дастлабки ва охириги бандларига диққат қилайлик:

*Сочин рухсори узра ҳалқа-ҳалқа печтоб айлаб,
Бўлуб сармаст, гулгун тўн кийиб, илгин хузоб айлаб,*

¹ Куръони Каримнинг «Зухруф» (43) сурасидаги 32-оятини «Наҳну қасамно байнаҳум маишатаҳум фил ҳаятид-дуния...» (Уларнинг ҳаёти дунёдаги маишати-тирикчиликларини ҳам биз ўзимиз тақсимлаганмиз...) га ишора қилинапти).

*Тамошо аҳлини эътиборидин ижтиноб айлаб,
Тун оқишом келди қулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза ҳўйдин гулоб айлаб...*

*Муҳаййир, истагил бўлмоқ фано, ҳайрат туни мундоқ,
Фано недур, йўқолмоқ касратинг ваҳдат туни мундоқ,
Топар чин ошиқ ўлгон мақсадин вуслат туни мундоқ,
Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшиар тарки хоб айлаб¹.*

Келтирилган мисолдан кўриниб турибдики, Муҳаййир ўз мухаммасида улуғ шоир сатрларига шаклан ва мазмунан уйғун мисраларни бита олган.

Муҳаййирнинг ишқий мавзудаги асарлари ҳақида сўз кетганда, унинг шамъга мурожаат тарзида ёзилган «Эй таоми зулмату...» деб бошланувчи қуйидаги ғазали алоҳида эътиборга лойиқ:

*Эй таоми зулмату бошида ўт қилгон ватан,
Мен каби қилдинг нечук ўзингга куймоқликни фан?
Сен кўнгилдин тийра дуд айлаб аён, мен ўтлуғ оҳ,
Тенгмиз оташнафасликда бугун сен бирла ман.
Қилмадинг танпўш, кўксинг ичра доим асрадинг,
Оқибат куйди, бало бўлди бошингга пираҳан.
Менга маскан бўлса гулхан риндлар бирла агар,
Сенга ёнмоқ ҳар қаю мажлисда бўлса бир лаган.
Осмон айвони зийнат топса юлдузлар била,
Ерда ҳар қошонага сенсан бўлан партавфиган.
Кўрмадим ҳаргиз карам бобида эл қошонасин
Этгани равшан сенингдек вақф қилгон хонуман.
Куйдурурсен беғуноҳ парвоналарни ҳар кеча,
Бу жафо айгил равому ошиқа маъшуқдан?
Йиғламоқ чоғида кулгу одатингдур не учун,*

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 28.

*Айтгилким, бир париға мен каби ошиқмусан?
Бу васф басдур сенгаким, хўблар оразларин
Айлабон ташбеҳ дерлар халқ «шамъи анжуман».
Ёнмасанг равишан қачон қилгай эдилар хўблар
Кўрсатиб юз кечалар эл базмини раишки чаман.
Мен каби қолгон қаро кунларга ҳижрон тунлари
Йўқ сенингдек гамгусору ҳамдами ваажҳи ҳасан.
Боракаллоҳ, онча куймоғликда кўргуздинг сабот,
Дедилар ишқ аҳли сенга офаринлар юз туман.
Билмайин ўртанмоқу куймоқлигингни боисин,
Чун Муҳаййир доимо, эй шамъ, ҳайронликдаман¹.*

Ғазал арузнинг энг машҳур баҳрларидан бири бўлган рамали мусаммани маҳзуф (фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида ёзилган. 13 байтдан иборат. Дикқат қилинса, унда ишқ ва ошиқлик, вафо ва садоқат, ҳижрон ва висол каби мавзулар мажозий тимсоллар орқали ифодаланган. Ғазалда ташхис, ташбеҳ ва истиора каби бадий санъатларнинг бир неча намуналари келтирилган. Дастлабки байтда шоир шамъга мурожаат қилиб шеърни бошлайди, лекин унинг номини ғазал охирларигача очиқ атамайди, балки шамъга унинг сифатларини айтиб хитоб қилади: «Эй таоми зулмат бўлган, бошида ўт (олов) маскан тутган хилқат! Нима учун сен ўзингга мен каби куймоқни, ёнмоқни касб қилдинг, одат қилдинг?» Дарҳақиқат, бу ташбеҳ мутлақо ғайри оддий ва кутилмаган ташбеҳ: «Таоми зулмат бўлган, бошида ўт маскан тутган». Дафъатан бу жумланинг мафҳуми оғир туюлади, лекин тасаввурни жамлаб олгач, унинг нақадар янги ва образли ифода экани маълум бўлади.

*Сен кўнгилдан тийра дуд айлаб аён, мен – ўтлуғ оҳ,
Тенгмиз оташнафасликда бугун сен бирла ман.*

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 103.

«Сен кўнглингдан қора тутун чиқаряпсан, мен эса ўтли оҳ сочяпман. Оташнафаслик жиҳатидан бугун сен билан мен тенгмиз».

Шамнинг қора тутун чиқариб ёнишидан шоир жуда ўринли ташбеҳ ясапти. Кўнгил ҳолини аён қилишда иккаламизнинг воситамиз бир-бирига жуда уйғун келган, деяпти шоир.

*Қилмадинг танпўш, кўксинг ичра доим асрадинг,
Оқибат куйди, бало бўлди бошингга пираҳан.*

«(Кўйлагингни) танинга ёпмадинг, доим кўксинг ичида – бағрингда сақладинг. Оқибатда (бу кўйлак) кўксинг ҳароратидан куйиб кетди ва ўз бошингга бало бўлди». Шамънинг ичидаги ипини унинг кўйлагига ўхшатиш, яна уни киймасдан «ўз бағрингга босиб олгансан», дейиш ҳам жуда чиройли ва оҳорли ўхшатиш.

*Менга маскан бўлса гулхан риндлар бирла агар,
Сенга ёнмоқ ҳар қаю мажлисда бўлса бир лаган.*

Бу байтда шоир биринчи байтдаги қиёсга, яъни ўзининг ва шамънинг ҳолатини қиёслашга яна қайт-япти: «Менга риндлар билан бирга гулхан атрофи маскандир, сенга эса қайси мажлисда бир лаган бўлса (бу ерда «лаган» дан мурод шамъ кўйиладиган, ўрнатиладиган идишдир) ўша ерда ёниш одатдир, касбдир. Бу байтдаги «ринд» сўзига алоҳида диққат қилиш керак. Ринд – самимият рамзи, сохталик ва риёкорликнинг зидди¹. Лирик қахрамон ўз туйғуларида самимий, шунинг учун ўзини самимият тимсоли ҳисобланадиган риндлар жамоасига нисбат берапти. Дарҳақиқат,

¹ Қаранг: Рейснер М. Л. Эволюция классической газели на фарси (X–XIV века). – М.: Наука, 1989. – С. 64.

самимият билан дунёдаги энг катта фатҳлар амалга ошади, энг мустаҳкам қалъалар забт этилади, энг қайсар бўйинлар эгилади. Бу ерда маънавий фатҳлар ва маънавий қалъалар назарда тутилмоқда. Аҳмад Яссавий, Юнус Эмро ва Сўфи Оллоёр каби улуғ сўз санъаткорлари биринчи навбатда туйғуларидаги самимият билан кўнгилларни фатҳ этди. Профессор Маҳмуд Асъад Жўшон бир мақоласида «Иннад дина аннасиҳату» ҳадисини «Дин самимиятдир» деб таржима қилади¹. Саҳобалар ва улардан кейингилар самимий эдилар, сохталик ва риёдан йироқ эдилар, шунинг учун инсониятга энг яхши намуна бўлиб тарихда қолдилар. Шоир ўзини бежиз риндлар гуруҳига нисбат бераётгани йўқ. Риндларда баъзи бир камчиликлар мавжуд бўлса-да, юкоридаги фазилатлар уларнинг нуқсонларини ёпиб кетади.

*Осмон айвони зийнат топса юлдузлар била,
Ерда ҳар кошонага сенсен бўлан партав фиган.*

Бу байтда энди ташбеҳ кўчяпти. Аввалги байтларда шоир шамъ билан ўзини қиёс қилган бўлса, энди осмондаги юлдузларга шамъни қиёслаяпти: «Агар осмон айвони юлдузлар билан зийнат топган бўлса, ерда ҳар бир кошонага – уйга ёруғлик, зиё сочувчи сенсан».

Навбатдаги байтни ғазалнинг шоҳ байти деб белгилаш мумкин:

*Кўрмадим ҳаргиз карам бобида эл кошонасин
Этгали равшан сенингдек вақф қилгон жону тан.*

¹ Маҳмуд Асъад Жўшон. Ислоҳ, тасаввуф ва ахлоқ. – Т.: Истиклол, 2000. – Б. 64.

Бу байт юқоридаги байтнинг давоми ўлароқ, ғазалнинг кульминацияси сифатида намоён бўлган. Аввалги байтда осмон айвони юлдузлар билан зийнат топганидек, ердаги уйлар шамъ билан ёруғлик – зийнат топиши айтилган эди. Энди бу байтда шамънинг юлдузлардан ортиқ фазилати зикр қилиняпти. Яъни шамъ эл уйларини ёритиш учун ўзининг жону танини бағишлаган, фидо қилган. Юлдузларда бу фазилат йўқ. Шоир бу ҳолни чуқур мулоҳаза қилган ва басират кўзи билан бу манзарани кўра билган: «Карам бобида сендек соҳиби ҳимматни кўрмадимки, элнинг тийра уйларини, масканларини ёритиш учун ўз жонингни ва танингни бағишлабсан».

Навбатдаги байтда бирдан сўзнинг оқими ўзгаради. Энди шамъга маъшуқа сифатида мурожаат қилинади:

*Куйдурурсен бегуноҳ парвоналарни ҳар кеча,
Бу жафо, айгил, равому ошиқа маъшукдан?*

«Ҳар кеча сен ўзингга парвона бўлганларнинг канча-қанчасини куйдирасан. Маъшуканинг ошиғига шу тарзда, шунчалик жафо қилиши равомикан?»

*Йиғламоқ чоғида қулгу одатингдур не учун,
Айтгилким, бир парига мен каби ошиқмусан?*

Одатда ақлу ҳуши зойил бўлган киши ғайри одатий ишларни қилади. Ақлу ҳушнинг зойил бўлишига эса бир неча сабаблар мавжуд. Халқ орасида парига учраган кишининг ҳам ақл-ҳуши кетади, деган гап бор, шунинг учун бўлса керак, бадий асарларда кўпинча қаерда пари зикр қилинса, ўша жойда девона ҳам тилга олинади. Масалан, Алишер Навоийнинг энг машҳур ғазалларидан бири қуйидагича бошланади:

*Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,
Банд-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз¹.*

Муқимийда ҳам шундай матлали бир ғазал бор:

*Ақду ҳуш учди бошимдан, эй пари, девонаман,
Бир иложе қил, эл ичра бўлмайин афсонаман².*

Шунга ўхшаш Муҳаййир ҳам шамънинг ғайри оддий одатидан ҳайратланиб: «Йиғлайдиган пайтда нега куляпсан? (Чунки шамънинг бутун жисму жони ёниб кетяпти). Ёки сен ҳам менга ўхшаб бир парига йўлиқиб, унга ошиқ бўлиб, ақлинг кетганми?» деб сўраяпти.

Навбатдаги байтда шоир ружуъ санъатига мурожаат қилиб, шамънинг янада юксакроқ фазилати борлигига эътиборни қаратади:

*Бу сифат басдур сенгаким, хўблар оразларин
Айлабон ташибеҳ дерлар халқ «шамъи анжуман».*

«Халқ хўбларнинг (яхшиларнинг) юзларини сенга қиёслаб-ўхшатиб «шамъи анжуман» – анжуманнинг шамъи (ёритувчиси) деб атайдилар. Сенга мана шу сифатнинг ўзи басдир, етарлидир».

*Ёнмасанг равшан, қачон қилгон эдилар хўблар
Кўрсатиб юз, кечалар эл базмини рашки чаман.*

Бу байтда шамънинг хўблар юзидан фазилатли жиҳати изҳор қилиняпти. Яъни: «Агар сен кечалари равшан ёнмасанг, хўблар қандай қилиб юзларини эл базмида на-

¹ Алишер Навоий. МАТ. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987. – Б. 212.

² Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. Биринчи том. Т.: ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 151.

моён қилар эдилар. Хўбларнинг кечалари юз кўрсатиб, чаманнинг рашкини келтириб, анжуманларни обод қилишига сенинг равшан ёнишинг сабаб бўлгандир».

*Мен каби қолгон қаро кунларга ҳижрон тунлари
Йўқ сенингдек ғамгусору ҳамдаму важҳи ҳасан.*

Энди эса шамънинг бошқа бир хусусияти – фазилати тўғрисида сўзланяпти: «Менга ўхшаб бошига қаро кунлар тушиб, тунлари бедор бўлганларга сенга ўхшаган очиқ юзли (важҳи ҳасан) меҳрибон бир дўст ва ҳамдам йўқдир». Бу байтнинг биринчи мисрасига алоҳида диққат қилиш керак: «Мен каби қолгон қаро кунларга ҳижрон тунлари...» Маълумки, ёруғлик куннинг ўзига хос сифати. Қоралик, қоронғулик эса туннинг сифати. Шоир кун ва тунни бир мисрада келтириб, туннинг сифатини кунга нисбат берапти. Энди кунлари қаро бўлган ошиқнинг тунлари қандай аҳволда бўлишини тасаввур қилиш мумкин. Шундай тунларда ошиққа жимгина сўзларини тинглаб, ғамдош ва ҳамдам бўладиган дўст зарур. Шамъ шоир учун худди шундай меҳрибон ва мунис дўстдир.

*Боракаллоҳ, онча куймоғлиқда кўргуздинг сабот,
Дедилар ишқ аҳли сенга офаринлар юз туман.*

«Сен куймоқ – ўртанмоқликда шунчалик сабот кўрсатдингки, ҳатто ўртаниш ва куйиш касби бўлган ишқ аҳли ҳам сенга юз минглаб офарин айтдилар».

*Билмайин ўртанмоғу куймоқлигингни боисин,
Чун Муҳаййир доимо, эй шамъ, ҳайронликдаман.*

«Эй шамъ, мен гарчи ўзим ҳайратга солувчи бўлсам ҳам («Муҳаййир» сўзининг луғавий маъноси «ҳайратга

солувчи, ҳайратлантирувчи»дир), сенинг ўртанишу куйишининг боисини билмасдан, кўп ҳайронликда қолдим».

Муҳаййир девонида бадиий жиҳатдан етук бўлган яна бир қатор ишқий ғазаллар мавжуд бўлиб, уларда шоирнинг ўзига хос маъно ва тимсоллар қўлагани сезилиб туради.

Муҳаййир ижодида диний мавзу ҳам ҳажм ва мазмун жиҳатдан анча салмоқли ўрин эгаллайди. Унинг диний асарлари асосан ҳамд ва наът йўлида битилгандир. Унинг девонидаги тўрт юзга ғазалдан юзга яқинини, ўн тўққизта мухаммасидан тўрттасини, етмиш учта рубоидан йигирма бештасини ва бир таржеъбандини шу туркумга киритиш мумкин. Бу туркум шеърларида шоирнинг олам ва одам, ҳаётнинг мазмуни, иймон моҳияти, тавҳид ғояси ҳақидаги теран қарашлари намоён бўлган.

Ижодкорнинг эътиқоди, дунёқараши унинг асарларида акс этади. Муҳаййирнинг шеърларида ҳам унинг мустаҳкам эътиқодли инсон бўлгани кўринади. У ҳамд йўлида ёзган ғазалларида Яратувчи даргоҳига юкунади, ўз гуноҳу маъсиятларини эслаб, кўзёш тўқади, Даргоҳи илоҳийдан мадад ва тавфиқ тилаб ёлворади. Ҳамд ва муножотларида Яратувчининг сифатлари, қодирлиги, санъаткорлиги мадҳ этилади. Лирик қаҳрамон эса Аллоҳ олдида ҳамиша ожизлигини ҳис этиб, гуноҳу маъсиятларига тавба қилади. Наът йўлида битган асарларида эса Пайғамбар алайҳиссаломга салаватлар айтади, унинг гўзал сифатларини зикр қилади, шафоатидан умидвор бўлади. Табиийки, Муҳаййир бу турдаги асарларида оят ва ҳадисларга ҳам жуда кўп ўринларда мурожаат қилади. Унинг ҳамд ва наът йўлида ёзилган асарларида қўлланган оят ва ҳадисларни уч туркумга ажратиш мумкин:

1. Қуръон оятидан ёки ҳадиси шарифдан бир таянч сўз, ибора ёки жумла айнан келтирилади:

*«Ваззуҳо» нури жамоли оламоро сендадур,
«Қоба қавсайн» иттиҳоди қошлари ёсиндадур¹.*

Пайғамбар алайҳиссаломни сифатлаб ёзилган бу ғазал Қуръони Каримнинг 93-сурасидаги биринчи оятга ишоратан «Ваззуҳо» нури жамоли олам оро сендадур» деб бошланяпти.

«Ваззуҳо» сўзи «Чошгоҳ вақтига қасам» деган маънони билдиради². Маълумки, чошгоҳ куннинг энг ёйилган пайтидир. Шоир «Ваззуҳо» нури жамоли...» дейиш билан икки маънони назарда тутяпти. Биринчи маъноси: «Ваззуҳо» сураси нурунинг жамоли бу оламда Сенда (яъни Пайғамбар алайҳиссаломда) намоён бўлгандир. Иккинчи маъноси эса: «Офтобнинг чошгоҳ пайтидаги тиниқ нурунинг жамоли сендадир».

Байтнинг иккинчи мисраси:

«Қоба қавсайн» иттиҳоди қошлари ёсиндадур.

«Қоба қавсайн» сўзи Қуръони Каримнинг 53-сурасидаги 9-оятдан олинган бўлиб, унинг «Икки камон оралиғида яқинлашди» деган луғавий маъноси бор, яъни икки камоннинг бирлашуви – иттиҳоди қошларининг ёсида мужассам. Бу каби айнан олинган иқтибослар Муҳаййир шеърларида жуда кўплаб учрайди. Улар шоир фикрини қувватлашга, ифодаланаётган мазмунни янада кучайтиришга хизмат қилган.

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 50.

² Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 635.

2. Бирор оят ёки ҳадиснинг мазмунига ишора қилинади.

Масалан:

*Эй Муҳаййир, истасанг топмоқ балолардан нажот,
Кам сухан, кам хўрду хоб ўлгил, неку кирдор бўл.*

Бу байтда Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўз умматларини кам гапиришга, кам овқат ейишга ва кам ухлашга тарғиб қилган ҳадиси шарифининг мазмунига далолат бор. Шоир ўзига мурожаат қилиб айтяптики, эй Муҳаййир, жамики балолардан нажот топишни истасанг, кам гапиргин, кам овқат егин, кам ухлагин ҳамда яхши ишлар қилгин. Мана шу ишлар балолардан ҳалос бўлишнинг калитидир. Дарҳақиқат, бу амалларнинг зидди, яъни кўп гапириш, кўп овқат ейиш ва кўп ухлаш, шунингдек, ёмон феъллар инсоннинг бошига турли балоларни ёғдиради. Кўп гапиришга ҳамма офатларнинг бошидир, деб таъриф берилади. Шунингдек, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Шайх Абу Бакр Варроқдан ривоят қилиб: «Кўп сўз айтмоқ кўнгилни қаттиқ қилур» деб янада аниқлаштиради¹. Кўнгил қаттиқлиги инсондаги маънавий касалликлардан биридир. Шунга ўхшаш кўп овқат ейиш ҳам қалбни қорайтиради. Қалб қорайгач, унинг жилоси, сафоси йўқолади. Қалб қорайиши эса инсон маънавий таназзулининг бошланишидир. Кўп ухлаш ҳам яна бир офатнинг доясидир. Кўп уйқу ва кўп таом, ҳадисларда келишича, шаҳватни кучайтиради. Шаҳват кучайгач эса, қалбда дунё муҳаббати қаттиқроқ ўрнашади. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абдуллоҳ Ансорий тилидан дунёни

¹ Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т.: Фан, 2001. – Б. 88.

шундай таърифлайди: «...Дунё бир кесакдур ва ул кесакдин бизнинг насибамиз бир гард»¹. Кесак муҳаббати мустаҳкам ўрнашган қалбдан қандай ҳикмат ва қандай эзгу туйғулар кутиш мумкин?

Бу каби оят ва ҳадисларнинг мазмунига ишора қилинган ўринлар Муҳаййир шеърларида кўп учрайди. Эътиборлиси, Муҳаййир шеърларида қўлланган ҳар бир оят, ҳадис ё ҳикматли сўз муайян поэтик мушоҳада ва теран маънони ифодалашга хизмат қилган. Бундай воситалардан шоир меъёри билан ва жуда ўринли фойдаланган.

3. Муҳаййир шеърларида оят ёки ҳадиснинг таржимаси айнан келтирилади. Масалан:

*Ул кунки жумла куфр аҳли дерлар:
«Бўлғай эдик биз, эй кош, туфроғ!»*

Бу байтда Қуръони Каримнинг «Набаъ» сурасидаги охирги, 40-оятнинг таржимаси келтириляпти. Оятнинг айнан таржимаси эса қуйидагичадир: «...ва кофир кимса: «Эҳ, кошки эди тупроққа айланиб кетсам» деб колур»².

Хуллас, Муҳаййирнинг ҳамд ва наът йўлида ёзилган ғазалларида айнан келтирилган оят ва ҳадислар ҳам, уларнинг мазмунига қилинган ишоралар ҳам, шунингдек, бу оят-ҳадисларнинг таржимаси ҳам шеърда муайян бир мақсадда қўлланиб, ғазалнинг бадиий-эстетик салмоғини оширишга, фикрни қувватлашга, мазмунни бойитишга хизмат қилган. Муҳаййир ғазалларида ушбу воситалардан ўз ўрнида ва меъёри билан фойдаланилган.

¹ Алишер Навоий. Ўша асар. – Б. 56.

² Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 603.

Муҳаййир девонида учта мусаддас бор. Уларнинг биринчиси Пайғамбар алайҳиссалом ҳақидаги ўн бир бандли таржеъбанд-мусаддасдир. Унда шоир Муҳаммад алайҳиссаломнинг инсонларни ҳидоятга бошловчи раҳнамо қилиб юборилганини, у зотнинг кофирлардан кўрган азиятларини ва у зотга Худо тарафидан берилган хос неъматларни баён қилади. Шунингдек, мусаддасда пайғамбар алайҳиссаломнинг чорёрлари, набиралари – Ҳасан ва Ҳусайн мадҳига ҳам кенг тўхталади. Бу мусаддасни баъзи бир жиҳатларига кўра шартли равишда кичик дostonча деб ҳам аташ мумкин. Мусаддаснинг биринчи бандини мисол тариқасида келтирамиз:

*Ассолат, эй орази ойинадори «Ваззӯҳо»,
Вассалом, эй нешвойи анбиёу авлиё,
Ассолат, эй йўлдан озганларга бўлгон раҳнамо,
Орази уммат учун куфр аҳлидан чеккан жафо,
Ассолат, эй боиси ижоди олам, Мустафо,
Марҳабо, эй саййиди авлоди Одам, марҳабо!*

Мазкур мусаддасда ҳазрат пайғамбаримиз ҳар томонлама таъриф-тавсиф қилинган, у зотнинг сурат ва сийратлари ва намунали ахлоқлари бадий мушоҳадакорлик асосида очиб берилган. Шу боис етти бандли бу мусаддас Муҳаммад алайҳиссаломга бағишланган етук ва мукамал асарлардан бири, дея эътироф этишимизга асос бўлади.

Иккинчи мусаддас баҳор васфида ёзилган бўлиб, саккиз банддан ташкил топган. Мусаддас баҳор фаслининг таъриф-тавсифи, табиатнинг кўклам пайтидаги бетакрор манзаралари тасвиридан бошланади:

*Ўтти ҳангоми хазон, етти айёми баҳор,
Файзбахш йўлди жаҳон боғига сунъи Кирдикор,*

*Гул очилди, гунча кулди, сабза бўлди ошкор,
Қумри сарвга етишти, топти гул васлин ҳазор.
Мен эрурман ёр ҳижронида зору интизор,
Эмди менга қайда хушу қайда сабру қайда кор?¹*

Мусаддас давомида фикр оҳанги фалсафий моҳият касб эта бошлайди, шоир дунёдаги баҳор манзараларига ўз кўнглининг ҳолатларини қарама-қарши кўяди (тазод санъати), ёр ҳижронидан изтироб чеккан қалб дафтанининг варақларини оча бошлайди:

*Хоҳ жаннат боғи бўлсун, хоҳ гулзори Эрам,
Ёрсиз сайр айламоқдин менга ортар дарду ғам,
Соқийё, ўлтурди ғам, гул даврида айлаб карам,
Тут менга гулранг май соат-басоат, дам-бадам,
То ичиб беҳуд бўлай, ҳижрони қилмай жонга кор,
Чунки етмиш ҳажр дардидин аламлар бешиумор.*

Мусаддас ниҳоясида Муҳаййир аксар мусамматларида бўлгани каби ўз шахсига хитоб қилади, дунёга ибрат кўзи билан боқишга чорлайди, ўткинчи нарсаларга кўнгилини чалғитмай мақсадга интилишга чақиради:

*Эй Муҳаййир, чун баҳори умрға бордур хазон,
Берма кўнгул даҳр боғи гулларига ҳар замон,
Не гулу не сарвни шамшоди қолгай жовидон,
Ўтқарибдур, баски, сендекларни кўп бу бўстон,
Чун сафар олдингдадур, сенга керак бу йўлда ёр,
Жаҳд этиб, бир раҳнамони хизматин қил ихтиёр.*

Муҳаййир ижодининг мавзулар кўлами ранг-баранг. Унинг ижодида даврнинг ижтимоий воқеаларига муносабат билдирилган асарларни ҳам, ҳаёт неъматини,

¹ Муҳаййир. Девон. – В. 58.

тириклик завқи, баҳор манзараларини тасвир этган ҳаётбахш шеърларни ҳам, Яратувчига ҳамд, унинг маҳбуб Пайғамбарига салавот руҳида ёзилган пурмаъно ғазал, мухаммас ва мусаддасларни ҳам учратиш мумкин. У ўз асарларида инсоннинг азалий ва абадий муаммоларини, ишқ-муҳаббатни, ўлим ва ҳаётни куйлайди. Муҳаййир ўз ижодининг мавзулар доирасига кўра даврнинг энг пешқадам шоирлари ҳисобланган Муқимий ва Завқийлар қаторидан ўрин олади.

2.2. Муҳаййир ижодида анъана ва ўзига хослик

Муҳаййир ўз девони дебочасида шеър ва шоирлик хусусида қатор мулоҳазаларни баён қилади. У шеърятга юқори мезонлар билан ёндашади, шоирлик меҳнатини жуда заҳматли ва нозик иш деб таърифлайди: «Ушбу сўз доноларга махфий эмас ва аҳли басиратга маълумдурки, сайёдлар бир қушни дом кўюб илин-тиргунча қанча интизорлик тортиб, заҳмат чекарлар. Нозик сўз ва нукталарни ҳам жойига келтуруб, ғариб ҳаёл қушини назм риштаси бирла илинтурмоққа андин зиёда интизорлик ва бефутур фикр ва бехутур хотир керакдур...»¹

Муҳаййир бежизга шеър ёзишни айнан қуш сайёдлари меҳнатига қиёсламайди. Чунки қуш овчилари ўз ишларида ниҳоятда эҳтиётлик билан, бирорта ҳам бежо ҳаракат қилмасдан, қушни ҳуркитмасдан, бутун фикру ҳаёлни жамлаб иш тутадилар. Шунга ўхшаш, шоирлик меҳнатида ҳам ҳар бир жумла, сўз ва ҳарфни «хуркитмай» жой-жойига қўйишда овчиларнинг меҳнатидан зиёдароқ диққат-эътибор ва нозикроқ меҳнат зарурлигини шоир жуда чиройли ва образли қилиб таъкидлайди.

¹ Девон. – В. 3.

Муҳаййир сўзида давом этиб, шеър ёзиш учун аввало, устоз кераклигини, кўп ўқиш-ўрганиш лозимлигини, ўтган улуғ шоирларнинг асарларини мутолаа қилиш, маъно-мазмунларини англаш кераклигини уқтиради: «...Ва яна шеър ҳавас қилгонларга лозимдурки, агар устоздин ўрганмакдин ор қилсалар ёки устоз вужуди мавжуд бўлмаса, аввало, мутақаддамин шуаро девонларини топиб, имкон борича ўқиб, мазмунларин билиб ва қайси санъатда таркиб қилгонлариға воқиф ўлуб, луғз деган санъат ва раддул-ажз ва ийҳом ва тарсеъ ва сахли мумтанеъ ва зуқофиятайн ва буларға монанд санъатлардин огоҳ ва бохабар бўлуб, ғазалларида дунёни бевафолиғидин ва мавъиза (панд-насихат – А. Д.) изҳор қилғойлар ва ушбу байт таркибидин муддаолари маони адоси бўлғай»¹.

Муҳаййир шеър ёзиш учун ўқиш-ўрганиш билан бирга истеъдод ҳам зарурлигини, шоирликнинг асосий шартларидан бири айнан истеъдод эканлигини айтади:

*Эйки, шеър эттинг ҳавас, беилм бўлмасдур бу иш,
Негаким, ҳар фанда шарти аъзам истеъдод эрур².*

Муҳаййир шеърнинг муваффақиятини, унинг гўзаллигини ва мукамаллигини таъминловчи воситалардан бири шакл ва мазмун уйғунлиги эканини таъкидлайди:

*Шеъри аҳсанул-ашё дейдилар керак шоир,
Назми лафзда мавзун, маънида саро бўлса³.*

Муҳаййирнинг ўзи ҳам юқоридаги талабларга риоя қилган ҳолда бир қанча етук шеърый асарлар яратди.

¹ Девон. – В. 3.

² Девон. – В. 58.

³ Девон. – В. 14.

Унинг ғазал ва рубойлари, мухаммас ва мусаддаслари, таржеъбанд ва мураббаълари кўп асрлик мумтоз адабиётимизнинг бой анъаналарини ўзлаштирган ҳолда ёзилгандир.

Муҳаййир ўтган улуғ назм устозларига ҳурмат ва эҳтиромини изҳор қилиб, ўзининг шеърлари уларнинг асарлари олдида рангсизлигини таъкидлайди. У бирор ўринда Навоий, Ҳофиз, Лутфий ёки бошқа улкан шоирларга тенглик даъво қилмайди, аксинча уларнинг олдида ходимликка ҳам арзимаслигини камтарлик билан баён этади:

«Менки ўтган Ҳофиз алайҳирроҳма мисоли табақаи увло ва сонийдағи шоирлар ходимларига ходим бўлуб татаббуъ қилғудек ҳолим йўқтур. Ва зоҳиран баъзи ғазалларимда Мавлоно Лутфуллоҳ ва Амир Алишер Навоий алайҳимор-роҳма ғазалларига татаббуъ орзу қилиб таманно айлаб эрдим»¹.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Муҳаййир поэтик меросининг салмоқли қисмини ғазаллар ташкил этади. Шоир девонида тўрт юзта ғазал жамланган бўлиб, уларнинг 323 таси ўзбек тилида, 77 таси эса форс-тожик тилида битилган. Уларнинг аксарияти Шарқ шеърятининг барча талабларига жавоб берадиган, бадий жиҳатдан етук, пурмаъно ғазаллардир.

Муҳаййир кўп асрлик ўзбек мумтоз адабиётимизнинг энг яхши анъаналарини давом эттирди, Лутфий, Алишер Навоий, Сўфи Оллоёр каби шеър устозларининг ижодини синчиклаб ўрганди, уларнинг ғазалларига татаббуълар қилди, мухаммаслар боғлади. У ўтмиш шоирларнинг шеърларидаги шаклий жиҳатларгагина аҳамият бериб қолмади. Балки уларнинг ифода услуби-

¹ Девон. – В. 2.

ни, фикрий изчиллигини, бетакрор бадииятини ва бой луғат таркибини ижодий ўзлаштирди, уларни янги тим-соллар билан бойитди.

Муҳаййир ғазалиётида Лутфий шеъриятининг таъсири жуда кучли. Муҳаййир девони дебочасидаёқ Мавлоно Лутфийга эътимоди кучли эканлигини таъкидлаб ўтади: «Мавлоно Лутфуллоҳни (яъни Лутфийни – А.Д) нозикрўлиғлари изҳор бўлгон ғазаллариға татаббуъ қилгон ғазалимдан бир байт буқим»¹ – деб қуйидаги матлани келтиради:

*Бир нома менга келмади ул қоши қаламдин,
Қаддим буқилиб, нол каби бўлди бу ғамдин.*

Муҳаййир, шунингдек, «Кўрнадур» радифли ғазалини ҳам Лутфийга татаббуъ қилиб ёзган. Шу ғазалнинг тепасига Муҳаййир қуйидагича изоҳ берган: «Маълум бўлғайки, «кўрнадур» иборати сақийлдур. Лекин Мавлоно Лутфий ғазалиға татаббуъ тўғрисида чекилди».²

Дарҳақиқат, бу ғазал Лутфийнинг:

*Чехрадин бурқаъму олдинг, моҳи Канъон кўрнадур,
Ё табассум айладингму, сурати жон кўрнадур*³, –

матласи билан бошланувчи ғазалига татаббуъ қилиб ёзилгандир. Бу ғазал рамали мусаммани мақсур (фоилотун фоилотун фоилотун фоилон) вазнида ёзилган.

Энди Муҳаййир айтган сақийл (оғирлик)ка келсак, Лутфий ғазалининг радифидаги «кўрнадур» сўзи аслида

¹ Девон. – В. 3.

² Девон. – В. 51.

³ Лутфий. Асарлар. – Т.: ЎзССР Бадий адабиёт нашриёти, 1958. – Б. 32.

«кўрунадур» шаклида бўлиши керак эди. Лекин унда учта қисқа бўғин кетма-кет келиб қолиб (кў ру на дур) вазн бузилар эди. Лутфий ғазалида вазн талаби билан биринчи «р» ҳарфидан кейинги қисқа унлини мажбуран ташлаб ўқиш лозим бўлади. Шунда сўз бир бўғинга камаяди ва вазн жойига тушади. Муҳаййир Лутфий ғазалидаги шу кичик сакталиқни сезган ва улуғларнинг айбини ҳам муборак билиб, Мавлоно Лутфий қўллаган айни ўша радиф ва қофияни ўз ғазали учун танлаб, буюк устозга ўз ҳурматини изҳор қилган.

Соф туркийча туб феълларни гапнинг кесими сифатида ғазал қофиясида ёки радифида қўллаш Лутфий шеъриятига хос бўлган хусусиятлардан биридир. Лутфий асарларининг 1958 йилги нашридаги 84 та ғазалдан 39 тасида шу ҳолат кузатилди. Муҳаййир девонидаги фақатгина ۋ ҳарфи билан тугалланган 31 та ғазалнинг 19 тасида ҳам айни ҳолат мавжудлигини тасодиф деб айтиш қийин. Лутфиёна соддалиқ, турконалик, ифодадаги енгиллик Муҳаййирнинг кўпгина ғазалларида кўринади. Шоирнинг қуйидаги ғазали фикримизга далилдир:

*Ғаминг жоним ичида жо қилибдур,
Танимга барқи ишқинг чоқилибдур.
Жамолинг меҳри то бўлди жаҳонтоб,
Дилимда меҳринг ўти ёқилибдур.
Кўнгул ишқинг ҳавосида учарга
Ўқингдин ҳар тараф парво қилибдур.
Ики туркинг солиб фитна жаҳонга,
Дилу жон мулкани яғмо қилибдур.
Юзингни кўрмаган айлаб хаёлинг
Мисолини гули раъно қилибдур.
Қадингга жилва бер, боғ ичраким, сарв
Тамошо айламоққа жо қилибдур.*

*Муҳаййир гунгу лолинг, шукрким, Ҳақ
Сени васф этгали гўё қилибдур¹.*

Муҳаййир Лутфийга ихлосмандлигини, Унинг руҳониятидан маънавий қувват олиб ижод қилганлигини бир байтда шундай ифодалайди:

*Гар Муҳаййир назми баҳри ўтса Омудин нетонг,
Ким анга бу йўлда Лутфий руҳидин имдод эрур.*

Дарҳақиқат, Муҳаййир ғазалларини ўқисангиз, Лутфий шеъриятидан жуда кўп жиҳатларни ижодий ўзлаштиргани, ундан ўрганганига амин бўласиз. Шу боис, Муҳаййирни мумтоз адабиётимиздаги Лутфий – Навоий мактабининг энг истеъдодли талабаларидан, бу анъананинг содиқ давомчиларидан бири, деб баҳолаш мумкин.

Муҳаййир ижодида рубоийлар ҳам анча салмоқли ўринни ташкил қилади. Унинг девонида етмиш битта рубоий мавжуд, шунингдек, «Салоти Масъудий» га ёзилган «Дебоча» да ҳам учта рубоий келтирилган.

XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ўтган ўзбек шоирларининг ижодида, хусусан, Муҳаййир яқин ижодий муносабатда бўлган Муқимий, Фурқат ва Завқийлар ижодида рубоий жанри умуман учрамайди. Муҳаййир ижодини ўзига замондош шоирлардан ажратиб турувчи жиҳатлардан бири ҳам унинг рубоий жанрига кўп мурожаат қилганлигидир.

Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларидаги ўзбек шоирларининг шеърларида ижтимоий мавзулар кенгрок ёритила бошлади, маърифатпарварлик ғояларининг тарғиб ва ташвиқи кучайди. Ғазал, мухам-

¹ Девон. – В. 54.

мас, мусаддас ва мурабба каби анъанавий шеър шакллари бу даврда ҳам кенг истеъмолда эди. Лекин, «...адабий ҳаётнинг қайси бир босқичларида ҳукмрон мавкеларда турган жанр, иккинчи бир босқичда ўзининг олдинги ўрнини бошқа жанрларга бўшатиб бериши мумкин. Ёки адабий ҳаётдан бутунлай чиқиб кетиши эҳтимол».¹

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, рубоий адабиётимизда худди шу ҳолатга тушган эди. Муҳаййир ижодида бошқа анъанавий шеър шакллари каби рубоийларнинг ҳам анча салмоқли ўрин эгаллаши унинг кўп асрлик мумтоз адабиётимиз анъаналарига қаттиқроқ роля қилганлигига далолат қилади.

Рубоий ёзиш шоирдан жуда катта масъулият талаб қилади. Аввало, шоир рубоий назариясини яхши билиши ва тўрт мисрада тугал, мукамал мазмунни бера олиши керак. Рубоий мустақил шеър шакли бўлиб, «...тўрт мисрадан иборат тугал лирик асардир. Унда лирик қаҳрамоннинг ички кечинмалари ниҳоятда сиқик, аммо ниҳоят равшан ва аниқ, ўта характерли, ифодали, тасвирий образлар воситаси билан акс этиши керак»².

Рубоий вазнлари ҳазаж баҳрининг ахрам ва ахраб шажараларидан чиқарилган³ бўлиб, бир рубоий мисраларида ҳар икки вазн аралаш ҳолда келиши мумкин. Бир рубоий мисраларининг турли вазнларда бўлиши рубоий учун нуқс саналмайди. Буни Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳам «Мухтасар» рисоласида қуйидагича таъкидлаб ўтади: «Ахрам била ахраб авзонининг ижтимоъидин шеър номавзун бўлмас»⁴.

¹ Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – Б. 97.

² Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: ЎзФА нашриёти, 1961. – Б. 59.

³ Алишер Навоий. МАТ. – Т.: Фан, 2000. – Б. 66.

⁴ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мухтасар. – Т., 1971. – Б. 55.

Муҳаййир рубойлари орасида ҳам ҳар икки вазнда ёзилганлари учрайди. Масалан, қуйидаги рубойнинг биринчи ва тўртинчи мисралари ҳазажнинг «аҳраб» шажарасида. Иккинчи ва учинчи мисралари эса «аҳраб» шажарасида ёзилгандир:

*Эй соқий, мени хумордин айла халос,
Тут бодау, дилфигордин айла халос.
Ҳар амрки қилмиш Тангри они бизга
Рози қил ихтиёрдин айла халос ¹.*

Муҳаййир девонидаги аралаш вазнда ёзилган ўн етти рубойдан бошқа барчаси «аҳраб» вазнида ёзилган. Ўзбек шеърлятида рубойлар кўпроқ «аҳраб» вазнида ёзилиши қайд қилиб ўтилган ².

Муҳаййир рубойларининг ўн олтитаси тўртала мисраси ҳам қофияланган бўлиб, қолганлари учта мисраси қофияланган рубойдир. Рубойнинг тўрт ёки уч мисраси қофияланишининг унчалик муҳим аҳамияти бўлмаса-да, ҳар ҳолда учинчи мисраси қофиясиз бўлган рубой шоирга ўз фикрини эркинроқ ифодалашга, охириги – тўртинчи мисрани шаклан ва мазмунан кучайтиришга имкон беради. Шу жиҳатдан Муҳаййир учта мисраси қофияланган рубойга кўпроқ мурожаат қилган бўлса керак. Лекин унинг тўрттала мисраси қофияланган рубойлари ичида ҳам маҳорат билан ёзилганлари учрайди: Алишер Навоийнинг «Фирок» радифли рубойсига назира тарзида ёзилган Муҳаййир рубойсини кўриб чиқайлик:

*Жонимга жафо ханжарини урди фироқ,
Жисмимни фано елига совурди фироқ,*

¹ Девон. 150-а.

² Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубой. – Т.: Фан, 1981. – Б. 14.

*Кўнглумда алам мажлисини қурди фироқ,
Умримни ажал илкига топшурди фироқ*¹.

Бу рубойнинг яратилишига Навоийнинг «Бадойиъ ул-бидоя» девонига киритилган куйидаги рубойиси асос бўлган:

*Юз меҳнату гам кўнглума еткурди фироқ,
Жонимга балову дард ўқини урди фироқ,
Жисмимни фано ўтига куйдурди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ*².

Ҳар икки рубойнинг вазни бир хил: Ҳазажи му-саммани ахраби солими макфуфи мажбуб (мафъувлу мафойилун мафойилу фаул), қофия ва радифи ҳам бир хилдир.

Эътибор берилса, Муҳаййир ўз рубойисини навоийёна битишга урингани, қайсидир маънода улуғ шоир билан мусобақага ҳам киришгани сезилади. Муҳаййир рубойиси шаклан мукамал бўлса-да, ундаги фикрнинг тадрижида озгина узилиш, тарқоқлик сезилади. Навоий рубойида эса фикр ниҳоятда изчил, тугал. Унда фироқнинг биринчи зарби ошиқ кўнглига тегяпти, сўнг жонга тегяпти. Жонга фироқнинг ўқи етгач, кўнгил ҳам, жон ҳам маҳв бўлди. Энди фақат куруқ жисм қолди. Фироқ жисмни ҳам тинч қўймай, уни фано ўтида куйдиради, куйиб кул бўлгач эса, кулини кўкка совуради. Демак, фикрдаги тадрижийлик рубойида бошдан-оёқ занжир бўлиб давом этиб, ўзининг кульминацион нуқтасига етган ва шу ерда тўхтаган.

¹ Девон. – В. 150.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Биринчи том. Бадойиъ ул-бидоя. – Т.: Фан, – Б. 653.

Муҳаййир рубойида биринчи мисрада фироқ тарафидан жонга жафо ханжари урилди. Иккинчи мисрада ханжар урилиб жонсизланган жисмни фироқ фано елига совурди. Учинчи мисрада яна кўнгил ҳақида сўз очилиптики, бунда озгина мантиқ чегараси бузилгандай бўляпти. Чунки жонга аллақачон фироқ тарафидан ханжар урилиб, жонсизлантирилган, ҳатто жисм ҳам кул қилиб фано елига совуриб юборилган. Энди кўнгил йўк.

Тўртинчи мисрада яна «Умримни ажал илкига топшурди фироқ» деб таъкидланаяпти. Ваҳоланки, биринчи мисрада жонга жафо ханжари урилиши билан иш тамом бўлган. Мантиқан олиб қараганда, тўртинчи мисрадаги фикр биринчи мисрадаги гапнинг қайтариғига ўхшаб қолган. Шу боисдан ҳам Муҳаййир рубойида фикр изчиллиги, мантиқ уйғунлиги етишмагандек таассурот уйғотади.

Бу икки рубойини солиштириш шуни кўрсатадики, Муҳаййир шаклан Навоий рубойисига мос рубойий ёза олган, лекин воқеалар тадрижийлиги, фикрнинг камрови ва ҳаёлнинг забткорлигида Навоий эришган юксакликка чиқа олмаган. Буни Муҳаййирнинг ўзи ҳам эътироф этиб, улуғ шоирлар назми олдидан ўз шеърларининг рангпарлигини айтиб, шундай ёзган эди: «Баъзи ғазалларимда бир навъ шеър санъатидан андак топилғай. Мунчалик бирла инсоф шулким, шуаро назмлариға қараганда ҳунардин орийдир...»¹.

Албатта, Муҳаййир «шуаро» деганда Ҳофиз, Лутфий, Жомий, Навоий каби назм устозларини назарда тутганлиги табиий.

Муҳаййир девонидаги рубойлар ичида бешта рубойий шаклан ва мазмунан Алишер Навоий рубойларига назира тарзида ёзилгандир. Жумладан Муҳаййирнинг:

¹ Девон. – В. 3.

*Май тутса, қилай соқийға жонимни эваз,
Жоним не бўлур, қилай жаҳонимни эваз.
Бир қатра ичар чоғда тўкулса анга,
Бошимдин ўтай этгани қонимни эваз¹, –*

рубойиси Алишер Навоийнинг қуйидаги рубойисига та-
таббу қилиб ёзилгандир:

*Бер жому ол, эй муғбача, жонимни эваз,
Қўш тутқилу ол икки жаҳонимни эваз.
Они сумурурда қатрае томса агар,
Сен ҳам тўк анинг ўрнида қонимни эваз².*

Юқоридаги рубойидан ҳам кўриниб турибдики, Му-
ҳаййир ўз иқтидори даражасида Навоий асарига ҳам
мос рубой ярата олган. Агар Алишер Навоий биринчи
мисрадаёқ «жому», «муғбача» ва «жонимни» сўзлари-
ни санъаткорона қўллаб, улардаги «ж» в «ч» товушлар
орқали тавзиё санъатини вужудга келтирган бўлса,
Муҳаййир ҳам биринчи мисрадаёқ «май» ва «қилай»
сўзларидаги «й» товуши орқали ҳамда «қилай» ва
«соқийға» сўзларидаги «қ» ва «ғ» товушлари орқали
худди шу лафзий санъатни вужудга келтирган. Муҳай-
йир рубойисининг иккинчи мисраси биринчи мисрада-
ги охириги «жоним» сўзи билан бошланиб, «тасбиғ» ёки
«ташобеҳул-атроф» маънавий санъати асосида фикрий
изчиллик таъминланган. Шунингдек, шоир иккинчи
мисрада биринчи мисрадаги фикридан қайтиб, «Жо-
ним не бўлур, қилай жаҳонимни эваз...» деб янада куч-
лироқ эмоцияли фикрни баён қиляпти: Бу фикр ҳам
ружу санъати воситасида баён қилиниб, маъно янада

¹ Девон. 150-а.

² Алишер Навоий. МАТ. Биринчи том. – Т.: Фан, – Б. 651.

куюклаштирилган. Энди Навоий рубойисининг иккинчи мисрасига келсак, улуғ шоирнинг фавқулодда маҳорати шу ерда «ярк» этиб намоён бўлган. Навоий: «Кўш тутқилу, ол икки жаҳонимни эваз...» деб муғбачага муурожаат қиляпти. Яъни майни кўш (жуфт) тутиб, унинг эвазига икки жаҳонимни олгин, деяпти шоир. «Кўш» ва «икки» сўзлари муродиф (синоним) – маънодош бўлиб, мисранинг устунни вазифасини ўтаяпти. Навоий «эваз» сўзига шу қадар кўп маъно юклаганки, ундан олдинги «кўш» ва «икки» сўзлари ўша сўзнинг тобеига айланган. «Эваз» (عَوَظٌ) арабча сўз бўлиб, «ўрнини тўлдириш», «товон тўлаш», «муқобил» деган маъноларни англатади¹. Эваз дегани бир нарсанинг ҳисобига бошқа бир нарсани айнан беришдир. Агар Навоий шу мисрада «Кўш тутқилу» демаганда икки жаҳон унга эваз бўлмай қолар эди.

Муҳаййир рубойиси:

*Бир қатра ичар чоғда тўкулса, анга
Бошимдин ўтай этгали қонимни эваз, –*

деб тугалляпти. Муҳаййир учинчи мисрада «р» товуши қатнашган сўзларни ёнма-ён тизиб, тавзиъ санъати воситасида мисрага ўзгача оҳангдорлик бахш этган. Муҳаййир рубойиси соқийга муурожаат билан бошланмаган, ҳаракат ихтиёри соқийга берилмаган. Шунинг учун ҳам тўртинчи мисрада шоир «Бошимдин ўтай этгали қонимни эваз» деб ўз қонини тўкилган бир қатра майга товон қилиб тўлашни зиммасига олган. Муҳаййир рубойиси шарт маъносини ифодалаган жумла «Май тутса...» билан бошланиб, ундан кейинги гаплар

¹ Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С. 550.

хаммаси ўша шарт жумлага жавоб тариқасида келтириляпти ва шу билан рубойидаги мантикий ва фикрий изчиллик таъминланаяпти.

Навоий рубойисининг учинчи:

Они сумурурда қатрае томса агар, –

мисрасида улуғ шоирнинг фавқулудда назмий иқтидори намоён бўлган.

Муҳаййир иккита сўз билан берган маънони Навоий битта сўз билан ифодалаяпти, Муҳаййир битта сўз билан ифодалаган маънони Навоий битта ҳарф воситасида беряпти. Муҳаййир «ичар чоғда» деб икки сўз билан баён қилган фикрни Навоий «сумурурда» сўзи билан, ундан-да кучлироқ маъно билан етказаяпти. Муҳаййир «бир қатра» деб ифода этган маънони Навоий «қатрае» сўзидаги «е» ҳарфи зиммасига юклаган-қўйган. Ҳаттоки сўз охиридаги шу «е» ҳарфи «бир» сўзидан кўра кучлироқ маънони, «бирор» сўзининг маъносини беради. Демак, Навоий «қатрае томса агар...» деганда, «бирор қатра томса» деган маънони назарда тутган. Агар Муҳаййир рубойида ҳаракат ташаббуси шоир – биринчи шахс ихтиёрида бўлса, Навоий рубойида ташаббус муғбачага – иккинчи шахсга топширилган. Шу мантиқ талабига ҳар иккала шоир рубойи охиригача ория қилганлар. Муҳаййир тўртинчи – охириги мисрада «Бошимдин ўтай...» деб қонини эваз қилишда ҳаракатнинг ўзи тарафидан бўлишига урғу берган бўлса, Алишер Навоий ўз рубойисини муғбачага мурожаат билан бошлаган ва охириги мисрада ўз қонини тўкиш ҳуқуқини яна муғбачага топшириб, шеърини

Сен ҳам тўк онинг ўрнида қонимни эваз, –

деган сатр билан якунляяпти.

Муҳаййирнинг Алишер Навоийга татаббуъ тарзида ёзилган рубойлари орасида унча муваффақиятли чикмаганлари ҳам бор. Жумладан, Навоийнинг «Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш...» деб бошланган машҳур рубойсига эргашиб, Муҳаййир қуйидаги рубойни ёзган:

*Ҳуш аҳли ғарибликда ватан қилмас эмиш,
Оқил киши элидин айрилмас эмиш.
Ғар бўлса ғариб филмасал Афлотун,
Ғурбатда анинг қадрини эл билмас эмиш.¹*

Рубойида ғурбатдаги кишининг қадрини ҳеч ким билмаслиги, ғариб жуда юксак поядаги инсон бўлса ҳам, ғарибликда эътибор топа олмаслиги баён қилинган. Навоий рубойиси билан солиштирилганда, Муҳаййир рубойисининг бадиий жиҳатдан суствлиги сезилиб қолади. Лекин, бизнингча, бу нарсани Муҳаййирнинг камчилиги деб эмас, балки Алишер Навоий рубойисининг фавқулодда кучли бадиияти билан изохлаш тўғрироқ бўлади.

Муҳаййир кўпгина рубойларида умрнинг ўткинчилигидан, вафосизликдан, меҳрсизликдан, ғофилликдан ва ўлимнинг яқинлигидан сўзлайди:

*Дунёни хаёли бағрими қон қилди,
Уқбо гами кўнглумни паришон қилди.
Даврон ситами дилимни вайрон қилди,
Ҳижрон алами ўлумни осон қилди².*

Лекин бу мисралар умидсизлик, йўлсизликдан гангиган инсоннинг ҳасрати бўлиб эмас, балки ҳаёт мазму-

¹ Девон. – В. 150.

² Девон. – В. 152.

нини теран англаган, тириклик ва ўлимнинг моҳиятини тўғри тушунган, охират ғамини еган шоирнинг армонли нидоларидир.

Табиатнинг бетакрор манзараларидан завқланиш, ўзини табиатнинг бир бўлаги деб ҳис қилиш кайфияти Муҳаййир рубоийларида ҳам ўз аксини топган:

*Гуллар очилиб, бўлди жаҳон хурраму хуш,
Кетти яна қумри бирла булбулдин хуш.
Қилгонда алар нолаву афгон хуруш,
Мен қайси кўнгул билла тутай ўзни хамуш.¹*

Муҳаййир рубоийларини кузатар эканмиз шундай хулосага келиш мумкин: у рубоий ёзиш масаласида кўп асрлик мумтоз адабиётимиз анъаналарига ўз замондошларига нисбатан кўпроқ риоя қилган. Муҳаййир девонида етмишдан ортиқ рубоий мавжудлиги бу фикрни исботлайди. Унинг рубоийларида Алишер Навоий ижодининг таъсири кучли сезилади. Дарҳақиқат, Муҳаййир Навоий рубоийларидан таъсирланиб, яхши натижаларга эришган. Муҳаййир ўз ижодида лириканинг мураккаб бўлган бу шеър шаклидан самарали фойдаланган ва ўзига замондош шоирлардан фарқли равишда кўпгина рубоийлар ёзган. Муҳаййир ижодида рубоийларнинг сон ва сифат жиҳатидан салмоқли ўрин тутиши уни замондошларидан ажратиб турувчи хусусиятлардан бири сифатида эътироф этилиши лозим.

Муҳаййир ижодий меросида мухаммаслар мавзу ва бадиийлик жиҳатидан алоҳида эътиборга лойик. Унинг мухаммасларининг аксарияти Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хожа Ҳофиз Шерозий каби Шарқнинг луғ мутафаккир-шоирлари ғазалларига боғланган.

¹ Девон. – В. 150.

Муҳаййир девонидаги ўттиз бешта мухаммаснинг ўн тўққизтаси ўзбек тилида ёзилган. Шулардан тўрттаси шоирнинг ўз мухаммаслари, ўн биттаси Алишер Навоий ғазалларига боғланган, иккитаси Муқимий ғазалларига, қолган учтаси эса Амирий, Фурқат ва Нодим Намангонийларнинг ғазалларига боғланган тахмислардир.

Маълумки, тахмис боғлаш санъати мумтоз шеърятимизда жуда кенг тарқалган анъана бўлиб, у ижодкордан катта шоирлик истеъдодини, билим ва бадиий маҳоратни талаб қилади. Айниқса, тахмис боғлаётган шоирнинг ўзидан кўра истеъдодли, улуғ адиблар ғазалига мурожаат қилиши ғоят масъулиятлидир.

Муҳаййир ҳам мана шу масъулиятни тўлиқ ҳис қилган ҳолда бир қанча етук мухаммаслар яратишга муваффақ бўлган. Унинг тахмисларидан маълум бўладики, у мумтоз шеърятимизни, хусусан Алишер Навоий ижодини жуда яхши билган. Шоирнинг ўзи ҳам буни эътироф этиб, девон дебчасида қайд қилиб ўтган.

Муҳаййир ижодида Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмислар алоҳида ўрин тутади. Шуниси эътиборга лойиқки, Муҳаййир Алишер Навоий ижодининг гултожи бўлган, энг машҳур ғазалларга тахмислар боғлаган. Бунга Алишер Навоийнинг «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб» деб бошланувчи ғазалига боғланган тахмисни намуна қилиб кўрсатиш мумкин.

Маълумки, Навоийнинг бу ғазали ихтиро ғазал бўлиб, мазмун ва ғоя жиҳатидан анъанавий ғазаллардан фарқланади ва ўзининг етуклиги, мукамаллиги билан кейинги ижодкорлар диққатини ўзига тортган. «Машҳур бу ғазал Навоий ижодиётидагина эмас, бутун ўзбек адабиётида айрича ўрин тутади»¹. Ушбу ғазалнинг Алишер

¹ Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 85.

Навоий ижодида алоҳида ўрин тутганлигини таъкидлаб, профессор А.Абдуғафуров шундай дейди: «Навоий ғазалининг шеърятимизда жиддий ижобий ҳодиса бўлганлигини кўрсатувчи ишончли далиллардан яна бири – улуғ шоирдан кейинги турли асрларда ва турли адабий муҳитларда унга кўплаб тахмислар боғланганлигидир».¹

Тахмиснинг дастлабки бандиданоқ Муҳаййир улуғ шоир ғазалининг руҳига мос мисралар ярата олган:

*Сочин рухсори узра ҳалқа-ҳалқа печтоб айлаб,
Бўлуб сармаст, гулгун тўн кийиб, илгин хузоб айлаб,
Тамошио аҳли-ю агёрлардин ижстиноб айлаб,
Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,
Хироми суръатидин гул уза хўйдин гулоб айлаб².*

Муҳаййир кейинги банддаги «маъшуқнинг ўз ёнидан жой бериши» лавҳасини янада тафсилоти билан баён қилишга тушади. Ошиқнинг маъшуқ ёнидан жой олиш ҳолатини босқичма-босқич тасвирлайди:

*Ўшал дамким, ул ой васли гулистониде ер берди,
Бошим кўйига гўё зулфи чавгониде ер берди,
Менга ўйнарга жон ушишоқ майдониде ер берди,
Келиб ўлтурди-ю, илким чекиб ёнида ер берди,
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.*

Муҳаййир мухаммаснинг бу бандида ошиқ қалбининг ўз маъшуқи олдидаги туғёнини, кўнгил ҳаприқишини фавқулодда бадий воситалар билан баён этган.

¹ Абдуғафуров А. «Ихтироъ» ғазал ва унинг силсиласи // Ўзбек тили ва адабиёти. 1996. – №1. – Б. 16.

² Девон. – В. 29.

Маъшуқанинг ўз ошиғи олдига келиб, унинг кўлидан тутуб, ўз ёнидан жой бериши илтифотининг бошланишидир. Мухаммасдаги: «Менга ўйнарға жон ушшоқ майдонида ер берди...» сатри алоҳида эътиборга молик. Чунки маъшуқанинг «васл гулистонида», «зулфи чавғонида» ва ниҳоят «ёнида» ер беришининг натижаси гўё ошиқ учун «жон ўйнарға» имконият эди. Ошиқнинг бу ўйини жуда таҳликали, хавфли ўйин. Чунки у бу майдонда бировнинг эмас, ўзининг жонини ўйнади, лекин шунга қарамай, ошиқнинг ҳаловати ўшанда, қалб роҳати жонини фидо қилганда!

Кейинги бандда маъшуқа ошиғидан жон олғувчи ҳол сўрашни бошлайди:

*«Муҳаббат аҳли ичра фойиқим, менсиз нечукдурсен?
Ғаму дардим чекарга лойиқим, менсиз нечукдурсан?
Асиру мубталойи содиқим, менсиз нечукдурсан?
Ки, эй зори болокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан?»
Мен ўлдим долким, айтолмадим майли жавоб айлаб.*

Бу ҳол сўраш ошиқнинг дардига дард кўшяпти, ғамига ғам. Эътибор берсак, бу банд икки шоир қаламидин чиққанга ўхшамайди. Унда сатрларнинг ўзаро яхлитлиги, пайвандлиги мавжуд. Мухаммаснинг бу бандидаги мисралар «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Шириннинг Фарҳодга ёзган мактубидаги сатрларни ёдимизга солади:

*«...Недур аҳволинг, эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим?
Чекардин ғам тогин ҳолинг нечукдур,
Бу юкдин жисми чун нолинг нечукдур?»*

*Қаттиқ гурбат аро ҳолинг не эркин,
Ачиқ фурқатда аҳволинг не эркин?»¹*

Айтиш мумкинки, Муҳаййир ҳам ўз тахмисининг айнан юқоридаги бандида фавқулудда шеърини маҳорат намоён қилиб, Навоий ғазалининг шакл ва руҳига мос тарзда ғоя ва бадий жиҳатдан мувофиқ мисралар ярата олган.

Айтиш керакки, Навоийнинг мазкур ғазалига Зокиржон Фурқат ҳам тахмис боғлаган. Унинг тахмиси ҳам тўққиз банддан иборат. Фурқат тахмисининг биз юқорида сўз юритган бандга мос – бешинчи банди қуйидагича нашр қилинган:

*«Добон ишиқим йўлида содиқам мен, сен нечукдурсан?
Чекиб ҳажрим висола лойиқам мен, сен нечукдурсан?
Вафода ўзгалардин фойиқам мен, сен нечукдурсан?
Ки эй зори балокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан?»
Мен ўлдум лол, сўз айтолмайин майли жавоб айлаб².*

Бу банддаги хатолар яққол кўриниб турибди. Ҳатто кўлёмани кўрмасдан ҳам дадил айтиш мумкинки, Зокиржон Фурқатдек нозиктабъ шоир Алишер Навоий ғазалига бу тарзда тахмис боғлаши, яъни элементар шеър техникасида бунчалик хато қилиши мумкин эмас. Бу ерда нашрга тайёрловчиларнинг эътиборсизлиги туфайли кўпол хатога йўл қўйилган, натижада Зокиржон Фурқатга мансуб мисраларда қофия ва радиф бузилган, маънога ҳам жиддий путур ётган. Ваҳоланки, Алишер

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 8-том. – Т.: Фан, 1991. – Б. 369.

² Фурқат. Танланган асарлар. Икки томлик. Иккинчи том. – Т.: ЎзССР Бадий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 86.

Навоий байтидаги биринчи мисранинг ўзи юқоридаги сатрларнинг қандай тарзда бўлиши лозимлигини белгилаб турибди. Аслида бу банд қуйидагича бўлиши керак эди:

*Дебон: «Ишқим йўлида содиқим, менсиз нечукдурсан?
Чекиб ҳажрим, висола лойиқим, менсиз нечукдурсан?
Вафода ўзгалардин фойиқим, менсиз нечукдурсан?
Ки эй зори болокаш ошиқим, менсиз нечукдурсан?»
Мен ўлдум лол, сўз айтолмайин майли жавоб айлаб.*

Муҳаййир ўз тахмисини қуйидагича яқунлайди:

*Муҳаййир, истагил бўлмоқ фано ҳайрат туни мундоқ,
Фано недур, йўқолмоқ касратинг ваҳдат туни мундоқ,
Топар чин ошиқ ўлгон мақсадин вуслат туни мундоқ,
Аниким элтгай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,
Навоийдек ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Тахмиснинг бу яқунловчи бандида шоир тано-суб санъатидан моҳирона фойдаланган. Мисраларда «фано», «ҳайрат», «касрат», «ваҳдат», «вуслат», «ошиқ» каби диний-гасаввуфий атамалар табиий равишда тизиб келтирилган ва мазмун изчиллиги тўла сақланган. Шунингдек, шоир бу бандда ружуъ санъатини ҳам қўллаган. Тахмиснинг дастлабки икки мисрасида:

*Муҳаййир, истагил бўлмоқ фано ҳайрат туни мундоқ,
Фано недур, йўқолмоқ касратинг ваҳдат туни мундоқ, —*

деб аввалги мисрада шоир ҳайрат тунида фано бўлиш истаги борлигини айтмоқда. Иккинчи мисрада эса фано бўлиш истагининг ўзи камлик қилгани таъкидланиб,

гүё биринчи мисрадаги фикрдан қайтилиб, бундай ваҳдат тунида¹ – ғанимат тунда бутунлай касратни йўқотиш тилаги билдириляпти. «Касрат» сўзининг луғавий маъноси «кўплик», «кўпчилик», «мўллик» деганидир². «Касрат» сўзи фақатгина истилоҳий маънода, «ваҳдат» сўзининг зидди сифатида қўллангандагина салбийлик маъносига эга бўлади. Масалан, Муҳаййир бошқа бир ғазалида шундай дейди:

*Касратимни гарқ қилди гарчи тўфони фано,
Лек ваҳдат тахтаси киштии лангардур менга³.*

Бу байтда «касрат» сўзи айна биз айтган маънода, яъни «ваҳдат» сўзининг антоними – зидди сифатида қўлланган.

Бобораҳим Машраб:

Бир Худодин ўзгаси барча галатдур, Маширабо, –

деб айтганида, «бир Худодан ўзга» ибораси орқали «мосиваллоҳ» ни, яъни «касрат» ни назарда тутган ва Худонинг боқийлигига, касрат оламининг эса фонийлигига ишора этган.

Хуллас, Муҳаййирнинг Алишер Навоийнинг юқоридаги ғазалига боғлаган тахмиси унинг ижодидаги энг муваффақиятли чиққан асарларидан биридир. Кузатиш

¹ Ваҳдат – бирлик, бирга бўлмок. Тасаввуфий истилоҳ сифатида Ҳақ зотининг яғоналиги. Маънавий вуслат. Ошиқнинг маъшук билан бирга бўлиши ва ҳоказолар.

² Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 307; Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С. 679.

³ Девон. – В. 12.

давомида маълум бўлдики, Муҳаййир ўз тахмисини навоийёна битишга уринган, шаклан ва мазмунан, руҳ ва ғоя жиҳатидан улуғ шоир ғазалига мувофиқлигини таъминлашга ҳаракат қилган ва кўп ўринларда бу мақсади-га эриша олган ҳам.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Муҳаййир Алишер Навоийнинг ўн битта ғазалига тахмис боғлаган. Муҳаййир тахмис боғлаган Алишер Навоий ғазалларининг биринчи мисралари қуйидагича:

1. «Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб...»

2. «Ҳақ ўзин қилди муҳиб, сен ойни маҳбуб, эй ҳа-биб...»

3. «Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур...»

4. «Ҳар гадоеким жаҳонда бир мувофиқ ёри бор...»

5. «Кийик чарми заиф эгнимга мажнунлиғ нишони бас...»

6. «Ул париваш муддаийға меҳрибондур, бизга йўқ...»

7. «Ул париким, қайди зулфиға мажониндур укул...»

8. «Ҳижрон кунин бир йилча-у, ҳар соатин бир ойча бил...»

9. «Бало дашти аро Мажнун менингдек кўрмамиш даврон...»

10. «Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била...»

11. «Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли хашам чекти...»

Навоийнинг «Саҳар ховар шаҳи...» деб бошланувчи ғазалига Муҳаййир боғлаган тахмис ҳам жуда яхши чиққан. Унда саҳар чоғида қуёшнинг кўтарилиш манзараси ниҳоятда гўзал ва жонли чизилган:

*Азал наққоши то кавнайн нақшига қалам чекти,
Жаҳон боғин баҳори фазлидин рашки Ирам чекти,
Яди қудрат магар «сир» амрига, ё Раб, рақам чекти,
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайли ҳашам чекти,
Шуъоий хат била кўҳсор уза олтун алам чекти.¹*

Азал наққоши, яъни Яратувчи, кавнайинни – икки дунёни (дунё ва охиратни ²) яратишни ирода қилгач, бу дунё боғининг баҳор пайтидаги гўзаллигини Эрам боғи рашк қиладиган даражада яратди. Яди қудрат, яъни Яратувчининг қудрат қўли – иродаси «сир» – «юр» деб амр қилгач, Шарқнинг подшоси – Қуёш саҳар пайтида чарх узра ўзини намоён қилди, гўёки шуъоий – нурли хат билан тоғлар устига олтин байроқни ёйди.

*Не ҳикматдурки, айлаб бу самоу арз таъмирин,
Тузуб онлар ичида жумла мавжудот тасвирин,
Ёзиб кўк лавҳига зийнат учун анжум таҳририн,
Китоби сунъи килки сураи «Ваишамс» тафсирин
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.*

«Не ҳикматдурки...» жумласи бу ерда савол маъносида эмас, балки Яратувчининг санъаткорлиги қаршисидаги ҳайрат ва ажабланишнинг ифодасидир. Банд мазмуни қуйидагича: «Нақадар зўр ҳикмат билан осмону заминни барпо қилди, уларнинг ичидаги жамики мавжудотларни ўзига хос шаклу шамойилда яратди, кўк лавҳига зийнат учун юлдузлар шодасини ёзиб қўйди, Яратувчининг қалами (гўёки) «Вашшамс» сура-

¹ Девон. – В. 141.

² Навоий асарлари луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 298.

сининг¹ тафсирини фалак тоқининг ҳошиясига зарҳал ҳарф билан ёзиб қўйди».

Муҳаммас бандларидан кўриниб турибдики, Муҳаййир мисралари Навоий сатрлари билан ҳамоҳанг, маъно жиҳатдан изчил. Айрим сатрлар орасидаги фарқ сезилмаслик даражасига етган. Муҳаййир ўз мисраларига Навоий байтига мос келадиган даражада фалсафий-бадий салмоқли фикрни сингдира олган.

Муҳаййирнинг Алишер Навоий ғазалларига боғлаган мухаммасларидан маълум бўладики, унинг ижодига Навоий шеърини бевосита кучли таъсир кўрсатган. Бу жиҳат, айниқса, Муҳаййир мухаммасларида янада равшанроқ намоён бўлган. Муҳаййир мухаммаслари ичида Алишер Навоий ғазалларига боғланган тахмисларнинг сон жиҳатидан ҳам, сифат жиҳатидан ҳам салмоқли ўрин тутиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Муҳаййир, шунингдек, Амирийнинг «Чун хатинг Хизр эрур...» деб бошланувчи ғазалига, Муқимийнинг «Ёлғуз» ва «Айлаб келинг» радибли ғазалларига, Зокиржон Фурқатнинг «Кам-кам бўлур», Нодим Намангонийнинг «Де» радибли ғазалларига муносиб тахмислар боғлаганлиги унинг ўз даврининг пешқадам қалам соҳиблари билан яқин ижодий муносабатда бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, Муҳаййир Муқимийнинг икки ғазалига ҳам муваффақиятли тахмис боғлаган. Ҳар икки тахмисда ҳам Муқимий ғазалининг руҳига мувофиқ маъно, тил ва услуб кўзга ташланиб туради. Фикримизнинг исботи учун мухаммаснинг дастлабки ва охириги бандларини келтирайлик:

¹ «Вашшамс» – Қуръони Каримнинг 91-сураси. Бу суранинг биринчи ояти «Қуёш ва унинг ёғдусига қасам...» деб бошланади. Қуёш Яратувчи қудратининг аломатларидан бўлгани, шунингдек, сўз сахар вақтида қуёшнинг чиқиш манзараси устида кетаётгани учун Навоий айнан шу сурани зикр қилган.

*Борур эрдим йўлида мунтазир мен мубтало ёлгуз,
Чекиб бечора жоним ҳажр даштида жафо ёлгуз,
Бўлуб шавқим зиёда, дамбадам айлаб наво ёлгуз,
Баногоҳ учради от ўйнатиб бир дилрабо ёлгуз,
Рикобига суруб кўз, қўл очуб, қилдим дуо ёлгуз...*

*Муҳаййирга дамодам еткуруб раҳмат насимини,
Кечуб ёзуқларин, қилгин ато васли наимини,
Амонда асра бежо фикрдин табъи салимини,
Паноҳи исматингда асрагил, ёраб, Муқимийни,
Хатарлик даит аро саргаштадур, бераҳнамо ёлгуз.¹*

Дарҳақиқат, юқоридаги икки бандда мазмунга мос оҳанг, оҳангга мос маъно мужассамлигини, уйғунлигини кўраимиз. Лирик қаҳрамоннинг ҳаракати, илтижо ва дуоларида самимият бор, янада муҳими мисраларда мантиқ мутаносиблиги кўзга ташланиб туради.

Муҳаййир ҳар доим тахмисига асос бўлган ғазалнинг ғоявий-бадий хусусиятларига жиддий аҳамият бериш билан ундаги етакчи руҳ ва оҳанг жилоланишини ҳам унутмайди, ўша руҳ-оҳангнинг ўз мисраларида сақланишини таъминлаган ҳолда тахмисга яхлитлик, тугаллик бағишлашга муваффақ бўлади.

Муҳаййир ўзига замондош шоирлардан Муқимий билан нисбатан яқинроқ ижодий муносабатда бўлганга ўхшайди. Чунки у замондошларидан фақатгина Муқимийнинг икки ғазалига тахмис боғлаган, холос. Муқимий ҳам, ўз навбатида, Муҳаййирнинг «Юзунга» радифли ғазалини ўз тахмиси учун асос қилиб олган.²

Муқимий ва Муҳаййирнинг ижодий табълари бир-бирига яқин бўлганлиги ҳар икки ижодкорнинг тахмис

¹ Девон. – В. 65.

² Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. 1-том. – Т.: Ўзбекистон Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 247.

учун ғазал танлашларида ҳам намоён бўлган. Муҳаййир девонида Нодим Намангонийнинг «Де» радифли, Зокиржон Фурқатнинг «Кам-кам бўлур» радифли ғазалига, Мунтазирнинг форсча «Дорад» радифли ва Абдурахмон Жомийнинг машҳур «Мекуни ё не?» радифли ғазалларига боғланган тахмисларни учратамиз. Айнан шу ғазалларга боғланган тахмислар Муқимий ижодида ҳам мавжуддир¹.

Муҳаййирнинг Амирий ғазалига боғлаган олти бандли мухаммаси диний мазмунда бўлиб, у пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга наът йўлида ёзилган. Мухаммаснинг яқунловчи банди ушбудир:

*То ўзин хокроҳи аҳли камол этти Амир,
Ғам била пайкари мажруҳини нол этти Амир,
Нахл қаддини Муҳаййир каби дол этти Амир,
Ёр васлига етушмоқни хаёл этти Амир,
Ҳазрати Саййиди кавнайнга айтиб салават².*

Зокиржон Фурқатнинг «Кам-кам бўлур» радифли ғазалига боғланган Муҳаййир мухаммаси ҳам унинг ўз давридаги пешқадам қалам аҳллари билан яқин ижодий муносабатлари мавжуд бўлганини кўрсатувчи яна бир далилдир. Шунингдек, Зокиржон Фурқат ҳам чет элдан туриб Завқийга ёзган мактубида Муҳаййирни энг яқин дўстлар қаторида зикр қилади:

*Муҳйи, Муқимий, Нусрат, аҳбобимиз Муҳаййир,
Фурқат чекар қомуя чўх иштиёқ, Завқий³.*

¹ Ўша асар. – Б. 268-270,-271,-273-274,-328-329.

² Девон. – В. 35.

³ Завқий. Танланган асарлар. – Т.: ЎзССР Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 103.

Фурқат байтига эътибор берсак, у Муҳаййирни ўз даврининг таниқли шоирлари қаторида санаб, алоҳида хурмат кўрсатмоқда.

Муҳаййир Зокиржон Фурқат ғазалига боғлаган тах-мисини шундай тугаллайди:

*Бу Муҳаййир зорини беҳуда билманг, дўстлар,
Ҳам маломат тийғидин кўксини тилманг, дўстлар,
Деб ачиғ сўзларни жонига тикилманг, дўстлар,
Беҳунар деб Фурқатийни таъна қилманг дўстлар,
Лутфи ҳақ бўлса агар, машқи бажо кам-кам бўлур¹.*

Муҳаййир девонида ўзининг мухаммаслари тўрт-та бўлиб, буларнинг биринчиси етти банддан ташкил топган «Тут» радифли мухаммас, иккинчиси «Кел» радифли етти бандли мухаммас, учинчиси «Ўлмишам» радифли олти банддан иборат мухаммас ва тўртинчиси «Қачонким шоҳимиз...» деб бошланувчи ижтимоий-фалсафий мазмундаги саккиз бандли мухаммасдир. Бу мухаммасга юқорида тўхтаб ўтилди.

Муҳаййирнинг диний-фалсафий мазмундаги «Тут» радифли мухаммасида ишқ ва унинг кўйига кирган ошиқнинг нозик ҳолатлари, кўнгил изтироблари маҳорат билан тасвирланади:

*Эй кўнгул, қочиб элдин, гўшаеда узлат тут,
Ёр ишқида жонга жон берурни миннат тут,
Нафйи этиб, вужудингни гайридин ҳазимат тут,
Кўйи итларин топсанг ҳар қаёнда, суҳбат тут,
Кўчаи муҳаббатда хорлиғни иззат тут².*

¹ Девон. – В. 61.

² Девон. – В. 33.

«Кўчай муҳаббатда хорлиғни иззат тут...». Бутун мухаммасга зийнат бўлиб турган мисра. Шу мисра орқали шоир ўзининг назмий иқтидорини яққол намойиш қила олган. Банднинг юқоридаги мисрасидан бошлаб, аста-секинлик билан охирги мисрадаги фикрни айтишга замин ясаляпти. Ва ниҳоят сўнгги қаторда шаклан гўзал ва мазмунан кучли фикр айтиляпти. Аслида хорлик ва азизлик тушунчаси ҳам жуда нисбий нарса. Бировнинг назарида азизлик бўлиб кўринган ҳолат иккинчи биров учун айни хорлик туюлади ёки аксинча. Бу тушунча учун ҳам жуда чиройли мезонни Алишер Навоий «На-сойим ул-муҳаббат»да келтириб ўтади: «Кимки ўзининг назарида хор кўринса, Аллоҳ таоло унинг даражасини баланд қилади ва кимки ўзига улуғ кўринса, Аллоҳ таоло уни бандаларининг назарида хор қилиб кўрсатади»¹.

Муҳаййир назаридаги ҳақиқий азизлик, иззат – «кўчай муҳаббатда» юриш, хор ва ҳақир бўлиб ҳам ўша кўчадан чиқмасликдир. Шоир «хорлиғни иззат тут» дейиш билан икки қарама-қарши маъноли сўзни бир жойда келтириб, тазод санъатини ўринли қўллаш билан бадиий баркамолликка эришган. Шоир мухаммаси давомида яна ёзади:

*Эй кўнгил, ватан ичра доимо мусофир бўл,
Олмагил қадамдин кўз, сайр этарда ҳозир бўл,
Қалб кўзгуси ичра субҳ-шом нозир бўл,
Ғайр гардини пок эт, беғубор хотир бўл,
Хуш айла дамнинг асраб, анжуманда хилват тут.*

Бу ерда нақшбандийликнинг «сафар дар ватан», «назар дар қадам», «хилват дар анжуман» каби асосий

¹ Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 51.

тамойиллари зикр этиляпти. Бунга ўхшаш мисралар Муҳаййир шеърларида учраб турса-да, улар Муҳаййирни мутасаввиф шоир дейиш учун етарли асос бўла олмайди. Бу нарса унинг учун тасаввуф таълимоти бутунлай бегона бўлмаганлигини билдиради, холос. Муҳаммас давомида панд-насиҳат оҳанглари кучайиб боради ва ниҳоят охирги бандда «Раҳмат истасанг, ўзни Мустафога уммат тут» деган умумий бир хулоса билан якунланади.

Муҳаййир ғазалларининг вазни ҳам ранг-барангдир. У ўз шеърларида ўнга яқин вазндан фойдаланган. Албатта, биринчи навбатда мумтоз адабиётимизда кенг қўлланган машҳур ва маъмул бўлган вазнлардан кўпроқ истифода этган. Лекин Муҳаййир девонида шеърятимизда жуда кам қўлланган вазнларда ёзилган ғазалларни ҳам учратишимиз мумкинки, бу нарса шоирнинг мумтоз шеърятимиз техникасини жуда яхши эгаллаганини билдиради. Масалан қуйидаги ғазал мумтоз шеърятда кам қўлланган комил баҳрида ёзилган:

*Мени даҳр богида мақсадим не гулу не сунбулу лоладур,
Назарим ўшал хату хол ила қаду зулфу ҳусну жамоладур.¹*

Бу ғазал комили мусаммани солим (мутафоилун мутафоилун мутафоилун) вазнида ёзилган. Бу вазннинг кам истеъмолда бўлганини Алишер Навоий «Мезонул ул-авзон»да қуйидагича таъкидлаган: «Ва комил баҳри била вофир баҳрида чун назм кам воқеъ бўлубдур, агар солим ва матбуъ баҳрлардур, аммо доирасиға оз таъарруз қилибдурлар...»².

¹ Девон. – Б. 53.

² Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. – Т.: Фан, 2000. – Б. 57.

Худди шу вазн ва шу қофияда Муқимий ва Муҳйилар ҳам ғазал ёзишган. Муқимий ғазалининг биринчи байти қуйидагидир:

*Хирадимни зоратин айлаган юзи ою сочлари ҳоладур,
Бу чаман аро на сановбару, на суман билан гули лоладур.¹*

Ҳар икки ғазал қиёслаб кўрилганда, уларнинг бири иккинчисига татаббуъ қилиб ёзилгани маълум бўлди. Одатда, икки даврдош шоирнинг ижодида шунга ўхшаш ҳолат кузатилса, яъни бир-бирига татаббуъ қилиб ёзган ғазаллари мавжуд бўлса, машҳур бўлган шоирнинг ғазалини биринчи бўлиб ёзилган, деб хулоса қилинади. Лекин айти биз дуч келган ҳолатда аксинча бўлиши ҳам мумкин, яъни Муҳаййирнинг ғазалига Муқимий ва Муҳйилар татаббуъ қилган бўлишлари ҳам мумкин. Бизнингча, бу масала унчалик муҳим аҳамиятга эга эмас. Бу ерда энг асосий нарса шуки, бу ғазал ҳар учала шоирнинг, яъни Муқимий, Муҳаййир ва Муҳйининг ўзаро яқин ижодий муносабатда бўлганларини яна бир бор тасдиқловчи далил бўлиб хизмат қилади.

Муҳаййир шеърятининг мавзу мундарижаси ва бадиияти юзасидан изланишларни қуйидагича хулосалаш мумкин:

– Муҳаййир шеърятининг мавзу мундарижаси кенг бўлиб, шартли равишда тўрт катта гуруҳга – ишқий, ахлоқий-маърифий, диний ва ижтимоий шеърларга ажратиш мумкин;

– шоир шеърларининг саломқли қисмини диний мазмундаги асарлар ташкил этади, бу туркум шеърларида у мумтоз адабиёт анъаналарига эргашган ҳолда

¹ Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. 1-том. – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти, – Б. 48.

Яратувчига ҳамд айтади, унинг Пайғамбарига саловотлар юборади, ўзининг ожизу шикасталигини ҳис етиб, муножотлар қилади;

– Муҳаййир ижодий меросида ижтимоий мазмундаги асарлар ҳам учрайди, бундай шеърларида у ўз даври ҳаётида рўй бераётган воқеаларга муносабат билдиради, бадиий ижод хусусида матбуотда олиб борилган мунозарада фаол қатнашади;

– Муҳаййир мумтоз адабиётимизнинг барқарор аъналарини изчил давом эттирди, унинг ижодида Лутфий, Жомий, Навоий ва Амирий каби улуғ сўз санъаткорларининг ғазалларига боғланган тахмисларни учратиш мумкин, бу тахмисларида у ўзининг бадиий маҳоратини, шеърини иқтидорини кўрсатишга ҳаракат қилган;

– Муҳаййир шеърини меросида рубоийлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди, унинг рубоийнавислик фаолиятини ўзига замондош бўлган шоирлардан ажратиш туровчи фазилат сифатида эътироф қилиш мумкин;

– Муҳаййир мумтоз адабиётимизнинг охириги бўғинига мансуб соҳиби девон шоир бўлиб, унинг истеъдоди Муқимий ва Фурқат каби ўз замондошлари тарафидан эътироф этилган.

III БОБ. МУҲАЙЙИРНИНГ ТАРЖИМОНЛИК ФАОЛИЯТИ

3.1. Муҳаййир таржима қилган «Қирқ ҳадис» ва арбаинчилик анъанаси

Изланишларимиз жараёнида Муҳаййир ижодининг мутлақо янги бир қирраси очилди. Шоир девонларининг ҳар икки нусхасида, шунингдек, 682-рақамли қўлёзма баёзда ҳам дебочадан кейин қирқ ҳадиснинг шеърий таржимаси келтирилган. Маълумки, ўзбек адабиётида Алишер Навоий бошлаб берган бир ижодий анъана мавжуд. Навоий Абдурахмон Жомий томонидан форсийга назм билан таржима қилинган қирқ ҳадисни 1481 йилда шеърий йўлда туркийга ўгириб, уни «Арбаин» деб номлаган эди¹. Алишер Навоийнинг қирқ ҳадисни айнан форсийдан туркийга таржима қилиши, аввало, шоирнинг ҳадисларга бўлган ихлос-эҳтироми бўлса, сўнгра устози Абдурахмон Жомийга бўлган чексиз ҳурматининг ифодасидир. Буни шоир ўз «Арбаин»и муқаддимасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади².

Муҳаййир девони нусхаларининг ҳар иккиси ҳам дебочадан кейин қирқ ҳадиснинг шеърий таржимаси билан бошланган. Шоир таржима муқаддимасида қисқагина сўзбоши ёзган. Унда жумладан шундай дейилади: «Анбиё сарварининг саҳиҳ ривоят бирла ворид бўлғон

¹ Алишер Навоий. Арбаин ҳадис. Қирқ ҳадис шарҳи. – Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 3.

² Алишер Навоий МАТ. 16-жилд. – Т.: Фан, 2000. – Б. 261.

ҳадисларидан қирқ ҳадисни бир ҳадиси қудсий бир-ла «Баллиғу анни ва лав оятан» фаҳвосинча («Мен ҳақимда бирор белги бўлса ҳам етказинглар» маъносича – А.Д.) форсий таржима юзидин Муҳаййир туркий рубоияда адо қилди. Умид будурки, ушбу ҳадисларни ёд қилғон уламо зумрасидан бўлғай»¹.

Муҳаййирнинг ёзишича, ушбу таржима қилинган ҳадисларнинг ҳаммаси саҳиҳ-ишончли ҳадислар бўлиб, улар форсийдан туркийга ўгирилгандир. Шунингдек, шоир Пайғамбар алайҳиссаломнинг «Менинг ҳақимда бирор белги бўлса ҳам етказинглар» мазмунидаги ҳадисига биноан ушбу ишга қўл урганини ҳам сўзбошида баён қилган.

Девон нусхаларида ҳадислар қуйидаги тартибда жойлашган: дастлаб юқорида ҳадиснинг арабча матни берилган, ундан кейин Муҳаййирнинг қитъа шаклида қилган таржимаси келтирилган. Лекин уларда таржима қилинган ҳадисларнинг форсча шеърий таржималари мавжуд эмас.

Муҳаййир томонидан таълиф қилинган 682-рақамли қўлёзма баёзда ҳам худди шу ҳадислар таржимаси мавжуд. Лекин тузилиши бир оз ўзгарган. Дастлаб ҳадиснинг арабча матни қизил сиёҳ билан битилган. Ундан кейин ҳадисларнинг форсий таржимаси қиялатиб ёзилган, сўнгра Муҳаййирнинг туркий таржимаси ҳам қиялатиб ёзиб чиқилган.

Бу қўлёзмадаги муҳим сўзбоши-изоҳ форсийда битилган. Унда жумладан шундай дейилади: «...Аммо баъд аз ҳамду сано ва дуруди сарвари анбиё махфий

¹ Муҳаййир. Девон. ЎзФАШИ Қўлёзма асарлар фонди. Инв. № 7493. – В. 5.

намонад, ки ба ривояти саҳиҳ ин каломи фасиҳ аз онҳазрат саллаллоҳу алайҳи васаллам ворид шуда, ки: «Баллиғу анни ва лав оятан», яъни барпоянд умматон аз ман, гарчи миқдори оят бошад. Бас, бамуқтазойи ин амр Шайх ибн Нуруддин Муҳаммад Пуроний ҳадиси аз саҳоихи ахбори Мустафо таржима намуд то ҳифзи мақосиди ин: бар толибон осон гардад ва ражо аз ҳазрати Кибриё он, ки дар рӯзи жазо аз саодати «Ман ҳафиза ан уммати арбаина ҳадисан баъсаҳуллоҳу таоло явмал қиёмати фақиҳан, олиман» баҳраманд гардад.

Ва айзан дар ин замон, ки дийдаи Муҳаййир ин нусхаи муборакро дид, умедвор, ки дийдаи бақадри фаҳму дониши хуш ба иборати туркий дар баробари таржимаи аввал сони навишта. Илтимос ин, ки ба маъни назар кунанд. Ба назм хурда нагиранд, ки дар инжо маъни матлуб аст, на назм»¹. Таржимаси: «Аммо Оллоҳга ҳамду санодан ва сарвари анбиёга саловотдан сўнг махфий қолмасинким, онҳазрат саллоллоҳу алайҳи васалламдан: «Мен ҳақимда бирор белгиоят бўлса ҳам етказинглар» мазмунида саҳиҳ ривоят билан ҳадис ворид бўлган. Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуроний шу амр-буйрукнинг тақозоси билан Мустафо алайҳиссаломнинг саҳиҳ ҳадисларини таржима қилди, токи уларни ёд олиш толибларга осон бўлсин. Ва у онҳазрат саллоллоҳу алайҳи васалламнинг «Умматимдан кимки қирқта ҳадисни ёд олса, Оллоҳ таоло қиёмат кунда уни фақиҳ-олим ҳолда тирилтиради» мазмунидаги башоратидан ҳам баҳраманд бўлишни умид қилди.

¹ ЎзФАШИ қўлёзма асарлар фонди. Инв. №682. – В. 9.

Ва яна шу замонда Муҳаййирнинг назари ўша му-
борак нусхага (яъни Муҳаммад Пуруний таржимаси-
га – А. Д.) тушди.

Илтимос шуки, (ўқиганлар) маъносига назар қил-
синлар, назм нозикликларини бундан (яъни ушбу
таржимадан – А. Д.) талаб қилмасинлар. Чунки ушбу
таржимадан мақсад – маънодир, назм эмас».

Ушбу қўлёздадаги ҳадис таржималарининг тузи-
лиши анъанавий арбаинлар тузилишига кўпроқ мос
келади. Алишер Навоий таржима қилган «Арбаин»
ҳам худди шу тарзда тузилган, яъни аввал арабча
матн, сўнг Абдурахмон Жомийнинг форсий таржи-
маси, ундан кейин эса Навоийнинг туркийча таржи-
маси берилган¹.

Форсий сўзбошидан маълум бўлишича, Муҳай-
йир ушбу ҳадисларни Шайх ибн Нуриддин Муҳам-
мад Пуруний форс тилига шеърӣ йўл билан қилган
таржимадан туркийга ўгирган.

Биз Муҳаммад Пурунийнинг кимлигини аниқ-
лаш учун манбаларни кўп изладик, лекин бу номга
фақат бир ўринда дуч келдик холос. «Собрание Вос-
точных рукописей...»нинг 6-томида ушбу исм «Амир
Шайх ибн Нуриддин Муҳаммад Пуруний» шакли-
да учради. Унда маълумот берилишича, №2692/1
инвентарь рақами остида ушбу муаллиф қаламига
мансуб «Мерос ҳуқуқи илмига шарҳ» номли қўл-
ёзма сақланмоқда. Санасиз. Тахминан XVII асрга
оид қўлёзма. Ундаги кичик сўзбошида ёзилишича,
Муҳаммад (яъни ушбу китоб муаллифи – А. Д.) ме-

¹ Қаранг: Ҳақимов М. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. –
Т.: Фан, 1983. – Б. 177-178; Яна қаранг: Алишер Навоий. Арбаин ҳадис. –
Т.: Ёзувчи, 1991. – Б. 58-78.

рос илмини дин илмларининг ярми деб ҳисоблайди ва унга (яъни мерос илмига – А. Д.) юқори табақалар ҳам, паст табақалар ҳам бирдек муҳтождир. Шунинг учун кўпчиликнинг илтимосига биноан Муҳаммад Пуруний ушбу китобнинг арабча матнига форсча изоҳ ёзганини айтади¹. Бизнингча, Муҳаййир форсий сўзбошида зикр этган Муҳаммад Пуруний шу бўлса керак. Бундай дейишимизга ҳар икки Пуруний исмларининг бир хиллигидан ташқари яна битта асосимиз бор. У ҳам бўлса, «Мерос ҳуқуқи» илмига шарҳ» асарининг форс тилида эканлигидир. Бу далил Муҳаммад Пурунийнинг форсий тилли ижодкор бўлганини билдиради. Муҳаййир туркийга таржима қилган «Қирқ ҳадис» ҳам, форсий сўзбошидан маълум бўлишича, аслида форс тилида назмга солингандир. Шу далилга асосланиб туриб, биз Муҳаййир зикр қилган Муҳаммад Пуруний билан «Собрание Восточных рукописей...» даги Муҳаммад Пуруний битта ижодкор бўлса керак, деб тахмин қилдик.

Ҳар учала қўлёзмада ҳам қирқ ҳадис таржимасининг охирида бир узун ҳадиси қудсийнинг арабча матни ва туркийча шеърий таржимаси жойлашган. Нусхаларда бу ҳадиси қудсийнинг форсий таржимаси мавжуд эмас. Шунга асосан бу қудсий ҳадисни Муҳаййирнинг ўзи бевосита араб тилидан туркийга таржима қилган бўлиб, у Муҳаммад Пурунийнинг «Қирқ ҳадис» и матнида мавжуд бўлмаса керак, деган хулосага келдик. Бу ҳадиси қудсий хусусида кейинроқ батафсил тўхталиб ўтамиз.

¹ Собрание Восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР. VI том. – Т.: Наука, 1957. – С. 253.

Биз Муҳаййир «Қирқ ҳадис»ининг тадқиқига киришишдан олдин қирқ рақами, ўзбек мумтоз адиблари ижодидаги бу рақам билан боғлиқ айрим ўринлар, шунингдек, Шарқ адабиётидаги арбаинчилик анъанаси хусусидаги айрим кузатишларимизни қайд этиб ўтишни лозим топдик.

Бадиий адабиётдаги қирқ рақамининг илдизлари жуда қадим даврларга бориб етади. Бу рақам билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар ёзма ва оғзаки адабиётда турли кўринишларда намоён бўлган. Халқ оғзаки ижодидаги бу рақам билан боғлиқ жиҳатларни адабиётшунос М. Жўраев ўз тадқиқотида атрофлича ёритиб берган¹. Мумтоз адабиётда рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини мавзуидаги тадқиқотини адабиётшунос Сафия Жумаева яқинда тугатди². С. Жумаева бошқа кўп рақамлар қаторида, қирқ рақамининг ҳам шеърятдаги бадиий-эстетик вазифасига тўхталган. Лекин у қирқ рақамининг тарихий илдизларига экскурс³ қилмаган.

Қирқ рақами билан боғлиқ ўринлар, аввало, илоҳий китобларда, хусусан, Қуръони Каримда, сўнгра эса пайғамбар алайҳиссалом ҳадисларида учрайди.

Қуръони Каримда қирқ рақами тўрт жойда зикр қилинади⁴. Булардан учтаси Мусо алайҳиссалом ва Бани Исроил билан боғлиқ воқеалар муносабати би-

¹ Жўраев М. Сехрли рақамлар сири. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 20.

² Жумаева С. Қ. Ўзбек мумтоз адабиётида рақам рамзлари ва уларнинг маъно талқини. Филол. фанлари номз... дисс. – Т., 2006.

³ Экскурс – асосий мавзу орасида шу мавзуга доир иккинчи бир масалани ёритиб ўтиш.

⁴ Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи А. Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 11-, 94-, 135-, 476-.

лан келади ва бир ўринда инсон ҳақидаги оятда ушбу рақамнинг зикри ўтади.

Шунингдек, Ҳадиси шарифларда ҳам турли муносабатлар билан қирқ рақами зикр этилади. Хусусан ҳомила ҳақидаги куйидаги ҳадисда кетма-кет уч марта қирқ рақами такрорланади: «Расулуллоҳ (с.а.в.) айтдилар: «Қайсинингизнинг бўлмасин (нутфа ҳолидаги) жуссангиз (отангиз пушти камаридан чиқиб) онангиз қорнига тушгач, ул ерда қирқ кун давомида (ўзаро бирикиб) етилгай, кейин эса шунча муҳлатда лахта қонга айлангай, сўнг яна шунча муҳлатда бир парча эт шаклига келгай...»¹.

Мумтоз адабиётимизнинг Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Алишер Навоий ва Сўфи Оллоёр каби улкан намояндалари асарларида ҳам қирқ рақами билан боғлиқ ўринлар анчагина учрайди. Хожа Аҳмад Яссавий:

*«Кул Хожа Аҳмад, қирққа кирдинг, нафсингни қирқ,
Мунда йиглаб, охиратда бўлгил ариқ...»² –*

деб ўз-ўзига мурожаат қилса, унинг истеъдодли шогирди, «тариқатда ҳам, шеърятда ҳам Аҳмад Яссавий анъаналарининг давомчиси»³ Сулаймон Боқирғоний:

¹ Ҳадис. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Тўрт жилдлик. Тўртинчи жилд. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 394.

² Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – Б. 64.

³ Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. – Т.: Ёзувчи, 1991. / И. Ҳаққул, С. Рафъиддин ёзган сўзбоши. – Б. 3.

*Қирқ хачир кўтару билмас Таврот илми,
Очиб они ўқур эди Мусо калим.
Борму теб айтур эрди мандек олим,
Тегма фасих тили бирла айтди, кўрунг¹, –*

деб Қуръони Каримдаги Мусо Калимуллоҳ билан боғлиқ воқеаларга ишора қилади.

Бадий адабиётда қирқ рақамга мурожаат қилинган асарларнинг мумтоз намуналарини, шубҳасиз, Алишер Навоий асарларида учратиш мумкин. Биз Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» ва «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларида қирқ рақами билан боғлиқ бир неча эпизодларни учратдик. Жумладан, «Тарихи анбиё ва ҳукамо»даги Одам алайҳиссалом ҳақидаги қиссада шундай дейилади: «...Андин сўнгра Одам а.с. туфроғига қирқ кун раҳмат ёмғури ёғдуруб, ўз қудрат илки била тахмир қилдиким, «Хаммарту тийната Одама бияди арбаъийна сабаҳан» (Одамнинг лойини қирқ кун (тонг) ўз (қудрат) кўлим билан қордим – А.Д.) андин хабар берур»².

Алишер Навоий, шунингдек, «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам бир неча ўринларда қирқ рақами билан боғлиқ ривоятларни келтиради, кўплаб шайхларнинг хилватда чилла – арбаин ўтирганлигини зикр қилади. Масалан, Шайх Низомий Ганжавий таърифида шундай сўзларни учратиш мумкин: «Машхур мундоқдурки, алар сулук айёмида қирқ арбаин чиқарибдурлар ва тўрт арбаинни бир дарахт

¹ Шу китоб. – Б. 21.

² Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 16-том. – Т.: Фан, 2000. – Б. 99.

устида чиқарибдурлар. Ҳар ойина бу навъ муфрит риёзатлар тортмағунча бу навъ беш ганжки, аларға насиб бўлубдурки, кўп абёти алфоз жазолатидин ва маъною таркиб салосатидин деса бўлурки, эъжоз сарҳадига етибдур, кишининг илкига кирмак имкон эмас...»¹

Қирқта арбаиннинг бир минг олти юз кун бўлишини ҳисоблаб кўрилса, Шайх Низомийнинг шунча вақт бир макондан ташқарига чикмай, фақат зикру тасбеҳ билан машғул бўлганлигининг оғир машаққатлигини, Навоий айтганидек «муфрит риёзат» эканлигини тасаввур қилиш мумкин.

Мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин» асарининг муқаддимасида:

*Балиқ қорнида бир соҳиб каромат
Чила ўлтирди-ю, чиқди саломат,² –*

деб машҳур Юнус – Зуннун алайҳиссалом қиссасига ишора қилади.

Хуллас, мумтоз адабиётимиздаги кўплаб ижодкорларнинг илмий ва адабий асарларида қирқ рақами билан боғлиқ кўплаб мисолларни учратиш мумкин. Улар кўпинча пайғамбарлар қиссалари (Одам, Довуд, Мусо, Юнус а.с.), қиёматга яқин қирқ йил ободлик бўлиши, Муҳаммад алайҳиссаломга қирқ ёшида ваҳий кела бошлагани, Ҳазрат Умарнинг қирқинчи бўлиб исломга кириши, тасаввуфдаги қирқ абдол

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 471.

² Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. – Т.: Мехнат, 1991. – Б. 7.

тоифаси¹, молнинг қирқдан биридан закот берилиши² каби воқеалар билан боғлиқдир.

Муҳаййир «Арбаин»и бўйича изланишлар давомида яна бир муҳим янгиликка дуч келинди. Шарк адабиётида арбаинчилик анъанаси мавжуд эканлиги, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоийларнинг «Арбаин» таълиф этганликлари бизга маълум. Текширишлар шуни кўрсатдики, бу анъана биз билганимиздан кўра анча кенг ва қамровли ҳодиса экан.

Усмонли турк тадқиқотчиси Маҳмед Эмре ўзининг «Қирқ мавзуда қирқ ҳадис» китобининг муқаддимасида араб ва туркий тилларда «Арбаин» таълиф қилган йигирма икки муаллифнинг номини келтиради³. Шунингдек, Маҳмед Эмре ўзлари турк бўлиб, арбаинларини ҳам туркийча назмда тасниф этган муаллифларни ва ўзлари турк бўлиб, арбаинларини арабча тузган муаллифларни алоҳида-алоҳида санаб ўтади.

Маҳмед Эмре хижрий II асрдан X асргача бўлган ораликда (мелодий VII–XVI асрларда, аниқроғи, 736–1567 йилларда) яшаб ўтган ва арбаин таълиф этган муаллифлар ҳақида ахборот берган бўлса-да, нима учундир унинг рўйхатида Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий номлари келтирилмаган.

Яна бир усмонли турк тадқиқотчиси Ҳасан Ҳусну Ардам «Илоҳий ҳадислар» китобига ёзган «Ҳадисда арбаин» номли мақоласида арбаин туркумида

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 16-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 364.

² Шу асар. – Б. 17.

³ Mehmed Emre. Kirk mevzuda kirk hadis. – Istanbul, 1344. – Б. 4-7.

тўқсонга яқин муаллифнинг асари мавжудлигини айтади¹.

Бу тадқиқотчи Абдурахмон Жомийни «Арбаин» тузган муаллифлар қаторида зикр қилиб ўтади.

Бу арбаинлар мавзу доирасига кўра хилма-хил бўлган. Улардан айримлари алоҳида мавзуларга бағишланган бўлса, масалан, эътиқодга оид қирқ ҳадис, ахлоққа оид қирқ ҳадис, ота-она ҳақларига оид қирқ ҳадис ва ҳоказо, баъзилари аралаш мавзуларда таълиф этилгандир. Шунга ўхшаш, арбаинларнинг тузилиши ҳам турлича бўлган. Масалан, баъзилари насрда ва яна баъзилари назмда, айримлари эса назму насрда таълиф этилганлигини тадқиқотчилар таъкидлаб ўтишган.

Биз Маҳмед Эмре ўз китобида келган ва «Арбаин» тузган, айти пайтда, Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида ҳам зикр этилган муаллифларнинг баъзилари ҳақида маълумот бериб ўтишни лозим топдик. Улар:

1. Абдуллоҳ ибн Муборак.
2. Абдуллоҳ Ансорий.
3. Муҳйиддин ибн Арабий.

1. Абдуллоҳ ибн Муборак.

Ҳижрий 118 (мелодий 736) йилда Марв шаҳрида туғилган, хижрий 181 йилда (мелодий 797 йилда) Бағдодда вафот этган. Жуда кўплаб асарлар ёзган. Алишер Навоий Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақида шундай дейди: «Ани уламнинг шаҳаншоҳи дер

¹ Ҳасан Хусну Ардам. Илоҳий ҳадислар. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 10.

эмишлар ва жуду шижоатда замонининг ягонаси эрмиш. Ва тариқат асҳобининг мухташами. Ва бу қавмининг машойихининг кўпининг суҳбатиға мушарраф бўлубдур. Ва машхур тасонифи бор»¹.

Маҳмед Эмре ҳам, Ҳасан Ҳусну Ардам ҳам ўз мақолаларида энг дастлабки арбаин таълиф этган муаллиф Абдуллоҳ ибн Муборак эканлигини таъкидлашган.

Абдуллоҳ ибн Муборак ўз даврининг Ҳаммоод ибн Зиёд, Сўфён Саврий, Сўфён ибн Уяйна, Молик ибн Анас каби етук олимларидан сабоқ олган. «Турк аслидир»². Асарлари: 1) «Китоб уз-зуҳд вар-рақоик»; 2) «Муснад»; 3) «Китоб ул-бирри ва-с-сила»; 4) «Китоб ут-тафсир»; 5) «Китоб ут-тарих».

2. Абдуллоҳ Ансорий.

Тўлиқ исми: Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Абу Мансур Муҳаммад Ансорий Ҳиравий. Ҳижрий 396 (мелодий 1005) йилда Ҳиротда туғилган, ҳижрий 481 (мелодий 1088) йилда Ҳиротда вафот этган. Машхур мутасаввиф олим. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да Абдуллоҳ Ансорий ҳақида унинг ўз тилидан ҳикоя қилиб шундай дейди: «Дебдурки, менинг олти минг байтдан ортиқ арабий шеърим бор, рост вазни била. Эл илкида ва ажзом кейнида. Ва дебдурки, араб шуаросининг мутақаддим ва мутааххириндиндан юз минг байт хотиримда бор...»³.

Шарқшунос олим Е.Э.Бертельс Абдуллоҳ Ансо-

¹ Алишер Навоий. МАТ. 17-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 27.

² Evliyalar ansiklopediasi 1. Istanbul, 1992. – Б. 154-165.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 231.

рийнинг сўфизм тарихида тутган ўрнига ва ижодига жуда юкори баҳо бериб, шундай дейди:

«...Ансорийни четлаб ўтиш мумкин эмас. Чунки унинг таъсири фавқулодда кучли бўлиб, бир неча асрлар давомида сезилиб туради...»¹

Асарлари: 1) «Манозил ус-соирийн», 2) «Шамс ул-мажолис», 3) «Анвор ут-тахқиқ», 4) «Тафсир ул-қуръон», 5) «Хулоса фи шарҳи ҳадис», 6) «Шарҳ ут-таарруф ли мазҳаб ит-гасаввуф»².

3. Муҳйиддин ибн Арабий. Тўлиқ исми: Шайх Муҳйиддин Муҳаммад ибн Али ибн Арабий. 1165 йилда Андалусия (Испания) да туғилган. 1240 йилда Дамашқда вафот этган. Ислом оламида Ибн Арабий каби ижоди ва дунёқараши кескин баҳс ва мунозара-ларга сабаб бўлган олим камдан-кам топилади. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да шундай дейди: «Ваҳдати вужуд қойилларининг қудвасидур. Зоҳир фуқаҳо уламосидин кўп анга таън қилибдурлар. Фуқаҳодин оз ва сўфийдин жамоате ани бузург тутубдурлар...»³

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мусулмон Шарқдаги кўплаб забардаст олимлар «Арбаин» таълиф этганлар. Бу уламоларнинг «Арбаин» тузишларига сабаб – Пайғамбар алай-ҳиссаломнинг: «Кимки суннатимга оид қирқ ҳадисни ёд олиб ва ёзиб умматимга етказса, Аллоҳ таоло уни фақиҳлар ва олимлар зумрасига қўшади»⁴

¹ Бертельс Е. Э. Суфизм ва суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 301.

² Evliyalar ansiklopediasi 1. Istanbul, 1992. – Б. 100.

³ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. 17-том. – Т.: Фан, 2001. – Б. 394.

⁴ Ҳасан Ҳусну Ардам. Илоҳий ҳадислар. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 9.

мазмунидаги башоратларидир. Кейинги асрлардаги олимлар бу ҳадиси шарифга бирмунча эркин ва ижодий ёндашиб, қирқ ҳадисни назмда тартиб беришга жазм этганлар.

Муҳаййир ҳам шу йўлдан бориб, назмда «Арбаин» таълиф этишга, аниқроғи, назмдаги «Арбаин» ни таржима қилишга қўл урган. Муҳаййир таржимасидаги қирқ ҳадисни Алишер Навоий «Арбаин»и билан қиёслаганимизда, уларнинг бирортаси ҳам бир-бирини такрорламаганлиги маълум бўлди. Эҳтимол, ушбу «Арбаин» муаллифи, яъни Муҳаммад Пуроний Алишер Навоий таржима қилган қирқ ҳадис билан яхши таниш бўлган ва ундаги ҳадисларни такрорламасликка интилгандир. Қолаверса, мумтоз адибларимиз иложи борича доимо янги асарнинг таржимасига қўл уришга ҳаракат қилишган.

Муҳаййирнинг ҳадисларни назмда таржима қилишдан мақсади – уларни халққа тушунарлироқ қилиб етказиш эди. Чунки шеърий йўл билан кишиларга фикрни сингдириш осонроқ ва таъсирлироқ бўлади, бундан ташқари, ҳадиснинг шеърий таржимаси насрий таржимадан кўра диққатни кўпроқ жалб этади.

Муҳаййир таржима қилган ҳадисларда чин инсоний фазилатлар мадҳ этилади, кишиларни бир-бирларига ёрдам беришга, қариндошчилик алоқаларини тиклашга чақирилади, инсонга хос баъзи иллатлар – гап ташувчилик, такаббурлик, бахиллик каби иллатлар қораланади, бундай номақбул одатларни тарк этишга тарғиб қилинади.

Муҳаййир ўз «Арбаин»и таржимасига ёзган форсий сўзбошида «...нусхаи муборақро» («муборақ

нусха») деб бежиз таъкидламаган. Дарҳақиқат, таржима учун танланган ҳадислар инсонлар ўртасидаги энг нозик-дақиқ муносабатларга тааллуқли ҳадислардир. «Арбаин»даги баъзи ҳадисларнинг ҳар икки шоир таржимасига диққат қилайлик. Насрий таржимаси: «Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Ҳаё имондандир».

Пуронийда:

*Шарм бояд шиори худ созад,
Ҳар ки у мўмини мусулмонаст,
3-он, ки пайғамбари Худо намуд:
«Ки ҳаё аз ҳисоли иймон аст».*

Муҳаййирда:

*Лозим улки, ҳаё шиор этгай,
Кимкидур мўмин мусулмондин.
Деди Пайғамбари Худо бўйла:
«Ким ҳаёдур ҳисол иймондин»¹.*

Кўриниб турибдики, Муҳаййир форсий матнни айнан таржима қилган, маънони ҳам тўлиқ сақлаган. Албатта, бу ҳадис жуда машҳур ва саҳиҳ ҳадис бўлиб, кўп мўътабар китобларда келтирилади. Халқимизда ҳам ҳаё хусусида кўп мақоллар, ҳикматли сўзлар мавжуд. Уларда ҳаё жуда кўп инсоний фазилатларнинг боши эканлиги айтилади.

Яна бир мисол. «Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: «Ғийбатчи жаннатга кирмайди».

¹ Ўз ФАШИ қўлёзма асарлар фонди. Инв. №682. – В. 24.

Пуронийда:

*Накуне ҳеч ки суханчини,
3-он, ки марвий зи шаҳи раҳи дин аст.
Ки ба жаннат дарун намеояд
Ҳар ки аз мардумон суханчинаст¹*

Муҳаййирда:

*Қилмангиз ҳеч бир суханчинлик,
Ки ривоятдур ул шаҳи диндин.
Тонгла жаннатга кирмагай ҳаргиз
Ҳар киши бегумон суханчиндин².*

Юқоридаги ҳадис таржимасида ғийбат – гап ташиш мазаммат қилиняпти. Дарҳақиқат, ғийбатчилик инсонларнинг орасини бузадиган ярамас феъллардандир. Ҳадис матнида қисқа қилиб «Ғийбатчи жаннатга кирмайди» деб таъкидланган бўлса-да, унинг мазмун-моҳиятидан одамларни ғийбатчиликдан кескин равишда қайтариш оҳанги мавжуд. Шу боис мутаржимлар ҳадис матнидан келиб чиқиб, турган мана шу маънони очиқ ифодалаганлар ва буни:

*Қилмангиз ҳеч бир суханчинлик, –
Накуне ҳеч ки суханчини, –*

деб, биринчи мисрага олиб чиққанлар.

Буюк мутасаввиф шоир Сўфи Оллоёр ҳам бу мазмунни «Саботул-ожизин» манзумасида:

¹ Ўша асар. – В. 26.

² Ўша асар. – В. 26.

*Намимани ёмон деди Шаҳи дин,
Сухан чин бўлса ҳам бўлма суханчин¹, –*

деб қисқа мисраларда фавқулодда маҳорат билан ифодалаган эди. Дарҳақиқат, уламолар тухмат, ғийбат ва намима (гап ташувчилик)га шундай шарҳ берганлар:

1. Тухмат. Бир кишида мавжуд бўлмаган ёмон хислатларни, айбларни ўша одамга нисбат бериб, орқасидан гапириш. Ушбу амални қилган одам жазоланишга лойиқ бўлади. Бу хислат мунофиқлик аломатларидандир.

2. Ғийбат. Бир кишининг феълида бор бўлган айбларни, камчиликларни ўзи йўқ пайтида, ўзи эшитса хафа бўладиган шаклда одамлар орасида гапириш. Буниси агарчи тухматга нисбатан енгилроқ бўлса-да, одамларнинг орасини бузишда зарари каттадир.

3. Намима, гап ташувчилик (суханчинлик). Одамларнинг орасини бузиш ниятида бировларнинг гапларини бировларга шундайича ёки сал ўзгартириб етказиш. Агарчи бу етказилган гап ўзгартирмай етказилса ҳам, ният бузуқ бўлгани учун гуноҳи каттадир. Етказилган гап туфайли катта-катта фитналар чиққани, одамларнинг ораси бузилгани учун ҳам бу одат қаттиқ қораланади, танқид қилинади. Юқоридаги биз кўрган ҳадисда зикр этилган уч турли иллатнинг кейинги иккитаси назарда тутилган бўлиб, муаллифлар шу иллатнинг ислоҳи учун саъй-ҳаракат қилганлар.

¹ Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ојизин. – Т.: Мехнат, 1991. – Б. 76.

«Бир банда яна бир банданинг айбини ёпса, Оллох таоло қиёмат куни унинг айбини ёпади» мазмунидаги ҳадиси шарифнинг ҳар икки мутаржим тарафидан назмга солинган таржимасига диққат қилайлик:

Пуронийда:

*Бандае айби бандаи дигар
Чун пўшад зи халқ дар дунё.
Пўшад аз лутф Эзиди Саттор
Айби он бандаро ба рўзи жазо¹.*

Муҳаййирда:

*Бир киши ёна бир киши айбин
Халқдин ёпса ушбу дунёда,
Лутф ила ёпқай Эзиди Саттор
Ани айбини тонгла уқбода².*

Муҳаййир бу ҳадисни ҳам форсий матнга ниҳоятда яқинлаштириб, асл маънони сақлаб туркийга ўгиргани кўриниб турибди. Муҳаййир бу ҳадиснинг нафақат маъносини, балки сўзларининг ҳам аксариятини сақлаб қолган ҳамда шакл ва маънонинг тўлиқ уйғунлигига эришган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ушбу «Арбаин»да Алишер Навоий «Арбаин» идаги ҳадисларнинг бирортаси айнан такрорланмаган. Лекин ҳар икки «Арбаин»да мавзу-моҳиятига кўра бир-бирига уйғун бўлганлари мавжуд. Масалан, Алишер Навоий

¹ Ўша асар. – В. 24.

² Ўша асар. – В. 24.

«Арбаин»идаги қуйидаги ҳадис маъноси биз юқорида кўриб ўтган ҳадис мазмунига ҳамоҳангдир: Ҳадиснинг насрий таржимаси: «Ўз айбини билиб, бошқалар айбини қидирмайдиган одам – хўб яхши одамдур».

Навоий:

*Эй ҳушо улки, айб кўрмамак ила
Юз ҳунарвар маротибин топқай.
Яъни ўз айби пардаси кўзига
Ўзга эл айби чеҳрасин ёпқай!*

Муҳаййир ва Навоий таржимасидаги ҳар икки ҳадисда ҳам кишилардан айб изламасликка даъват бор. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, Муҳаййир ҳам худди Навоий сингари, ҳадисларни фақат таржима қилиб қўя қолмайди, балки уларга энг зарур бўлган, қисқа изоҳ – шарҳларни бериб боради ва бу билан ўз таржимасига янада мазмундорлик бахш этади. Шу билан бирга, Муҳаййир ҳадис матнига қатъий риоя қилади, матндан заррача ҳам четга чиқмайди.

Муҳаййир «Арбаин»ининг охирида илова тарзида узун бир ҳадиси қудсийнинг маснавий йўлида қилинган таржимаси берилган. Бу ҳадиси қудсийнинг форсий таржимаси девоннинг ҳар иккала нусхасида ҳам, шоир қўли билан кўчирилган баёзда ҳам берилмаган, ваҳоланки, қолган ҳамма ҳадисларнинг форсча шеърий таржимаси мавжуддир. Шунга асосланиб биз бу ҳадиси қудсий Муҳаммад Пуроний томонидан форсий тилга ўгирилган ҳадислар ичида мавжуд бўлмай,

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 16-том. Т.: Фан, 2000. – Б. 267.

уни Муҳаййирнинг ўзи бевосита арабчадан таржима қилиб, қирқ ҳадиснинг охирига қўшган бўлса керак, деган фикрга келдик. Бу ҳадиси қудсий билан ҳадислар сони қирқ битта бўлади.

Бу ҳадиси қудсий хусусида баъзи мулоҳазалар туғилгани ва унинг маъноси ғавқулодда аҳамият касб этгани учун ушбу ҳадиснинг Муҳаййир «Девон»идаги матнини, насрий таржимасини ва Муҳаййирнинг шеърий таржимасини тўлиқ келтиришни лозим топдик.

Ҳадиснинг матни:

قَالَ النَّبِيُّ عَلَيْهِ السَّلَامُ حِكَايَةً عَنِ اللَّهِ تَعَالَى يَا أَحْمَدُ إِنَّ عِنْدِي شَرًّا يَا
بِأَوْلِيَانِي إِذَا شَرِبْتُمْ سَكْرًا وَ إِذَا سَكَرْتُمْ طَرَبْتُمْ وَ إِذَا طَرَبْتُمْ طَلَبْتُمْ
وَ إِذَا طَلَبْتُمْ وَ جَدُّوآ وَ إِذَا وَ جَدُّوآ تَابُوا وَ إِذَا تَابُوا خَلَصُوا وَ إِذَا خَلَصُوا
وَ صَلُّوآ وَ إِذَا وَ صَلُّوآ إِتَّصَلُوا وَ إِذَا إِتَّصَلُوا لَا فَرْقَ بَيْنِي وَ بَيْنَهُمْ

Таржимаси: «Пайғамбар алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ҳикоя қилиб шундай деди: «Эй Аҳмад (с.а.в.), менинг хузуримда дўстларим учун бир шароб бор. (Дўстларим) агар уни ичсалар маст бўладилар, маст бўлсалар хурсанд бўладилар, хурсанд бўлсалар талаб қиладилар, талаб қилсалар топадилар, топсалар тавба қиладилар, тавба қилсалар халос бўладилар, халос бўлсалар етадилар, етсалар бирлашадилар ва агар бирлашсалар, улар билан менинг орамда фарқ қолмайди».

Муҳаййирнинг шеърий таржимаси:

*Дўстларга Наби иноят этиб,
Тангридин бўйла бир ҳикоят этиб,
Қилди лаъли бўлиб гуҳарафшон
Бир кун ушбу ҳадиси қудсий баён:
Ким Худованди жумла олам*

Деди: «Эй саййиди Бани Одам,
Менинг оллимда бор ажиб бода,
Дўстларим учун ўлгон омода.
Ичсалар қачон бўлурлар маст,
Тараб онларга бергусидур даст.
Истагайлар мени тараб қилгоч
Мени топгай алар талаб қилгоч.
Ҳар қачон топсалар мени мавжуд
Бўлса ҳосил аларга бу мақсуд,
Тавба айлаб менга бўлурлар хос
Қилгум агёрдин аларни халос.
Қолсалар ул жамоаи аброр
Даргоҳимда бу навъ беагёр,
Бўлгусидир алар менга пайванд
Қурб богида хурраму хурсанд.
Ҳар қачон етсалар висолимга,
Боқсалар нури «ло язолимга»,
Васл ҳосил бўлур аларга мудом,
Мен била доимо сабоҳу шом.
Ҳар қачон бу мурод ўлуб ҳосил
Етубон менга бўлсалар восил.
Кўрмагайлар яна жудолигни,
Кўймагайман бу ошнолигни.
Яъни ўртага тушмагай ҳижрон,
Эй Набийи расули инсу жонн¹,
Бўлубон жумла нур баҳрига зарқ,
Мен – онлар арода қолмас фарқ.

Ушбу ҳадиси қудсий таржимасининг фарқли жи-
ҳати – унинг қитъа шаклида эмас, маснавий йўлида
ва ҳажман анча катта эканлигидир.

¹ «...Эй инсонлар ва жинларнинг набийси ва расули».

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Алишер Навоий ҳам ўз «Арбаин»ини маснавий йўлида ёзилган мисралар билан яқунлаган эди. Лекин Навоийнинг хотимаси бирор ҳадиснинг шарҳи бўлмай, шоирнинг ўз сўзларидир.

Муҳаййир келтирган ҳадиси қудсийнинг матни қайси манбадан олинганлигини аниқлашга ҳозирча муваффақ бўлмадик.

Бу ҳадиснинг мажозий мазмундаги ҳадис эканлиги кўриниб турибди. Мумтоз адабиётимизда «май» сўзи ва унинг маънодошлари, истиора тарзида, аксарият ҳолатларда илм-маърифат, ишқ ва муҳаббат маъноларида қўлланган. Мумтоз адабиётимизда май образи талқинида кўплаб фикрлар айтилган.

Юқоридаги ҳадиси қудсийда қандай май хусусида сўз юритилгани ҳақида узил-кесил бирор фикр айтиш қийин. Чунки ҳадис матнида ушбу сўз «шароб» («инна инди шаробан») деб берилган. «Шароб» арабча сўз бўлиб, «ичимлик» деган маънони билдиради¹. Шунга асосан ушбу ҳадиси қудсийда «шароб» – жаннатдаги ичимлик маъносида қўлланган бўлиши ёки маънавий неъмат, масалан, Оллоҳнинг ишқи маъносида ишлатилган бўлиши ҳам мумкин.

Бизнингча, бу ҳадиси қудсийнинг асл манбаини топиб, унинг шарҳи билан танишиб чиқиб, сўнгра бирор фикр билдириш керак. Чунки ҳадиснинг мажоз йўли билан айтилганлигини инобатга олмоқ лозим.

Бундай ҳадисларга нисбатан жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарурлиги ҳақида Е.Э.Бертельс шун-

¹ Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С. 397.

дай деган эди: «Нужно помнить, что наряду с хадисом общемусульманским суфизм выработал своего рода суфийские хадисы, которые и составляли одно из важнейших оснований улум ас-суфиййа... Поэтому, признавая суфийские изречения, входящие в состав житий, весьма важным материалом для истории суфизма, мы все же должны пользоваться ими крайне осторожно...»¹

Мазмуни: «Шуни ёдда тутиш лозимки, умумму-сулмон ҳадислари билан бир қаторда, сўфизм сўфийлик илмининг асосларини ташкил қиладиган ўзига хос сўфийлик ҳадисларини ҳам тўқиб чиқарди. Шунинг учун ривоятлар ичидаги сўфийликка хос шу ҳикматларни сўфизм тарихига оид жуда муҳим манба сифатида эътироф қилган ҳолда, биз барибир улардан жуда эҳтиётлик билан фойдаланишимиз лозим...»

Шунинг учун мазкур ҳадиснинг илмий шарҳлари билан танишмагунча узил-кесил бир фикр айтиш қийин.

Маълумки, ҳадисларни назмда таржима қилиш ижодкордан айрича масъулиятни талаб этади, унинг имкониятларини чеклайди.

Муҳаййир ҳадислар таржимасига ёзган сўзбоши – изоҳида таржима қилишда асосан маънога эътибор берганини, назмга солинган ҳадисларнинг бадииятидан ўзининг ҳам кўнгли тўлмаганини айтиб ўтади.

Лекин муаллиф камтарлик юзасидан юқоридаги сўзларни айтган бўлса-да, бизнинг кузатишларимиз

¹ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука. 1965. – С. 206.

давомида ҳадис таржималарининг аксарияти муваффақиятли чиққани, уларнинг барчасида маъно тўлиқ сақлангани маълум бўлди. Назмга солинган ҳадисларнинг бадиий жиҳатдан етук, мукамал даражага етганлари ҳам анчагина. Фақат баъзи ҳадислар таржимасидагина мутаржим айтган ҳолатлар кузатилди. Бизнингча, ҳадислар таржимасидаги бу каби хусусиятларни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

1. Ҳадис матнига қатъий риоя қилиш талаби. Чунки Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай ҳадиси шариф бор: «Кимки мен айтмаган гапни менинг номимдан айтса, ўзига дўзахдан жой тайёрлайверсин».

2. Ҳадисда баён қилинган фикрни тўрт мисрага сиғдириш зарурати.

3. Араб тилининг ўзига хос хусусиятлари.

Муҳаййир «Арбаин»и юзасидан олиб борилган изланишларимиз натижасида қуйидаги илмий ҳулосалар чиқарилди:

1. Арбаинчилик анъанаси ҳижрий иккинчи асрдан бошланган бўлиб, бу анъана умумшарқ – умуммуслмон характериға эгадир;

2. Кейинги асрлардаги араб, форс ва туркий тилли ижодкорлар бу анъанаға бирмунча эркин ёндашиб, ўз арбаинларини назмда таълиф эта бошлаганлар;

3. Баъзи ижодкорлар бошқа тилда назмға солинган «Қирқ ҳадис»ни табаррук билиб ўз она тилларига шеърий таржима қилганлар. Алишер Навоийнинг Жомий «Арбаин»ини, Муҳаййирнинг эса Муҳаммад Пуруний «Арбаин»ини форсийдан туркийға ўгирганлари бунинг далилидир. Бу нарса кейинги мутаржимнинг араб тилини яхши билмаганлиги билан эмас,

балки салаф шоирга бўлган хурматнинг ифодаси сифатида изоҳланиши лозим;

4. Муҳаййирга замондош шоирларнинг бирортаси «Арбаин» таълиф этгани бизга маълум эмас. Унинг Алишер Навоийга эргашиб «Арбаин» тузгани ижодидаги ўзига хос фазилят сифатида қайд қилиниши керак;

5. Шарқ адабиётида арбаинчилик мавзусини кенг-роқ аспектда ва чуқурроқ ўрганиш илмда янги натижалар бериши мумкин.

3.2. «Салоти Масъудий» – Муҳаййир таржимасида

Муҳаййирнинг ҳаёти ва ижоди бўйича изланишлар жараёнида унинг «Салоти Масъудий» номли фикҳ илмига оид форсча китобни ўзбекчага таржима қилганлиги аниқланди. Муҳаййир таржима қилган ушбу китоб ҳижрий 1324 (мелодий 1906) йилда Тошкентда Абдулваҳҳоббой Дадабой ўғли томонидан нашр этилган бўлиб, ҳозирда Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти босма китоблар фондида сақланмоқда¹.

Муҳаййирнинг «Салоти Масъудий»ни таржима қилганлиги «Тазкираи Қайюмий» да ҳам қайд қилиб ўтилган².

Юртимиздан етишиб чиққан факих Масъуд ибн Юсуф Самарқандий қаламига мансуб XV асрда ёзилган ушбу китоб шариат ҳукмлари шарҳига

¹ Ўз ФАШИ Босма китоблар фонди, инв. №19111.

² Пўлатхон Қайюмов. «Тазкираи Қайюмий». – Т., 1998. 3-дафтар. – Б. 348.

бағишланган бўлиб, Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя», Убайдуллоҳ ибн Масъуднинг «Мухтасарул виқоя» каби энг мўътабар китоблари қаторида турган. Ушбу китоб Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва Афғонистонда кенг тарқалган ва мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган.

Асли арабча ёзилган мазкур китобнинг бир неча форсий таржималари мавжуд бўлса-да, лекин унинг туркий-ўзбек тилидаги таржимаси то XIX асрнинг охиригача амалга оширилмаган эди.

Бу масъулиятли вазифани биринчи бўлиб амалга оширган киши Қўқон адабий муҳитидан етишиб чиққан истеъдодли шоир, моҳир таржимон ва етук шариат олими Муҳаммадкул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййир бўлди.

Муҳаййир томонидан таржима қилинган мазкур китоб 754 саҳифадан иборат. Китоб уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда таҳорат ва унга боғлиқ масалалар хусусида, иккинчи бўлим эса намоз намозга оид ҳукмлар ҳақидадир. Учинчи бўлим ўн еттита мустақил қисмдан ташкил топган. Бу бўлимда закот, рўза, ҳаж, никоҳ, ижара ва бошқа мавзулар устида сўз юритилади, уларга боғлиқ шаръий ҳукмлар баён қилинади.

Шунингдек, китобдан Муҳаййир тарафидан назм ва насрда ёзилган мукаммал дебоча ўрин олган. Китоб охирида эса яна Муҳаййир томонидан битилган хотима ва бевосита нашр учун ёзилган сўнгсўз ҳам мавжуддир.

Бу дебоча, хотима ва сўнгсўз хусусида батафсил тўхталиб ўтиш зарур, Чунки улар Муҳаййирни ушбу китоб таржимасига ундаган омилларни билиб олиш

ва яна баъзи муҳим маълумотларни аниқлаш учун аҳамиятлидир.

Дебоча анъанага кўра ҳамд ва наът билан бошланган. Дебочада аввал насрий ҳамд, сўнг шеърий ҳамд келтирилади. Шеърий ҳамдда Яратганнинг ягоналиги, чексиз қудрати, бепоеън илми ва ақллар унинг васфидан лол экалиги баён қилинади:

*Зотини фикрида одам будлар,
Буд демайким бори мавжудлар.
Зирваи авсофидур андоқ баланд,
Фикру хирад илки сололмас каманд.
Даргаҳининг соилидур шоҳлар,
Илминидур жоҳили огоҳлар.
Йўлида ақли уқало тифли роҳ,
Яккалигига ҳама ашё гувоҳ¹...*

Шеърий ҳамддан кейин Пайғамбар алайҳиссаломга наът бошланади. Айтиш керакки, Муҳаййир «Салоти Масъудий»га ёзган шеърий ҳамд ва наътни Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» достони ёзилган сареъи мусаддаси матвийи макшуф (муфтаилун муфтаилун фоилун) ҳамда сареъи мусаддаси матвийи мавқуф (муфтаилун муфтаилун фоилон) вазнларида ёзгандир.

Муҳаййир дебочасининг тўксон мисрадан иборат ҳамд ва наът қисмига мустақил бир бадиий асар сифатида қараш ва шеъриятдаги илоҳий мавзулар билан қиёсий ўрганиш керакка ўхшайди.

Ҳамд ва наътдан сўнг Муҳаййир ўзини «Салоти Масъудий»ни таржима қилишга ундаган сабабларга

¹ ЎзФАШИ. Босма китоблар фонди. Инв. № 19111, – В. 2.

тўхталиб, жумладан шундай ёзади: «Бир куни бир дўстким, киши анинг жисмидаги жон деса бўлгай, айдики: «Эй шеър бобида сўз нуктапардози, агарчи сенинг жонфизо шеърингдин аҳли ҳолға завқ ва шавқ етар ва лекин қол аҳлиға онча мақбул ва дилпазир тушмагай. Алар шеърни ва шуарони «Ашшуароу ят-табиъухум-ул ғовун...»¹ мазмуни била ҳақир санарлар, оят истисносидин хабарлари йўқтур. Токи сен девон такмилида умри гаронмойни зоеъ қилурсан, баъзи форсий мудаққиқ фойдалиқ китобларни яхши лафзлар бирла туркий иборатида таржима қилмоқда. Қобилият ва истеъдодинг бордур. Туркистон халқи аксарлари форсий сўздин бебаҳрадурлар. Сенинг саъйинг бирлан алар заруриёт масалалар аслидин огоҳ бўлуб, ҳифзида шуғл кўргузсалар, аларға сабаби сармойи дин ва дунё, сенга ҳам оламда боиси неконлик ва нажоти азоби уқбо бўлса фазли илоҳийдин ажаб бўлмагай»².

Муҳаййир сўзида давом этиб, дўстининг бу таклифи уни ўйлантириб қўйганини, турли сабаблар, хусусан моддий қийинчилик туфайли ишга киришолмай турганини ёзади. Шу орада олий ҳиммат бир бадавлат киши топилиб, Муҳаййирга ҳар томонлама ёрдам берганини, шу туфайли бу мўътабар китоб таржимаси ниҳоятда тез – бир йилда яқунланганини ҳикоя қилади: «Ул саодатманд зарраи бемикдорни куёш парвариш қилғондек мени мазаллат хокидин кўтариб, иззат фалакиға еткуруб, мустағний ва комёб айлаб, китоби «Салоти Масъудий»ни туркий

¹ «Шоирларга йўлдан озганлар эргашур...» Куръони Карим, «Шуаро» сураси, 224-оят. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 340.

² ЎзФАШИ. Босма китоблар фонди. Инв. №19111. – Б. 4.

тилда ёзмокқа буюрдилар. Маъмур бўлғоч, даргоҳи илоҳийдин истионат талаб қилиб, ҳарчанд оми ҳам бўлсам, билғучи олимлар ва донолардин мадад умид айлаб, иститоатим борича туркий тилида ёзмокқа қалам чектим»¹.

Муҳаййир дебочада у саховатли кишининг исми Сирожиддин Шоший эканлигини ва ўзига ҳар томонлама ёрдам берганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтади².

Муҳаййир бу фикҳий китоб таржимасига бежиз қўл урмаган. Маълумки, ўша йилларда кўп шоирларнинг ижоди хусусида қаттиқ баҳс кетган эди. Баъзи шариат уламолари Муқимий, Завқий, Фурқат, Камий каби шоирларнинг шеърлари халқни йўлдан ураётганлиги, ахлоқсизликка даъват қилаётганлиги ҳақида гапириб, бу мавзуни ҳатто матбуотга ҳам кўтариб чиққан эдилар. Биз бу ҳақда ишимизнинг иккинчи бобида батафсил тўхталиб ўтган эдик. Гарчи бу масала 1906-1907 йилларда кучайган бўлса-да, китоб таржимаси амалга оширилган 1885–86 йилларда ҳам ушбу мавзу кун тартибида турганлиги Муҳаййирнинг дебочада айтган фикрларидан сезилиб туради.

Муҳаййир шоирлар хусусида қўзғалган турли-туман гапларга барҳам бериш, энг асосийси, ўзининг илмидан халқни баҳраманд қилиш учун ушбу мўътабар китоб таржимасига киришади.

Дебочанинг насрий қисми XIX аср охиридаги ўзбек адабиётида яратилган бадий насрнинг ўзига хос намунаси сифатида эътиборлидир. Дебочадан келтирилган қуйидаги парча фикримизга асос бўлади, деб

¹ Шу манба. – В. 5.

² Шу манба. – В. 6.

ўйлаймиз: «...фақир Муҳаммадқул ибн Муҳаммадра-
сул, алмутахаллис би Муҳаййир андоқ арзи ҳол қи-
лурким, ҳаётим бўстони йигитлик жўйборидин шо-
доб бўлуб, нашъу намо пайдо қилғондин бери ажал
хазони тундбодидин ваҳму ҳарос қилмай ғафлат бир-
ла рўзгорим кечуруб, ҳар замон бир кўйда югурдум
ва керакмас ишларга ўзумни урдум, нафсим муродин
истамакда жаҳд кўргуздум, ҳою ҳавас асбобин туз-
дум, ҳарзагўйликни пеша ва беҳудагарликни андеша
айладим...»¹

Дебочанинг охирида қуйидаги рубойни ўқиймиз:

*Ёраб, дилма зикр ила ором етур,
Ҳам илм хазоинидин инъом етур.
Умид ила Муҳаййир айлар оғоз,
Лутф ила бу оғозига анжом етур.²*

Рубойда Муҳаййир бу ишни, яъни таржимани
умид билан бошлаётганини ва бу ишига Яратгандан
мадад тилаётганини баён қилган.

Муҳаййирнинг «Салоти Масъудий» га ёзган хо-
тимаси ҳам аҳамиятга моликдир. Унда жумладан
шундай ёзади: «Алҳамду лиллаҳки, бу китоби шариф
маоб, яъни «Салоти Масъудий» каминаи нодони ҳеч-
манд, Хўқандлик Муҳаммадқул ибн Муҳаммадрасул
алмутахаллис би Муҳаййир алидин туркий тилида
ёзилди. Мусанниф алайҳиррахмаким, китоб ичи-
доғи ҳадислар баъзисини таъвил билан ва баъзисини
ишорат билан адо қилибдурлар ва баъзиға таржима
ёзибдурлар, табдил берилмай ва нечук ёзилғон бўл-

¹ ЎзФАШИ Босма китоблар фонди Инв. № 19111. – В. 3.

² ЎзФАШИ Босма китоблар фонди Инв. № 19111. – В. 4.

са, анингдек ёзилди ва баъзи бетаржималарни таржима қилинди... Мунингдек ишни оз фурсатда кўнгил хоҳлагандек қилмоқ мушқилдур. Бир неча китоблар каби ибораторо қилмоқга беш-ўн йил фурсат керакдур. Бир йилда ёзган киши нечук хуш иборат қила олғай ва яна бир важҳ буки, масалада аслий сўздин ўзга сўзлар гунжойиш қилмағай ва муболағага жой бўлмағай, маъно вайрон бўлмаслиқ мўътабардур...»¹

Муҳаййирнинг юқоридаги сўзларидан маълум бўладики, у муаллиф матнига ниҳоятда эҳтиёткорлик ва омонатдорлик билан муносабатда бўлган. Шунингдек, таржима иши ниҳоятда шитоб билан борганлиги ҳам маълум бўлади. Муҳаййирнинг «Салоти Масъудий»дек салмоқли ва ҳажми катта китобни бир йилда таржима қилиб битирганлиги унинг ниҳоятда қаттиқ меҳнат қилганлигидан дарак беради.

Хотиманинг шеърий қисми тўқсон мисрадан иборат бўлиб, маснавий йўлида ёзилган. Унда мутаржим ушбу китоб таржимасига ундаган ва бу ишда ҳар томонлама ёрдам берган дўстларига миннатдорчилик изҳор қилади:

*Кими бўлса мундоқ валинеъмат,
Не тонг, афлокдин ўтса ҳиммати.
Йўқ эрди сухан дерға журъат менга,
Анинг лутфидин етти ҳиммат менга.
Яна бир тараф Завқийи номдор,
Қилиб ҳолима лутфлар ошкор,
Дамодам менга еткуруб ёрлиг,
Берур эрди кўнглума дилдорлиг...»²*

¹ Ўша асар. – В. 744.

² Ўша асар. – В. 745.

Келтирилган парчадан маълум бўладики, Муҳаййирга ёрдам кўлини чўзган кишилар орасида шоир Убайдулло Завқий ҳам бўлган. Бу факт ҳам Муҳаййирнинг юртдош ва фикрдош шоирлар билан яқин муносабатда бўлганлигига яна бир далилдир. Биз ишимизнинг дастлабки бобида бу каби масалаларга тўхталиб ўтдик.

Шеърый хотимада Муҳаййир таржимага сарф бўлган муддат, ишнинг жараёнлари ва яна баъзи воқеалар ҳақида маълумот бериб ўтади:

*Ёзиб туркий бир йилда бу оми турк,
Ики қатла мундоқ китоби бузурк.
Бирин олти ой ичра бўлгоч тамом,
Анинг юзидин кўргузуб эҳтимом,
Тикиб кўзни, ҳимматни айлаб баланд,
Солиб авжи мақсуд сори каманд.
Сўзимга маони арусини ақд
Қилурда бўлуб нася – жон, фикр – нақд.
Ёзиб донишим борича субҳу шом,
Яна айладим олти ойда тамом.
Бурун ёзгоним гарчи бўлди китоб,
Икинчини оллида топмас ҳисоб¹...*

Демак, Муҳаййир ўша бир йил ичида «Салоти Масъудий»дан ташқари, яна битта китобни таржима қилганлиги юқоридаги мисралардан маълум бўл-япти. Бу маълумот ҳам яна янги изланишларни талаб қилади.

«Салоти Масъудий»га битилган мутаржим дебо-

¹ Ўша асар. – В. 745.

часидан маълум бўладики, ушбу дебоча таржимага киришиш олдидан ёзилган. Хотиманинг мазмунидан шу нарса аниқлашадикки, хотима асарнинг таржима-си тугалланиши биланоқ қоғозга туширилган. Лекин дебочада ҳам, хотимада ҳам таржиманинг тугатилган йили кўрсатилмаган. Хўш, унда таржима қачон, қай-си йилда амалга оширилган?

Ушбу саволга таржимоннинг нашр учун ёзган сўнгсўзидан жавоб топамиз. Биз юқорида китоб 1906 йилда чоп этилганлигини айтиб ўтдик. Сўнгсўзни эса Муҳаййир бевосита китобнинг нашр этилиш арафа-сида ёзган. Унда, жумладан қуйидаги сўзларни уч-ратамиз: «...Бу фақирни туркий забонида таржима қилғониға ҳоло, (айни вақтда, ҳозирда, яъни 1906 йилда – А.Д.) йигирма бир йил бўлғондур. Ўшал муддатдин буён мудаққиқлар қўллариға неча марта-ба тушуб, нусхани ҳеч бир калимасиға хатти бутлон тортғони йўқ эрди...»¹

Демак, таржимоннинг эътирофидан маълум бўла-дики, «Салоти Масъудий» 1885-86 йилларда, яъни Муҳаййир Бухородан қайтиб келиши биланоқ тур-кийга ўгирилган. Бу пайтда шоир 43-44 ёшларда бў-либ, айна ижодий камолга етган пайти эди. Китоб йигирма бир йил давомида, яъни то нашр этилгунича қўлёзма ҳолида мутолаа қилингани Муҳаййирнинг юқоридаги эътирофидан маълум бўлади.

Айтиш лозимки, ушбу «Салоти Масъудий» ки-тоби тошкентлик Раҳимхўжа эшон Алихўжа эшон ўғли исмли бошқа бир киши тарафидан ҳам тар-жима қилиниб нашр этилган эди. Раҳимхўжа эшон

¹ Ўша асар. – Б. 754.

таржимасидаги «Салоти Масъудий» уч марта: 1905 йилда Самарқандда, 1906 ва 1911 йилларда эса Тошкентда нашр қилинган. Ваҳоланки, Муҳаййир бу китоб таржимасини йигирма бир йил аввал амалга оширган эди. Раҳимхўжа эшон, аниқки, Муҳаййир таржима қилган нусхадан яхши хабардор бўлган. Ва у баъзи давраларда Муҳаййир таржимасини камситиброқ гапирган бўлса керак. Бу гаплар Муҳаййирнинг кулоғига етиб боргани учун бўлса керак, таржимага ёзган сўнгсўзида бу хусусида оғриниб шундай дейди: «...Раҳимхўжа нусхани (яъни Муҳаййир таржима қилган «Салоти Масъудий»ни – А.Д.) кўрган йўқ эрди, ғалатлигини нечук билибдур. Фазл ва камоли «Мухтасар»ни туркий назм қилғонда маълум бўлуб эрди. Эмди наззорагарлар кўруб, бундай ноллойқ сўзлари жавобини ўқуб билғонларида ва ҳар икки таржимага (Муҳаййир ва Раҳимхўжа эшон таржимасига – А. Д.) вақти таъби бирла (нашр этилган вақти эътибори билан – А.Д.) назора қилғонларида албатта, Раҳимхўжанинг қилғон таржимаси маоли (улуғлар – А.Д.) кўзидин йироқ тушуб, камина мутаржим битахаллуси Муҳаййирни қилғон таржимаси эътиборлик бўлса, ажаб эмас...»¹.

Муҳаййирнинг юқоридаги эътирозини асоссиз деб бўлмайди. Раҳимхўжа Алихўжа ўғли мусулмон қонуншунослигидаги энг мўътабар қўлланмалардан бўлган Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» китобидан Убайдуллоҳ ибн Масъуд қисқартириб таълиф қилган «Мухтасар ул-виқоя» асарини туркийга ўгирган эди. Бу таржима муваффақиятсиз чиқиб,

¹ Ўша китоб. – Б. 754.

жуда кескин эътирозларга сабаб бўлади. Муҳаййир юқорида шунга ишора қилиб ўтган.

Ҳар икки таржимани ҳам муваффақиятли чиққан дейиш мумкин. Чунки агар шундай бўлмаганда, Раҳимхўжанинг таржимаси ўн йил ичида уч марта чоп этилмас эди. Муҳаййирнинг таржимасининг ҳам муваффақиятли чиққанига далил шуки, у ўз таржимасини уламолар назаридан ўтказганда, улардан ҳеч бири асар таржимасига эътироз қилмаганини китобга ёзилган сўнгсўзда таъкидлаб ўтади: Бу «...мудак-қиқлар қўлларига неча мартаба тушуб, нусхани ҳеч бир калимасига хатти бутлан тортғони йўқ эрди...»¹

Албатта, ҳар икки таржима икки мутаржимнинг ижод маҳсули бўлгани туфайли улар ўзига хос жиҳатларга эга экани табиий. Аммо ҳар икки таржимоннинг услубига назар солсак, Муҳаййирнинг матнларни тушунарлироқ ва тилимиз қоидаларига мувофиқ қилиб, зарур шарҳ – изоҳлар билан таржима қилгани кўзга ташланади. Масалан, қуйидаги ҳадиснинг ҳар икки мутаржим томонидан амалга оширилган таржимасига эътибор берайлик:

«Ман аҳаббал илма вал улама лам туктаб алайҳи хатийатуҳу муддата ҳайвониҳи»

(Ҳадис матни арабча бўлиб, ҳар икки таржимон уни арабчадан тўғридан-тўғри таржима қилган).

Муҳаййир таржимаси: «Расул алайҳиссалом айдиларки: «Ҳар бандаи мўмин илмни ва уламони дўст тутса, муддати умрида қилғон гуноҳлари ёзилмағай»².

¹ Ўша асар. – Б. 754.

² Салоти Масъудий. ЎзФАШИ босма китоблар фонди Инв. № 19111. – Б. 6.

Раҳимхўжа Алихўжа ўғли таржимаси: «Расул алайҳиссалом айдиларки: «Ҳар кимки дўст тутса илмни ва уламони, ул кишини хато ишлари ёзилмас тириклиги борича»¹.

Ҳар икки таржимада маъно тўлиқ сақланган. Лекин Муҳаййир матнни тўлиқ ўзбекча асосда, ўзбек тилининг қоидаларига мос равишда ўгирган, Раҳимхўжа Алихўжа ўғли эса арабча гап қурилишини сақлаган ҳолда таржима қилган.

Ёки қуйидаги форсий матн таржимасига диққат қилайлик:

«Расул алайҳиссалом фармудаст: «Панж гуноҳи кабир аст, ки вайро дар дунё каффорат нест: Ширк овардан баъд аз иймон ва озори модар ва падари кардан ва дар ҳарб як мўмин аз ду кофир рўйгарданидан, ки ғолиби ҳалокат набувад, савганди бадуруғ хурдан, яъни ямини ғамус ва хун баноҳақ кардан ҳамчунон, ки ин панж гуноҳи кабираро дар дунё каффорат нест».²

Раҳимхўжа Алихўжа ўғли таржимаси: «Расул алайҳиссалом айтибдурлар: «Беш нимарса гуноҳи кабирадурларким, аларға бу дунёда каффорат йўқ: Оллоҳ таолоға ширк келтирмоқ иймон келтурғондин сўнг, ва ота ва оналарға озор еткурмоқ ва урушда бир мўмин икки кофирдан юз ўгурмоқ ғолиб ҳалок бўлмағон ҳолда ва ёлғон қасам ичмоқ, ани ямин ғамус дерлар ва ноҳақ қон тўкмоқ, чунонки бу беш гуноҳларға бул дунёда каффорат йўқтур»³.

¹ Салоти Масъудий. ЎзФАШИ босма китоблар фонди инв. № 7971. – Б. 5.

² ЎзФАШИ. Босма китоблар фонди. Инв. № 6942.

³ ЎзФАШИ. Босма китоблар фонди. Инв. № 7971. – Б. 48.

Муҳаййир таржимаси: «Расул алайҳиссалом айдиларки: «Беш нимарса гуноҳларни улуғроғидур; бу беш гуноҳға дунёда каффорат йўқтур: Аввали иймон келтиргондин сўнг Худованд таолоға ширк келтирмоқ ва ота-онаға бефармонлик қилмоқ ва аларга озор бермоқ ва жанг вақтида бир мўмин икки кофирдан юз ўгурмоқ, агар ҳалоклик ғолиб бўлмаса, ва ёлғон қасам ичмоғлик, яъни ямин ғамус. «Ғамус» ул қасамдурким, анинг бирла одамларни ҳаққи зоеъ бўлур. Ва яна бир мўминни қонини ноҳақ тўкмак ва бир ривоятда мутлақ қон тўкмакдур»¹.

Олинган парчалардан кўриниб турибдики, Муҳаййир ўз таржимасини ниҳоятда дақиқлик ва илмийлик билан амалга оширган. Масалан, унинг «Ғамус» сўзига берган изоҳи ниҳоятда қисқа ва аниқ чиққан. Яъни ёлғон қасамнинг энг ёмон тури – бировларнинг ҳаққини ейиш, ўзлаштириш учун ичилажагини изоҳлаб ўтади. Бу зарур изоҳ Раҳимхўжа таржимасида мавжуд эмас. Бунга ўхшаш Муҳаййир таржимасининг афзал жиҳатларини кўрсатувчи мисоллар анчагина топилади.

«Салоти Масъудий» соф илмий асар бўлиб, таржимоннинг имкониятларини анча чеклайди, унга ўз санъатини тўлиқ намойиш қилишга, сўзларни эркин ишлатишга имконият бермайди. Буни Муҳаййир таржимага ёзган хотимасида ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади: «Бир йилда ёзган киши нечук хуш иборат қила олғай ва яна бир важҳ буки, масъалада аслий сўздин ўзга сўзлар гунжойиш қилмағай ва муболағаға жой бўлмағай, маъно вайрон бўлмаслик мўътабардур»².

¹ ЎзФАШИ Босма китоблар фонди. Инв. № 19111. – Б. 50.

² ЎзФАШИ Босма китоблар фонди. Инв № 19111. – Б. 744.

Биз аслида арабча ёзилган, кейин форс тилига таржима қилинган, ундан туркийга ўгирилган мўтабар фикхий асарнинг таржималари хусусида қатъий бир фикр айтишдан оғизмиз. Биз ушбу ўринда «Салоти Масъудий»нинг 1911 йилда Тошкентда В.М.Ильин типо-литографиясида нашр қилинган таржимасига китоб ношири ёзган сўзбошидаги гапларни келтирамиз. Ўйлаймизки, ушбу сўзбошидан олинган парча баъзи масалаларга ойдинлик киритади: «...Ва яна махфий қолмасунким, ушбу «Салоти Масъудий»ни иккинчи чоп қилинмоғига мутаржим Раҳимхўжа эшонни умрлари вафо қилмай, марҳум ўлдилар. Шу сабабдин камина Мулло Мирмахдум Шоҳюнус марҳум ўғли чоп қилмоққа эҳтимом қилиб, ушбу китоб баробарида чоп бўлгон Хўқандлик фозилнинг (яъни Муҳаййирнинг – А.Д.) таржима қилгон туркий «Салоти Масъудий»ларини уламоларга имтиёз қилиб бермоққа топшурдим. Муддати икки ой мулоҳаза қилиб кўрдилар. Сўнгра камина илтимос қилдим: «Ушбу нусхаларни қайси бирига жавоб берсалар, қилсам» – дедим. Жаноби олийлари дедиларки: «Ҳар икки нусхани бир-бирига хўп татиқ қилиб кўрдик. Иккови ҳам бир боғни гулидур» – деб ҳар икки мутаржимнинг қилгон диққатлариға дуойи хайр қилдилар»¹.

Ноширнинг сўзларидан ҳам маълум бўладики, ўша даврнинг эътиборли уламолари ҳар икки таржимани ҳам муваффақиятли ҳисоблаганлар. Уламолар ҳар икки таржиманинг фазилатини таъкидлаган ҳол-

¹ Салоти Масъудий. ЎзФАШИ босма китоблар фонди, Инв. № 10401. – Б. 3.

да, марҳумнинг ҳурмати юзидан Раҳимхўжа эшоннинг таржимасини чоп этишга ношир Мулло Мирмахдум Шохюнус ўғлига ижозат берганлар. Агар икки таржиманинг савиясида кескин фарқ бўлганда, уламолар албатта, буни ҳисобга олар эдилар.

Хуллас, Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирнинг «Салоти Масъудий»дек мўътабар фикҳий китобни форс тилидан туркийга таржима қилганлиги унинг юксак илмий ва таржимонлик маҳоратига эга бўлганини билдиради. Шу билан бирга, Муҳаййирнинг таржимонлик фаолияти уни Қўқон адабий муҳиtidaги бошқа шоирлардан фарқловчи алоҳида фазилат сифатида эътироф қилиниши лозим.

ХУЛОСА

Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли Муҳаййирдан салмоқли адабий мерос қолди. У ўзининг мукамал, тўлиқ девони – ўн бир минг мисрага яқин шеърлари билан адабиётимиз тарихини бойитди. Муҳаййир шоир ва таржимон сифатида ўзининг муносиб баҳосини олишни кутиб ётган ижодкорлардан эди. Ушбу иш шу йўлда қилинган бир ҳаракат бўлди. Муҳаййир ҳаёти ва ижоди бўйича олиб борилган изланишлар натижасида қуйидаги умумлаштирувчи хулосаларга келинди:

1. Муҳаййирнинг иқтидорли шоир экани ўтган асрнинг 60-йиллариёқ А.Ҳайитметов томонидан «...Фарғона водийсида яшаб ижод қилган шоирларнинг орасида кўзга кўринганларидан эди...» деб эътироф қилинган, 1960 ва 1967 йилларда ижодидан намуналар нашр қилинган бўлса-да, маълум объектив сабабларга кўра унинг ҳаёти ва ижодини махсус ўрганиш учун илмий кучлар йўналтирилмаган эди. Бизнингча, Муҳаййир ҳаёти ва ижоди билан маълум муддат шуғулланган олимлар (А.Ҳайитметов ва А.Азизов)га шоир биографиясига оид кўпгина маълумотлар, масалан, шоир отасининг Қўқон хонлари саройида котиб ва бош котиб бўлиб хизмат қилгани, ўзининг эса Эргаш кўрбоши қўлида котиб бў-

либ хизмат қилгани маълум бўлган бўлиши керак. Лекин мавжуд сиёсий тузум бу каби маълумотларни ошкор қилишга имконият бермаган кўринади. Мана шу жиҳатларни ҳисобга олиб, олимларимиз Муҳаййир ижодини ўрганишга жиддий киришмаган бўлсалар керак.

2. Муҳаййир ўз даври адабий муҳотида эътироф этилган ижодкорлардан экани кузатишлар жараёнида маълум бўлди. Ўша давр Қўқон адабий муҳитининг энг кўзга кўринган вакиллари Фурқат, Муқимий ва Завқийлар билан яқин ижодий муносабатда бўлгани исботланди.

3. Шоир ўз девонининг охириги нусхасини кўчириш жараёнида баъзи муҳим ўзгаришларни киритган, натижада шоир шеърларидаги тузатилган ўринлар янада сайқал топиб, мукаммаллашган.

4. Муҳаййир девонининг илмий-танқидий матнини тузиш учун мамлакатимиз кўлёзма фондларида етарли манбалар мавжуд.

5. Муҳаййир мумтоз адабиётимиз анъаналарини муваффақиятли давом эттирди. Замондош шоирлардан фарқли равишда айрим лирик жанрларда ҳам баракали ижод қилди. Жумладан, кўплаб чуқур маъноли рубоийлар ёзганлиги фикримизнинг далилидир. Чунки ўша давр Қўқон адабий муҳотидаги йирик шоирлар Муқимий, Фурқат ва Завқийлар ижодида рубоий жанри деярли учрамайди. Шунингдек, Муҳаййирнинг Алишер Навоийга эргашиб «Арбаин» таълиф қилгани ҳам жиддий адабий ҳодиса сифатида қайд қилинмоғи лозим.

6. Муҳаййир адабий анъаналарни ижодий ривожлантирган, шеърларида ўзига хос маъно ва

мазмунни ифодалаган, айни пайтда оригинал бадий санъатлар яратишга муваффақ бўлган лирик шоирдир. Бу жиҳат замондошлари томонидан ҳам эътироф этилган.

7. Шоир ижодида ижтимоий руҳ ҳам акс этган. У ўз даври воқеаларига лоқайд муносабатда бўлмаган, вақтли матбуотни кузатиб борган ва унда баъзи чиқишлар қилган.

8. Муҳаййир девонидаги шеърлар диний-тасаввуфий, панд-насихат, ахлоқий-таълимий ва ишқий мавзуларда ёзилган. У ўз шеърларида ўқувчини инсон шаънини улуғлашга, Яратувчига итоат қилишга, камтар, қаноатли, ростгўй бўлишга чақиради. Тамаъ, кибр-ҳаво, дилозорлик каби иллатлардан йироқ бўлишга ундайди. Муҳаййир ўз асарларида юқоридаги фикрларни ихчам, лўнда шаклда, гўзал бадий воситалар ёрдамида ифодалашга эриша олган.

9. Муҳаййир ижодида адабий таъсир масаласи ҳам жиддий эътиборга лойиқ. Кузатишлар жараёнида унинг ижодига Лutfий ва Алишер Навоий шеърятининг таъсири жуда кучли бўлгани ойдинлашди. Буни у ўз девони дебочасида ва шеърларида ҳам бир неча ўринларда эътироф қилган. Шунингдек, у Алишер Навоийнинг ўн бир ғазалига мухаммас боғлаган бўлиб, бу нарса ҳам Муҳаййир ижодига Навоийнинг таъсири нечоғли зўр бўлганини кўрсатади. Муҳаййир шеърларида лutfиёна соддалик, турконалик ва ифодадаги ёркинликни ҳам кўрамизки, бу нарса Лutfий ижодини жуда яхши билиш ва мунтазам мутолаа қилишнинг самарасидир.

10. Муҳаййирнинг таржимонлик фаолияти ҳам алоҳида диққатга сазовор. У Муҳаммад Пуруний-

нинг форс тилидаги «Қирқ ҳадис»ини, Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф Самарқандийнинг «Салоти Масъудий» номли фикҳ илмига оид асарини таржима қилган. Бу факт Муҳаййирнинг нафақат истеъдодли шоир, балки кучли илмий салоҳиятга ва таржимонлик қобилиятига ҳам эга бўлганини кўрсатади. Муҳаййирнинг таржимонлик фаолияти ва бу соҳадаги ишлари Қўқон адабий муҳитидаги ўзига хос ҳодиса бўлиб, алоҳида аҳамиятга моликдир.

Адабиётимиз тарихининг XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига оид даври жуда кўп ўрганилган. Бу даврда яшаб ижод қилган кўп адибларнинг ҳаёти ва ижоди бўйича махсус тадқиқотлар амалга оширилган. Лекин Муҳаййирдек соҳиби девон, хушқалам хаттот ва моҳир таржимон бўлган шоирнинг ижоди ҳозиргача тадқиқ этилмаган эди. Ушбу илмий ишимиз йирик шоир ва таржимон Муҳаййир ижодини бугунги кун нуқтаи назаридан туриб баҳолашга хизмат қилади, даврнинг умумий адабий ҳаётини ёритишга ёрдам беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б. 346.

Абдуллаева Б. Тошбосма баёзларнинг илмий тавсифи // Адабий мерос. – 1989. – № 4 (50) – Б. 37-44.

Абдуллаева Д. Усмонхужа Зорий ҳаёти ва ижоди. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 2003. – Б. 145.

Абдуғафуров А. Ўзбек демократик адабиётида сатира – Т.: Фан, 1961. – Б. 234.

Абдуғафуров А. Муқимий сатираси. – Т.: Фан, 1976. – Б. 67.

Абдуғафуров А. Зокиржон Фурқат. – Т.: Фан, 1977. – Б. 211.

Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги қадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1997. – Б. 216.

Абдуғафуров А. Ихтироъ ғазал ва унинг силсиласи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. – № 1. – Б. 11-17.

Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. – № 2. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1996. – Б. 191.

Адабиёт кўзгуси. Илмий тўплам. № 6. – Т.: Халқ мероси, 2000. – Б. 208.

Адабиёт назарияси. 1-том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 416.

Адабиёт назарияси. 2-том. – Т.: Фан, 1979. – Б. 444.

Адабиётшунослик терминлари луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 300.

Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар. № 2. – Т.: Фан, 1971. – Б. 286.

Адабий мерос. Манба ва тадқиқотлар. № 3. – Т.: Фан, 1973. – Б. 313.

Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. 2-жилд. Лирика / Тузувчи У. Тўйчиев. – Т.: Фан, 1992. – Б. 248.

Алишер Навоий. МАТ. Биринчи том. Бадойиё ул-бидоя. – Т.: Фан, 1987. – 722 б.

Алишер Навоий. МАТ. Иккинчи том. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987. – Б. 619.

Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. Фаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988. – Б. 613.

Алишер Навоий. МАТ. Ўн олтинчи том. – Т.: Фан, 2000. – Б. 335.

Алишер Навоий. МАТ. Ўн еттинчи том. Насойим ул-муҳаббат. – Т., 2001. – Б. 518.

Амирий. Девон. – Т.: Фан, 1972. – Б. 359.

Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиёу-с-санойиё. (Форсчадан А. Рустамов таржимаси) – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б. 400.

Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991. – Б. 256.

Баранов Х. К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С. 942.

Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. – С. 524.

Бертельс Е.Э. История персидско-таджикской литературы. – М. Наука, 1960. – С. 554.

Бобир. Мухтасар. (Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан). – Т.: Фан, 1971. – Б. 412.

Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси. Филол. фанлари. доктори... дисс. – Т., 1996. – Б. 368.

Жабборов Н. А. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол. фанлари. номзоди... дисс. автореферати. – Т., 1994. – Б. 24.

Жалолов А. XIX аср охири ва XX бошларидаги ўзбек адабиёти. – Т., 1991. – Б. 154.

Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 222.

Жумахўжа Н. Феруз маданият ва санъат ҳомийси. – Т.: Фан, 1995. – Б. 89.

Жумахўжа Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б. 150.

Жўрабоев О. Р. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси. Филол. фан. номз. дисс. – Т.: – 2003. – Б. 156.

Жўраев М. «Сеҳрли рақамлар сири». – Т.: Ўзбекистон, 1991. – Б. 163.

Жўшон М. А. Ислом. Тасаввуф ва ахлоқ (Таржимон ва сўнгсўз муаллифи Сайфиддин Сайфуллоҳ). – Т.: Истиқлол, 2000. – Б. 240.

Завқий. Танланган асарлар. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 112.

Завқий. Ажаб замона. – Т.: Шарқ, 2003. – Б. 174.

Зокиржон Фурқат. Мақолалар тўплами. – Т.: Бадиий адабиёт, 1959. – Б. 152.

Иброҳимов С. Ҳасратнома // Меҳнат ва турмуш. – 1971. – № 5. – Б. 20-21.

Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: Фан, 1983. – Б. 167.

Каримбек Камий. Дилни обод айлангиз... Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 159.

Каримов Ғ. Ўзбек демократик шоири Муқимий ва унинг даври адабиёти: филол. фанлари д-ри... дисс. – Т., 1961. – Б. 800.

Каримов Ғ. Ўзбек адабиёти тарихи. 3-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1966. – Б. 308.

Каримов Ғ. Муқимий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1970. – Б. 272.

Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Т.: Фан, 1993. – Б. 93.

Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. 1-китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 272.

Лихачёв Д. С. Текстология. – М., – Л.: Наука, 1964. – С. 100.

Лутфий. Асарлар. – Т.: Бадиий адабиёт, 1958. – Б. 234.

Маънавият юлдузлари. Мақолалар тўплами. – Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999. – Б. 398.

Мирзаев В. Аваз Ўтар ўғли (ҳаёти ва ижоди) Филол. фанлари номз. дисс. – Т.: 1962. – Б. 240.

Муқимий. Асарлар тўплами. Икки томлик. Биринчи том – Т.: ЎзССР Давлат бадиий адабиёт нашриёти. 1960. – Б. 375.

Муқимий. Асарлар. – Т.: Адабиёт ва санъат. 1974. – Б. 479.

Муҳаййир. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи: А. Азизов. – Т.: Фан, 1967. – Б. 79.

Муҳаййир. Девон. Нашрга тайёрловчи М. Хайруллаева. – Т.: Университет, 2000. – Б. 60.

Муҳаййир. Девон. ЎзРФА Давлат Адабиёт музейи қўлёзмалар фонди. Инв. № 241.

Муҳаййир. Девон. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 7493.

Муҳаййир. Баёз. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди. Инв. № 682.

Навоий асарлари луғати / Тузувчилар: П. Шамсиев, С. Иброҳимов. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 784.

Навоийнинг нигоҳи тушган... – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – Б. 230.

Носиров О. ва бошқалар. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 183.

Османов М. – Н. О. Стиль персидско–таджикской поэзии (IX–X вв.). – М.: Наука, 1974. – С. 266.

Очиллов Э. Навоий ғазалларида комил инсон тимсоллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2001. – № 1. Б. 7-14.

Раззоқов Х. Завқий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Ўздавнашр, 1955. – Б. 94.

Рафиддинов С. Мажоз ва ҳақиқат. – Т.: Фан, 1995. – Б. 154.

Рафиддинов С. Орифлик ва фақр // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1994. – 3 июнь.

Рейснер М. Л. Эволюция классической газели на фарси (X–XI века). – М.: Наука, 1989. – С. 221.

Рустамов А. Навоийнинг бадий маҳорати. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. – Б. 216.

Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Т.: Ёз гвардия, 1987. – Б. 160.

Сарёмий Юсуф. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2002. – Б. 168.

Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. – Т.: Фан, 1978. – Б. 152.

Собрание Восточник рукописей Академии наук Узбекской ССР. VI том. – Т.: АН УзССР, 1963. – С. 737.

Сулаймонов Ҳ. «Хазойин ул-маоний» текстларни ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари // Алишер Навоий. Хазойин ул-маоний. 1-том. – Т.: Фан, 1959. – Б. 5-28.

Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. – Т.: Мехнат, 1991. – Б. 95.

Тожибоев Р. XX аср бошлари ўзбек адабий танқиди тарихидан: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т.: 1993. – Б. 159.

Тожибоев Р. Шуаро назмида Худоёрхон тақдири // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – 1994, 22 апр.

Тожибоева М. Юсуф Сарёмий ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номз... дисс... автореф. – Т.: 1999. – Б. 24.

Турар У. Тасаввуф тарихи / Туркчадан Н. Ҳасан таржимаси. – Т.: Истиклол. 1999. – Б. 180.

Тўйчиев У. Ўзбек шеър системалари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 48.

Тўйчиев У. Ўзбек поэзиясида аруз системаси. – Т.: Фан, 1985. – Б. 376.

Университет таълими учун ўзбек филологияси бўйича ўқув дастурлари. – Т.: Университет, 1997. – Б. 346.

Фуркат. Танланган асарлар. Икки томлик. 1-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 232.

Фуркат. Танланган асарлар. Икки томлик. 2-том. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 188.

Фуркат ижодиёти. Мақолалар тўплами. – Т.: Фан, 1990. – Б. 196.

Хайруллаева М. Муҳаййирнинг қўлёзма девони // Адабий мерос. – 1984. – № 2. Б. 70-73.

Халилбеков А. Нодим Намангонийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т.: 1967. – Б. 250.

Холид Расул. Зокиржон Фурқат ижоди. Т.: Фан, 1954. – Б. 136.

Холид Расул. Фурқат. Танқидий–биографик очерк. – Т.: Фан, 1959. – Б. 127.

Шамсиев П. Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1986. – Б. 164.

Шукуров Н. Сўз сеҳри, шеър меҳри. Адабий–танқидий мақолалар. – Самарқанд: Зарафшон, 1991. – Б. 215.

Шукуров Н. Бу олам сахнида... Адабий – танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. – Б. 246.

Эркинов С. Муқимий ҳаёти ва ижодини ўрганишда баъзи қўшимча материаллар // Шарқ юлдузи. 1961. № 2.

Эркинов С. Лутфий. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фан, 1965. – Б. 128.

Юсупов Ш. Худоёрхон ва Фурқат. – Т.: Шарқ нашриёт–матбаа концерни, 1995. – Б. 96.

Юсупов Ш. Хуфия қатламлар. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 144.

Ўзбек адабиёти масалалари. Адабий–танқидий мақолалар тўплами. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1959. – Б. 380.

Ўзбек адабиёти. Тўрт томлик. Тўртинчи том. Биринчи китоб. – Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1960. – Б. 464.

Ўзбек адабиёти тарихи. 1-том. – Т.: Фан, 1977. – Б. 328.

Ўзбек адабиёти тарихи. 2-том. – Т.: Фан, 1977. – Б. 460.

Ўзбек адабиёти тарихи. 3-том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 380.

Ўзбек адабиёти тарихи. 4-том. – Т.: Фан, 1978. – Б. 444.

Ўзбек адабиёти тарихи. 5-том. – Т.: Фан, 1980. – Б. 420.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб: Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарқ, 2000. – Б. 464.

Қайюмов П. Д. Тазкираи Қайюмий. Уч жилдлик. – Т.: Нашриётсиз, – Б. 718.

Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. – Т.: Фан, 1961. – Б. 361.

Қаюмов А. Шеърят жилолари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 128.

Қосимов Б. Излай-излай топганим... – Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. – Б. 272.

Қосимов Б. Маслакдошлар: Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. – Т.: Шарқ, 1994. – Б. 160.

Қуръони Карим. Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи Алоуддин Мансур. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б. 672.

Ҳадис. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Тўрт жилдлик. 4-жилд. – Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1996. – Б. 528.

Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. X-XV асрлар. – Т.: Фан, 1970. – Б. 330.

Ҳайитметов А. Ҳаётбахш чашма. Мақолалар тўплами. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974. – Б. 165.

Ҳайитметов А. Табаррук излар изидан... – Т.: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 151.

Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Т.: Ўқитувчи, 1993. – Б. 216.

Ҳайитметов А. Ўзбек адабиётида халқчиллик ва халқчил услуб ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 1993. 1-сон.

Ҳакимов М. Навоий асарлари қўлғезмаларининг тавсифи. – Т.: Фан, 1983. – Б. 200.

Ҳамидова М. Қўлғезма баёзлар – адабий манба. – Т.: Фан, 1981. – Б. 122.

Ҳасан Б. Қуръони Карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1995. – Б. 518.

Ҳасан Ҳусну Ардам. Илоҳий ҳадислар. – Т.: Чўлпон, 1994. – Б. 104.

Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеъриятининг шаклланиши ва таракқиёти (ғоявийлик, издошлик, образлар олами). Филол. фанлари д-ри... дисс. – Т.: 1995. – Б. 282.

Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий. – Т.: Фан, 1981. – Б. 100.

Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 160.

Ҳаққулов И. Шеърият – руҳий муносабат. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1989. – Б. 240.

Ҳожиаҳмедов А. Ўзбек арузи луғати. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 240.

Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 160.

Ҳожиева Р. Тошбосма баёзлар ўзбек адабиётини

ўрганишда муҳим манба // Адабий мерос. – 1980. – №1. – Б. 87-96.

Ҳомидов Ҳ. Боқий бўстон таровати. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1986. – Б. 214.

Хусаинова Ф. Демократ шоира Анбар Отин. Филлол, фанлари номзоди... дисс. – Т.: 1966. – Б. 150.

Evllyalar ansiklopedisi. Istanbul. 1992. Ihlas çazetecilik holdng A.S. – B. 448.

Mehmed Emre. Kirk mevsuda kirk hadis. Istanbul. 1344. – B. 480.

Илмий-оммабон нашр

АКРАМ ДЕҲҚОН

МУҲАЙЙИР ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ

монография

„Ziyo nashr“ нашриёти

Тошкент – 2021

Мухаррир: Умар ҚОДИРОВ
Бадий муҳаррир: Хуршид ХОЛИЁРОВ
Саҳифаловчи: Умар ҚОДИРОВ

Нашриёт лицензияси АА № 0008, 27.03.2019
Босишга 24.06.2021 йилда рухсат этилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108 $\frac{1}{32}$.
„Times“ гарнитурасида офсет усулида босилди.
Шартли босма табағи 8,4. Адади 300.
Буюртма рақами

„Ziyo nashr“

Масъулияти чекланган жамият
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 23-мавзе, 42-уй.